|                   | IIC       | 690                | T                        | 8                                           | 3                                         | 5                                                                            | 7                                                                                    | 12                                                                                               | -                                                                                      | 1.8                                                                                          | 7                                                          | 1                                                                  | 87                                                            | -                                                        | -                                                                       | 1                                                                  |
|                   | IIIC      | 480                | T                        | 5                                           | 6                                         | 6                                                                            | 7                                                                                    | 80                                                                                               | -                                                                                      | 4                                                                                            | 6                                                          | -                                                                  | 48                                                            | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IC        | 350                | T                        | 3                                           | 3                                         | 3                                                                            | 3                                                                                    | 40                                                                                               | -                                                                                      | 3                                                                                            | 20                                                         | 1                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IIC       | 310                | T                        | 2                                           | 3                                         | 3                                                                            | 3                                                                                    | 45                                                                                               | -                                                                                      | 3                                                                                            | 10                                                         | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IIIC      | 670                | T                        | 2                                           | 3                                         | 3                                                                            | 3                                                                                    | 70                                                                                               | -                                                                                      | 3                                                                                            | 15                                                         | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
| Uzbekiston        | I P       | 140                | P                        | 20                                          | 22                                        | -                                                                            | -                                                                                    | -                                                                                                | -                                                                                      | 1                                                                                            | 4                                                          | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | II P      | 80                 | P                        | 6                                           | 12                                        | 3                                                                            | 3                                                                                    | 3                                                                                                | -                                                                                      | -                                                                                            | 5                                                          | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IIIP      | 160                | P                        | 8                                           | 12                                        | 6                                                                            | 3                                                                                    | 6                                                                                                | -                                                                                      | -                                                                                            | 6                                                          | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IC        | 150                | T/P                      | 1,5                                         | 6                                         | 7                                                                            | 7                                                                                    | 7                                                                                                | 2                                                                                      | -                                                                                            | 10                                                         | -                                                                  | -                                                             | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IIC       | 190                | T/P                      | 1,5                                         | 6                                         | 2                                                                            | 3                                                                                    | 3                                                                                                | 2                                                                                      | -                                                                                            | 8                                                          | -                                                                  | 960                                                           | -                                                        | -                                                                       | -                                                                  |
|                   | IIIC      | 200                | T/P                      | 1,5                                         | 6                                         | 8                                                                            | 7                                                                                    | 7                                                                                                | 3                                                                                      | -                                                                                            | 9                                                          | -                                                                  | 16                                                            | -                                                        | 1                                                                       | 1                                                                  |




Figure: 4. An example of the analysis of the architectural and landscape organization and improvement

### References:

1. Градостроительные нормы и правила. «Градостроительство Планирование развития и застройки территории городских и сельских населенных пунктов»: ШНК 2.07.01-03\* – Т, 2003. – 35 с.
2. Швидковский О. А. «Некоторые вопросы архитектурно-планировочного решения главных улиц в крупных городах СССР (на примере Киева, Минска и Днепропетровска)»: Автореферат дис... канд. архитектуры: 18.00.02./НИИ градостроительство. – М, 1955. – 4 с.
3. СП 42.13330.2011 «Свод правил. Градостроительство. Планировка и застройка городских и сельских поселений»: СНиП 2.07.01-89\*. – М, – 29 с.
4. Ахмедов.М.Қ. Пути развития средневековых архитектурных ансамблей Узбекистана./ – Т.: Изд-во Ташкент, 2014.
5. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография – Т.: «Фан ва технология», 2019.
6. Леончик, В. «Новополоцк концепция устойчивой мобильности» П.Вардеванян, С. Готин, А. Королев, Е. Кот., С. Семченков //novopolotsk konsepcija ustoiichivoi mobilnosti. [Электронный ресурс]. –2008.-Режим доступа: novopolotsk.by. – Дата доступа: 10.01.2015.
7. Джонс, П. «Создайте больше людей, дружественных городских улиц, через планирование и дизайн «Link and Place».: /П.Джонс, С. Маршал, Н. Буженко//«Link and Place»[Электронный ресурс]. – IATSS RESEARCH Vol.32 No.1, 2008. – Режим доступа: core.ac.uk. – Дата доступа: 2019.
8. Города для людей/ Ян Гейл; Изд. На русском языке -Концерн «Крост», пер. с англ. - М.: Альпина Паблишер, 2012. – 25-35 с.
9. Словарь «Градостроительство и территориальная планировка»: Минск,1999.-67с.
- 10.Громов В.П. Основные принципы архитектурно планировочного решения главных улиц города (на примере города Ленинграда). Дис. ...канд. архитектуры: 18.00.04 / ЛИСИ.— Л., 1953.— 19 с.
- 11.Лавров В.Л. «Градостроительная культура Средней Азии (с древних времён до второй половины XIX века)»: Государственное издательство архитектуры и градостроительства. -Москва, 1950.
- 12.Протасова Ю.А. Совершенствование архитектурно-планировочной организации открытых урбанизированных пространств. Дис. ...канд. архитектуры: 18.00.04. - Минск, 1999. - Т.1. - 148 с.
13. Вашкевич В.В. Архитектурная композиция улиц в районах массовой жилой застройки. Дис. ...канд. архитектуры: 18.00.04. - Минск, 2004 - 60 с.

## ШАҲАРСОЗЛИК ТИЗИМИДА КЎЧАЛАР ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ҲАЖМИЙ ФАЗОВИЙ ЕЧИМЛАРИ (Тарихий Самарқанд шаҳри мисолида)

Айматов А.А., Кадиров Э. Б. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Мақолада тарихий шаҳарсозлик тизимида кўчалар ва жамоат биноларининг ҳажмий фазовий ечимларининг баъзи муаммолари баён этилган.

**Калит сўзлар:** тарихий турар жойлар, маҳаллалар, кўчалар, шаҳарсозлик, жамоат бинолари, шаҳар муҳити.

В статье приведены некоторые проблемы объёмно-пространственного решения улиц и общественных зданий в истории градостроительства.

**Ключевые слова:** исторические жилые, махала, улицы, градостроительство, общественные здания, городская среда.

The article describes some of the problems of volumetric spatial solutions of streets and public buildings in the system of historical architecture.

**Key words:** historic dwellings, neighborhoods, streets, urban planning, public buildings, urban environment.

Самарқанд шаҳри тарихий қисмининг ҳар бир кўчасини кўриб чиқадиган бўлсак, анъанавий турар жойлар орасида тор кўчаларнинг доминанти, шу муҳитдаги композицион ечими бўлиб масжид ва чойхоналар яққол кўзга ташланади. Қурилган турар жойлар комплекс кўринишда бўлса, жамоат бинолари (масжид, чойхона, маҳалла марказлари) шу кўчаларнинг режавий тузилишига киритилган. Агар бошқа томондан кўриб чиқадиган бўлсак—ҳовлилар уйлар ўз замонининг чизиқли уйлари бўлиб, кўчаларнинг режавий тузилиши ва муҳитига мутаносиблик билан чамбарчас боғлиқдир. Учинчи томондан шу тарихий ҳудудда яратилган композицион муҳитда бир ва икки қаватдан иборат анъанавий уйлар, ўзининг миллий ёғоч устунли айвонлари, ҳовлилар, икки қисми ўта бой ананаларни ташкил қилиш, тиниқ сувга тўлдирилган ҳовузлар, майда баргли дарахтлардан экилган кўкаламзорлар, масжид ҳамда чойхоналар нафақат кўчаларнинг режавий тузилиши, балки аҳолининг бир—бири билан мулоқоти, ёз кунларида салқин ва сояли жойларда дам олиб ҳордиқ чиқаришига ҳам хизмат қилади. Ундан нафақат яшовчи аҳоли, балки ўтиб кетаётган йўловчилар ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин бўлган.

Маҳалла марказлари турар жойлар орасида мутаносиб бир текисликда жойлашган бўлиб, улар орасидаги масофа 450-500 метрни ташкил қилган. Ўтиб кетаётган йўловчилар лабиринт каби тор кўчаларда композицион муҳитдан завқланиб, узокдан кўринаётган жамоат масжид минорасини мўлжалга олиб катта кўчага чиқиб олган. Бу ўз навбатида монументал биноларни буюклаштиришга хизмат қилган бўлса, ўз даврининг ҳарбий ва диний анъаналари билан ҳам боғлангандир.

Самарқанд шаҳар тарихий композицион му-

ҳит структурасини ўрганиб чиққанда, умумшаҳар турар жой уйлариининг қавати ва ташқи томонлари соддалиги ва ички безакларининг майда ва ихчамлиги, монументал ансамбллари ҳамда кичик маҳалла марказларини бўрттириб кўрсатишга, маҳалла марказларини анализ қилиб такқослаб қарасак, маҳалла жамоавий марказлари умумшаҳар ансамбллар билан композицион режавий тузилиши ва нақшинкорлиги билан контраст бўлиб бир—биридан кўзга яққол ташланиб фарқ қилади. Бундан мақсад асосий иншоотларни ажратиб кўрсатишдан иборат бўлган.

Бунга катта иморатлардан Бибиҳоним мадрасаси, Регистон майдони, Гўри Амир ва Шоҳи Зинда мажмуалари мисол бўла олади. Улар Самарқанднинг эски тарихий шаҳар қисмларида жойлашган бўлиб, ўзининг композицион масштаби ва салобати билан маҳалла ансамбллари ва шу маҳаллада жойлашган турар жой биноларидан яққол ажралиб туради. Улар нафақат маҳаллада жойлашган бинолардан, балки бир—биридан ҳам фарқ қилган. Масалан, шаҳар марказида жойлашган иншоотлар каттароқ, шу шаҳар масштабига мослаштирилган бўлиб, улардаги безаклар ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ҳамда бошқа маҳалла марказларда жойлашган иншоотлар ҳам, шу маҳалланинг бир қаватли бир хилда такрорланган ҳовлилардан, композицион мутаносиблик, масштабни бузмасдан нафақат ҳажми билан, балки унга берилган тус—ранглари ва шу ерда жойлашган муҳити билан яққол ажралиб туради.

Меъморий обидаларнинг ранглари совуқроқ рангларда бўлиб, уни ўраб турган атроф муҳит қурилмаларнинг ранглари эса илиқ тондан иборат, деворлари лой сомон сувоқдан ёки пишиқ гиштдан иборат бўлган.

Шаҳар қурилишида маҳалла турар жой уй-

лари ва унинг жамоавий марказлари бир-бири билан боғлиқ композицион характерга эга бўлиб, улар зич жойлашган кўчаларнинг режавий тузилишига контраст ва нюанс даражада мослаштирилган. Агар умумшаҳар режалаштириш тизимида архитектуравий ансамбллар ягона пластик стерженда жойлашган бўлса, унда биз маҳалла марказларини бундай тизимда учратмаймиз. Ҳамда архитектуравий ансамблларнинг даҳаларда жойлашган режавий тузилиши шу композицион муҳитга ва кўчаларнинг режавий тузилишига мутаносибдир. Маҳалла марказларининг бир-бирига ўлчамлари, салобати, рангли гаммалари, композицион муҳити мослиги билан яқиндир. Бу ҳолат даҳалар ва маҳалла марказларини бир-бирига боғлаб, ягона ечимга олиб келади ва кўчаларнинг режавий тузилиши билан маҳалла марказларини бир-бири билан мослаштиради.

Тадқиқотларга қараганда, тарихий шаҳар турар жойлар қисми умумий композицион муҳитининг понарамасини уч поғонага бўлиш мумкин:

- умумшаҳар миқёсидаги архитектуравий ансамбллар монументлари;
- маҳалла марказлари;
- бир типдаги зич жойлашган турар жойлар.

Ундаги ҳар бир поғоналарни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бир типдаги турар жой уйлари ўз ўрнида маҳалла жамоавий марказлари олдида маҳалла марказининг роли катта шаҳар композицияси ва умумшаҳар ичида жойлашган монументал ансамбллар ичида кўринмай кетади.

Умумшаҳар монументал ансамблларнинг умумий тузилиши жамоат маҳалла марказларини ташкил қилади. Бундай асосий ечимни Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида кўришимиз мумкин. Бунда биз муҳитдаги кўчаларнинг режавий тузилишини, вертикал доминантли иншоотлар, бир қаватли зич жойлашган турар

жой иморатларнинг томлари текис ва кўкаламзорлаштирилган муҳит, ҳовуз атрофидаги ансамбл, боғ хиёбон меъморчилигида “чорбоғ” типдаги ансамблларни учратамиз.

Маҳалла турар жойларини ҳовлилар билан ташкил қилган, уларнинг жойлашган ўрни, ривожланиш тарихи ва биноларни қуришдан кўзланган мақсад билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳамда улар умумшаҳар монументал ансамбллар билан биргаликда умумий яхлитликни ташкил қилади. Уларга мисол қилиб, Хива ва Бухоро шаҳарлари понарамасини келтириш мумкин. Вертикал элементларига (миноралар, бино ва иншоотларни баланд пештоқлари, гумбазлар)ни киритиш мумкин. Баланд қурилган бино ва иншоотлар умумшаҳар монументал ансамбллар, маҳалла жамоавий марказлари ва турар жойлардан баландроқ туриб умумий шаҳар композициясига янада кўпроқ кўрк қўшади. Бундай шаҳарлар композицияси ва ритмик кўриниши билан бир-бирига ўхшайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки тарихий шаҳарларда шаҳар кўриниши ва лойihalаш бир-бирига ўхшаган. Зич жойлашган турар жойлар ичидаги маҳалла марказлари, катта умумий шаҳар монументал ансамблларида ўтиш учун хизмат қилган.

Шундан маълум бўладики, ҳар бир кўча ва жамоат бинолари, маҳалла марказлари ва тарихий шаҳар структураси муҳитида бир типдаги турар жой уйлари қуриш жуда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки турар жой уйлари маҳалла марказларидаги монументал биноларни ёрқин намоён бўлишига хизмат қилиб, шаҳар асосини ташкил қилган.

#### Адабиётлар:

1. Рахимов К.Д. Квартальные общественные центры исторических городов Узбекистана. Дисс. канд. арх. – М.:МАРХИ, 1989 – С. 221.

УДК: 902.904

### КАРМАНА ҲУКМДОРЛАРИ САРОЙИ ВА ЧОРБОҒЛАРИ ТАЪМИРЛАНИШИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР МИРЗАЧОРБОҒ МИСОЛИДА

Савриев Жасур Фахриддинович, мустақил тадқиқотчи  
Кармана туман касб-хунар мактаби директори

Бухоро амирлигининг иккинчи пойтахти ҳисобланган Кармана беклиги даврида Бухоро амири Абдулахадхон Карманада ва унинг ўғли Сайид Олимхон даврида бунёд этилган амирнинг энг сеvimли гўшаларидан бири бўлган Мирзачорбоғ амир саройининг чорбоқлар орасида ўзининг гўзаллиги, хайратомуз меъморчилиги, нафис ганчкор нақшинкорлиги қурилиш меъморчилиги тўғрисида тадқиқот олиб борилган. Саройнинг, қайта таъмирланиши, ҳамда вайронага айланиб бораётган бино қисмларини тиклаш, бугунги кунда Мирзачорбоғнинг ҳароба ҳолдаги аҳолини, қаровсизликдан талон-тарож қилинаётганини олдини олиш бугунги кунда ечими кутилаётган долзарб муаммоларидан биридир.

**Таянч сўзлар:** амир қабулхонаси, болохона, равоқ, пойдевор, мадон, ғиштпарчин, ҳовли сураси, заварав, нақш, ганчкори, синч, қалама чўп, гужум.

Во времена правления Кармана, второй столицы Бухарского эмирата, эмир Бухары Абдулахад-хан был

одним из любимых уголков эмира, который был построен во времена правления Карманады и его сына Сайида Алимхана, дворец Мирзачорбога Амира был изучен среди площадей своей красотой, удивительной архитектурой, изящной вышивкой ганчора и архитектурным сооружением. Реконструкция дворца, а также реставрация полуразрушенных частей здания, профилактика ветхого состояния Мирзачорбога, разграбления по неосторожности - одна из самых актуальных проблем сегодня.

**Ключевые слова:** приёмная амира, чердак, веранда, фундамент, мадон, каменщик, двор сура, заварав, узор, ганчори, синч, карандаш, гуджум.

During the reign of Karman, the second capital of the Bukhara Emirate, the emir of Bukhara Abdulahad Khan was one of the favorite corners of the emir, which was built during the reign of Karmanada and his son Sayyid Alimkhan, the Palace of Mirzachorbog Amir was studied among the squares with its beauty, amazing architecture, graceful embroidery ganchkor and an architectural structure. Reconstruction of the palace, as well as restoration of dilapidated parts of the building, prevention of the dilapidated state of Mirzachorbog, looting by negligence is one of the most pressing problems today.


**Key words:** amir's reception, attic, veranda, foundation, madon, bricklayer, surah yard, zarav, pattern, ganchkori, sinch, pencil, gujum.

Меъморий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш ҳозирги замон реставратор (қайта таъмирловчи)ларининг илми ва амалиётининг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада меъморий ёдгорликларни таъмирлашнинг тарихий шаклланиш асосларини ўрганмасдан туриб, ушбу мураккаб ва республикамиз учун долзарб бўлган масалани ечишда самарага эришиш қийиндир. Тарихий биноларга обида, яъни маданий мерос объекти сифатида қараш фикри Европанинг “Ўйғониш даври”да юзага келади [1]. Бироқ, бу даврда ҳали тарихий биноларни обида сифатида қадрлаш ва авайлаб асраш қонуний кучга кирмаган эди. Оқибатда улар етарлича қадрланмади, баъзан ҳатто улардан қурилиш ашёси сифатида ҳам фойдаланилди. Маълумки, Кармана тарихи ва бу ерда жойлашган амир саройлари ва чорвоқлари ҳали ҳануз, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган, шу заминда яшаётган фуқароларни, гарчи ҳароба ёки йўқ бўлиб кетиш арафасида турган бўлсада, нур таратувчи гавҳардек чорлайверади. Бухоро амирлигининг иккинчи пойтахти ҳисобланган Кармана беклиги даврида Бухоро амири Абдулаҳадхон (1857 йил 26 март куни Карманада туғилган) ва унинг ўғли Сайид Олимхон даврида кўплаб чорбоғ ва саройлар бунёд этилган. Карманада Асқаробод чорбоғ, Чармгарчорбоғ, Жарчорбоғ, Боғи Олчин, Гулчорбоғ, Хайрободчорбоғ, Хончорбоғ, Закотчилар Насирбодом чорбоғи ва амирнинг энг сеvimли гўшаларидан бири бўлган Мирзачорбоғ шулар жумласидандир [2]. Мирзачорбоғ бу сарой ва чорбоқлар орасида ўзининг гўзаллиги, ҳайратомуз меъморчилиги, нафис ганчкор нақшлари билан ажралиб туради. Мирзачорбоғ саройи Амир Абдулаҳадхонни топшириғи билан Зарафшон дарёси соҳилининг баҳаво жойида, ҳозирги Буюк ипак йўли усти М-39 Тошкент-Бухоро йўлининг кунчиқар томонида 1900-1905 йилларда ўша вақтда ном чиқарган амирнинг шахсий машҳур меъмори Хўжа Абдурахим Ғозғоний томонидан лойиҳалаштирилиб, қурилиш ва ички безакларини ганчкор уста Ширин Муродов бошчилигида

Карманалик усталар Султон Қори, Нажжор Тўра, уста Дўст, уста Латифлар билан биргаликда қурганлар. Сарой лойиҳаси амирнинг таклифи ва кўрсатмасига асосан Европа ва Ўрта Осиё архитектураси уйғунлашган тарзда тайёрланган.



Амир Абдулаҳадхоннинг Мирзачорбоғ саройида тушган сурати (архив материаллари)



Мирзачорбоғ саройи: Карманалик бекларга Амир томонидан ош тортиқ қилинмоқда (архив материаллари)

Уста Ширин Муродов Карманага ва уни атрофидаги чорвоқ ва саройларни тиклашга 15 йил давомида фаолият олиб бориб ўзининг мактабини яратган уста сифатида ном қолдиради. Сарой мураккаб меъморчилик услубида қурилган бўлиб, қурилиш ҳам ашёси сифатида

асосан чўп ва ғиштдан фойдаланилган, бино қурилиш жиҳатидан иккига бўлинади. Ўша даврда яъни XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро хонлиги боғ саройлари Фарғона ва Хоразм хонликлари боғ саройларидан шаҳарлардан ташқарида кенг баҳаво ҳудудда алоҳида боғ ансамбл тарзида шаклланганлиги билан фарқ қилади. Бухоронинг охириги юз йиллик боғ саройлари меъморчилик-архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Масалан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳридаги Ширбудун меморчилик обидаси, Ситораи Моҳи Хосса саройи ва Карманадаги Мирзачорбоғ-амир саройлари Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуги, рус ва мавритания готик ва маҳаллий бадий унсурларни кузатиш мумкин [3].




Мирзачорбоқ саройининг ҳозирги кундаги кўриниши (2020 йил 4 сентябр ҳолатида)

Кексаларнинг эслашича, сарой қурилишига 100 га яқин уста, мардикорлар жалб этилган. Биринчиси – эни 8м, бўйи 18 м ва баландлиги 8 м бўлган иморат. Сарой чўпкоридан қўшсинч усулида, яъни маълум бўлишича маҳаллий чўп уста Зарипов Ғуломни кўрсатмасига биноан қалдирғоч усулида синчлар бир-бирига уланган. Синчлар бир хил текисликда кесилган бўлиб, ҳатто ҳозирги чўпкори қурилиш ишлари билан шуғулланадиган усталар ҳайратини

қурилиш тарихи лол қолдирди. Деворининг қалинлиги 80 см, пойдевори 1х35 см бўлиб, 25 қатор устма уст терилган 20х22 япалоқсимон тўртбурчак қалинлиги 4,5 см бўлган тоза тупроқдан қилинган пишган ғиштдан ва 26-қатори эса тикка қўйилган тарзда синчларни тагига терилган.

Маълум бўлишича, бу ғиштар ҳозирги кунда ҳам захни тортмаслиги, шўрланмаслиги ва қовжираган қуёшда титилиб кетмаганлиги билан, фақатгина баъзи жойлари сарғайиб, кўримсиз ҳолга келиб қолганлиги билан ажралиб турибди. Бу мусулмони ғиштарни бундай тарзда терилиши иморатни зилзилага бардошлигини таъминлайди. Ҳар бир қурилиш жараёнидаги ишлатилган хом ашё жой-жойига моҳирона тарзда ишлатилганини ҳозирги сарой харобалари тасдиқлайди. Синчлар асосан гужум дарахтидан эканлигини, сарой тепа қисмидаги зава-раф чўплар ва улар орасини бир бири билан туташтирган 4 метрлик қалама чўпларни кўриш мумкин. Том қисми болорлари орасига 30 см баландликда пардевор терилган. Ҳозирги Мирзачорбоғ харобаларини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, қалинлиги 80 см бўлган девор оралиғидаги ишлатилган хомашё, яъни лойсувоқ шу бугунги кунга қадар худди бир ҳафта 10 кун олдин қилингандай, яъни девор қолдиқлари мустаҳкам, ҳатто ҳозирги кунда қурилишда ишлатиладиган цемент ва ширриқ кумдан қилинган силлиқланган девор ҳам бу даражада аъло сақланмайди. Мирзачорбоғдаги Амир қабулхонаси алоҳида бўлиб, икки хонадан иборат, 6х м ўлчамдаги қабулхона – даҳлиз ва унинг ғарб томонида 6х12 м ўлчамдаги 15 болорли меҳмонхона залидан ташкил топган.




Мирзачорбоқ сарой меҳмонхонасининг 2020 йил 18 август кунига қадар сақланиб қолган девордаги безак ишларидан намуналар.

Залнинг баландлиги 6 м, даҳлизнинг баландлиги 3 м, унинг устидаги болаҳонанинг ҳам баландлиги 3 м. Даҳлизда 2 та – Жанубий ва Шимолий дала эшиклар ва битта ичкари

эшик, Шарқ ва Шимол томонида 1,2x1,5 м ўлчамдаги иккита дераза мавжуд. Даҳлизда жами 0,8x1,5 м ўлчамдаги ганчкорлик асосида безатилган 10 та равоқча бор. Болохонанинг Шимол ва Жануб томонида 1,2x1,5 м ўлчамдаги иккита дераза қўйилган [4].

Амир қабулхонасидаги деворлар ранглари тухумга қорилган табиий бўёқлар билан безатилганлигини ганчдан қилинган ўймакори усуллар бошқа хоналардан алоҳида ажралиб турганлигини мана орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам жозибаси йўқолмаган.. (халқ устаси уста Ширин Муродов ижоди).



Бухоро Амирлигидаги “Ситораи Моҳи Хоса” саройи (1920 йилдаги кўриниши).

Мирзачорбоғ саройининг ўз бадиий аҳамияти шундаки, қурилиш жиҳатларининг баъзи жойлари, яъни Амир саройини безатишда Европа техникасига тақлид қилинганлиги, яъни бинодаги айрим деразалар катталиги ва аркасимон бўлганлиги, бу услуб Европа подшоларининг шаҳар атрофидаги саройларидан андоза олинганлигини кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси бинони лойиҳалаштиришда безатилишида, сарой боғини мевали ва анвойи гуллар билан янада жозибадор бўлишида айвон ва бошқа даҳлизларни қурилишида очик кўриниб турибди. Сарой деворларининг пастки қисмлари елимли сир билан безатилганлиги ва тепа

қисмларидаги карнизлар моҳирона тарзда ганчга ўйилган нақшлари Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса хоналарининг безатилиши билан боғлиқ томони бўлса ҳақиқатга яқин [5].

Ўша давр меъморчилигида кенг қўлланилишни бошлаган наққошлик ва ганчкорлик ишлари асосан ганчдан қилинган арка усулидаги шифтларни жимжимадор қилиб безашда сарой устунларини масжидлар, мактаблар, бойларнинг уйлари, ёғочдан ясалган буюмларни кенг қўлланган. Сарой Қабулхонаси ўзининг ноёб нақши билан, ҳар бир ўймакори болорларидаги ранг баранглиги, жозибадорлиги, деворларига эса ўсимликсимон нақшларнинг япроқлари, мева, гул барглари чизмаларига алоҳида эътибор билан безатилганлиги учун ажралиб илоҳий бир куч томонидан яратилгандек лол қолдирган.


Амир саройини безашда Фарғона, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан ганч ўймакорлари, ёғоч ўймакорлари ва наққош усталар тақлиф қилинган. Пардозлаш ва ёрқин ранглار хонага тушаётган ёруғлик ҳисобига жуда ўринли танланган. Бунинг таъмирлашда ишлаган усталар ҳисобга олган бўлса керак. Бу бино ХХ асрнинг бошларидаги Карманада энг кўзга кўринган меъморчилик намунаси ҳисобланган. Маҳаллий ганчкор усталарнинг айтиши бўйича амир саройидаги безаш ишлари хона ҳажмига, ёруғлигига, намгарчилик ва бошқалар ҳисобга олинган деб айтадилар. Маълум бўлишича, меҳмонхона яъни амир қабулхонаси ёзги хона ҳисобланиб, у салқин бўлиши учун асосан Шимолга қаратиб қурилган. Деворлари икки қатор синчли қилиб, ичи ҳам япалоксимон хом ғишт билан тўлдирилган. Бу ёзда салқин, қишда эса иссиқ, яъни ҳаво мўътадиллигини бир хилда таъминлаб турган.

Меъмор наққошлар ўймакори ганчларни бўяшда қуйидаги ранглардан фойдаланганликларини, зангори ранглар, сариқ ранглар, қизил ранглар ва ранглар уйғунлашганида кўриш мумкин.

Сарой безаклари учун ранглар табиий усулда тайёрланган бўлсада, орадан 115 йил ўтган бўлса ҳам ўз жозибасини йўқотмаган. Сарой 15 болорли бинодан иборат бўлиб, болорлар ўта нозик дид билан чўп ўймакорлик санъати ва шарқона наққошлик усулида безатилган. Меҳмонхона – залга кунчиқар томонидан 1,5x2,2 м ўлчамдаги нақшинкор эшикдан қирилган. Қимматбаҳо ёнғоқ ва кедр дарахтидан ишланган сарой эшиклари маҳаллий аҳоли томонидан ўғирлаб кетилган. Ҳозирда фақат 1900 йилларни эслатувчи эшикнинг ошиқ-мошиқлари ва ром қисмининг бир бўлаги қолган.

Маълум бўлишича, амир қабулхонаси қутиш хонаси ҳам бўлиб қаровсизлик оқибатида 2019 йилнинг апрелида тўрт ой давомида қийшайиб турган ёғоч синчли бино кулаб туш-


ган.



Бухоро Амирлигидаги “Ситораи Мохи Хоса” саройининг безак ишларидан намуналар  
(Халқ устаси уста Ширин Муродов ижоди)

Ҳозирда қулаган жойда фақатгина миллий нақш бўлаклари қолган. Мустаҳкам, бақувват ёғочлар ўша ерда яшовчи маҳаллий аҳоли томонидан талон-тарож қилинган. Кекса маҳаллий аҳоли вакиллариининг эслашича, эшикнинг тўғрисида, залнинг тўрида тахт қўйиладиган ёйсимон катта равоқ, унинг икки томонида чиройли равоқлар қурилган ва бу ерда тахт ўрнатилган. Маълумки, бу ердаги тахт олтин васвасасида ўғирлаб кетилган. Бу ҳам етмагандек, тахт турган жой қовланган. Ҳозирда ҳам қандай қовланган бўлса, шу ҳолатлигича турибди. Амир тахти ўрнатилган жой эни 4м, бўйи 2х10м<sup>2</sup>. Ҳозирда ҳам тахт урнатилган жой қолдиқлари мавжуд. Меҳмонхонага яъни амир қабулхонасига эса кутиш залининг ичкари эшигидан кириб борилган. Ичкари эшиклар ҳам ёғочдан ясалган, майда айлана нақшинкор асл чўп рангида бўялган бўлиб, усталарнинг эътироф этишича нодир намуналардан бири бўлган. Залнинг Шимолий томонидаги тўртта ва Жанубий томонидан тўртта деразанинг юқори қисмида ҳам 1х1,2 м<sup>2</sup> ўлчамдаги равоқчалар усталик билан шундай ишланганки, улар хонанинг хуснига хусн қўшиб турган. Равоқлардаги ишланган ўймакор косачалар, нақшинкор безаклар бугунги кунда ҳам асл ҳолича қаровсизликдан чанг босган ҳолда бизгача етиб келди. Шуниси эътиборга молиқки, бинонинг саккизта деразаси, Шарқона усулда эмас, Ғарбона (Европача)


усулда ясалган. Бу каби меъморчиликни 1913-1914 йилларда қурилган Бухородаги Амирнинг ёзги саройи бўлмиш “Ситораи Мохи Хосса” саройида ҳам кўриш мумкин.



Мирзачорбоқ сарой зал деворларининг бизгача етиб келган ҳозирги кўринишидан намуналар  
(Халқ устаси уста Ширин Муродов ижоди)

Амир саройининг Ғарбий томонида иккинчи бино (амирнинг хос уйи) бўлиб у ҳам чўпқоридан синч ва заваравларнинг кўп бурчак шаклда қўйилиши, унда ҳоваллар (яъни улама)нинг кўринмаслиги мохир меъморчилик санъатининг бир кўринишидир. Бино қурилиш архитектураси жиҳатидан ғоят ҳайратомуз геометрик (олтибурчак) шаклда бўлиб, 7 хонадан иборат, иккита хонаси трапеция шаклида қурилган. Бинонинг пойдевор ўлчами қалинлиги 4 см бўлган 28х28 м<sup>2</sup> ва 24х24м<sup>2</sup> дан иборат япалоқ пишиқ ғиштдан, эни 1 метр, 29 қатор қилиб терилган [6]. Қайта ўлчов орқали маълум бўлишича пойдеворнинг баландлиги 1х35м япалоқсимон терилган пойдевор ғиштлири 25 дона устма уст терилган ва бир донаси эса тик турган ҳолатда ва том қисмига ҳам яъни пойдеворнинг устига бир донадан яна тик ҳолатда япалоқ ғишт қўйилганини кўришимиз мумкин. Бу менимча, ернинг кўтарилиши ва ғиштлар тупроқ остига қолиб кетгани ҳисобига бўлиб табиат ҳодисасидир. Бундан ташқари, бинонинг қурилиш таркибининг (яъни иккинчи бино назарда тутилмоқда) бошқа ҳеч бир эски биноларда учрамайди. Синч ва заваравларнинг олти

бурчак шаклида қурилганлиги, синчлар гужум дарахтидан қилинган, заваравлари қалин қора тол дарахтидан эканлигини, болорлар орасидаги силлиқланган вассалари эса терак ва толлардан (яъни тол ва терак чўплари сувга солиб бўктириб пиширилган, ёрик ва буралиб кетмаслиги учун) жипслаштириб мохирлик билан терилган. Афсуски, бу саройнинг иккинчи биносидаги том қисмидаги болорлари 1995 йилдан 2001 йилгача доналаб – якка тартибда кўпориб олиб кетилган. Чунки қаровсизлик оқибатида иморатнинг бугунги кунга қадар йўқ бўлиб кетиш ҳолати тезлашган. Энг ачинарлиси эса, кейинчалик ҳокимлик ва мутасадди ташкилотларнинг топшириғига асосан, кўпориб кетилган болор, тахта, чўп ва силлиқланган вассалар ўрнига ўртаси ёрилган ҳар хил чўп ва харвассалардан номигагина усти ёпиқ ҳолатга келтирилган ва иморатнинг том қисми оддий синиқ, улама шиферлар билан қопланганини ҳозирги сарой ҳаробаларида ҳам кўришимиз мумкин.



Мирзачорбоқ саройи том қисмининг бугунги кундаги ҳароба ҳолати.

Био хоналарининг ичи ҳам оддий Шаркона усулда безатилганлигини деворларига катта гулдон идишлардан гул ўсиб кўкка бўй чўзаётганини деворни сақлаиб қолган майда бўлакларига кўришимиз мумкин. Девордаги катта-катта рамкалар ва уларнинг киши кайфиятини кўтарадиган ҳар хил жойдаги девор қирраларига гипсдан қилинган куббачалик карнизсимон безак ёғоч устунлари чиройли қилиб чўпнинг асл ҳолатидаги ранглар орқали сайқал берганлигини ва хоналарни кенгроқ қилиб кўрсатиш мақсадида оқ рангга кўпроқ эътибор берилганлигини, яна ҳар бир хонада табиатнинг турли хил манзарали гулларини деворга мўйқалам орқали табиий бўёқлардан фойдаланган ҳолдаги чизмаларни девор қолдиқларида мужассам ифодасини топганлиги аниқ ҳақиқат. Хонага киришда Бухоро усталари тили ва тавсифи билан айтганда мадон, яъни бешта болордан иборат хона бор. Бу ер хоналардан – хонага ўтишни таъминловчи оёқ кийимларни ечиб ки-

радиган жой вазифасини ўтайди. Ушбу жой ҳозирда ҳам мавжуд. Ҳовли юзасидаги супа четида чуқурлиги 12 метрли мусулмон ғиштдан ғиштпарчин тарзда терилган қудуқ бўлган. Унинг суви булоқ сувидек тоза ва ширин бўлганлигини кекса авлод вакиллари тасдиқлайди. Бу қудукни ҳаробалари 1969 йилгача бўлиб, кейинчалик қўшилиб йўқ бўлиб кетган. Ҳовли атрофида ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлардан шаклланган боғ бўлган. Ушбу иншоот учун жой танлашда қўйидаги омиллар ҳисобга олинган бўлиши мумкин:

1. Зарафшон дарёси яқин бўлиб, сувни шарқирраб оқиши-ю мусаффо ҳаво салқинлиги;
2. Боғ яратиш учун тупрокнинг унумдорлиги;
3. Нурота тоғ тизмалари томонидан салқин шаббодани доим эсиб турганлиги;
4. Амир Абдулаҳадхонни овга қизиқиши юқори бўлиб, танланган жой ов учун қулайлиги инobatга олинган [7].

Шу сабабдан бўлса керак, ушбу жойга Мирзачорбоғ деб ном берилган. Фақатгина Мирзачорбоғ ичидаги сўлим боғдан атиги 6 дона, ҳар бирини ўлчаб кўрилганда қулочи 3х50м ва 3х90м бўлган осмон билан беллашган иморатни яхши ва ёмон кунларига гувоҳ бўлган чинор дарахтлари қад кўтариб турибди.

Мирзачорбоғдан мустабид тузум даврида қулга киритилган ижобий ютуқларга нисбатан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида шу жумладан маданий меросга бўлган ғоявий мафкуравий ёндашувнинг зарарли таъсири кўпроқ сезилди. Минглаб тарихий обидалар революцион ўзгаришлар таъсирида бузиб ташланди қолганларининг аксарияти эса тахқирланди. Маданий мерослиги инobatга олинмади улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш оммалашди [8]. Узоқ йиллар хўжалик ишларида омбор сифатида фойдаланилди. 1942-1943 йилларда ҳарбий тайёргарлик учун поляк аскарларига казарма сифатида фойдаланишга рухсат берилди. 1974-1975 йилларда эса бу ерга Кармана районининг район пиллачилик идораси жойлаштирилди. Кўпгина масжиду мадрасалар ёпилди. Айримлари молхона ва омборларга айлантирилди, ачинарлиси нураб вайрона ҳолга келди. Ушбу аянчли ҳолат нафақат Ўзбекистон балки Собиқ Иттифоқнинг бошқа тарихий шаҳарларида ҳам кузатилди. Бугунги кунда Мирзачорбоғнинг ҳароба ҳолдаги аҳолини, қаровсизликдан талон-тарож қилинаётганини яқин атрофида маҳаллий аҳоли томонидан жадаллик билан яшаш учун иморатлар хонадонлар қурилиши натижасида ҳода ва қаламачалар, пиширилган мусулмони қалинлиги 4 см бўлган 28х28 м<sup>2</sup> ўлчамли ғиштларни олиб кетилиши талон тарож қилиниши тезлашиб, янада кичрайиб, афсуски бир-икки йиллар ичида қайта таъмирланмаса, бу жой фақат тепалик бўлиб

қолиш эҳтимоли юқори.

Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 25 декабрдаги ПФ-3371-сонли фармонида мувофиқ, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларни жалб этган ҳолда Шайх Хўжа Хусрав мақбараси ва Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш бўйича топшириқлар берилган эди [9]. Шунча пайтдан бери бу иш бази бир сабабларга кўра орқага сурилиб ниҳоят 2019 йил январ ойида Мирза Чорбоғ саройини тамирлаш учун Республика Маданият Вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 3,4 миллиард сўм маблағ йўналтириб берилди. Уни таъмирлаш реставрация ишларини амалга ошириш Навоий вилоятидаги махсус тарихий маданий объектларини таъмирлаш ва реставрация ишлари билан шуғулланадиган “Сардоба Маликработ” хусусий корхонаси ўз зиммасига олади [10].

Маҳалла газетасининг муҳбири Тўлқин Шернаев 12.04.2020 йилдаги “Ўзбекистонда тарихий обидаларни моделлаштириш қачон амалга ошади?” номли мақоласида қуйидаги фикрларни баён этади: “Асрлар давомида тарихдан гувоҳлик берувчи кўплаб бинолар, иншоотлар урушлар, ёнғинлар ва вайронагарчиликлар сабаб ер юзидан йўқолиб кетиш арафасида. Ҳозир уларнинг қандай кўринишда бўлгани, нималарни ўз ичига олгани ҳақида фақат тахмин қиламиз. Аммо эндиликда замонавий технологиялар ҳар қандай иншоотнинг нафақат тарихдан буткул ўчиб кетишининг олдини олиш, балки айни пайтдаги кўринишини сақлаб қолишга ҳам имкон беради. Гап йил сайин такомиллашиб бораётган 3D-моделлаштириш ва сканерлаш соҳасидаги технологиялар имконияти ҳақида кетаяпти. Бу рақамли технология вайронага айланган кўҳна обида ва иншоотларнинг асл қиёфаси, яъни ташқи ва ички кўринишидан тортиб, энг кичик элементларигача бевосита танишиш ва уни қайта тиклашга ёрдам беради. Аҳамиятлиси шундаки, тарихий обида ёки иншоотнинг ёнига бормасдан туриб 3D-моделли орқали уни гўё жонлидек томоша қилиш мумкин бўлади” [11]. Албатта, бу ҳам Навоий вилоятидаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси қайта таъмирлаш ва реставрация қилиш соҳаси бўлимининг тизимли камчилиги ҳисобланиб, муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жорий йилда Маданият Вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Ихтисослашган махсус реставрация-тиклаш илмий тадқиқот марка-

зига тарихий обида ва иншоотларни таъмирлаш бўйича махсус усталар йўлланма асосида ўқишга юборилди. Жумладан, Навоий вилоятидаги реставрация ва таъмирлашга муҳтож тарихий ва археологик ёдгорликларни асраб-авайлаш мақсадида туман ҳокимлари, маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар бир объектга ихтиёрий ва кўнгилли равишда кўпни кўрган, тарихга қизиқадиган тажрибали одамларни жамоатчи инспекторлар сифатида бириктириб керакли муаммолар ва таклифлар асосида қайта лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди. Навоий вилояти бўйича Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақалараро Давлат инспекцияси мутахассиси Ш.Қобилов берган маълумотга кўра шу йил амалдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари танқидий қайта кўриб чиқилади ҳамда маданий мерос объектлари бўйича ягона тўғридан тўғри амал қилувчи қонун лойиҳаси Олий Мажлис қонунчилик палатасига киритилади.

2020 йил якунигача Республикадан олимлар ва мутахассислар жалб қилиниб улар иштирокида Навоий вилоятидаги барча моддий-маданий мерос, кўчмас мулк объектлари қайта тарихий маданий экспертизадан ўтказилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг кўҳна ва бой маданий меросини халқаро миқёсида эътироф этилишига эришиш мақсадида буюк ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисмини “Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси” ва “Сармишсой қоятош расмлари” объектларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон меъроси рўйхатига киритиш режалаштирилганлиги ҳамда 2022 йил I чорагида Нурота қалъаси ёдгорлигининг 3D-моделли яратилиши устида иш олиб борилмоқда [12].

Президентимизнинг 2019 йил 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифлари давомида берилган топшириғи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 11-сонли йиғилиш баёнининг 107-бандига мувофиқ “Буюк ипак йўли”нинг Зарафшон Қорақум қисмида жойлашган “Қосим-Шайх”, “Мирсайд Баҳром”, “Мирзачорбоғ-амир саройи”, “Работи-Малик”, “Сардоба”, “Мавлоно Ориф Деггароний” маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш вазифаси топширилган эди. Мазкур топшириқ юзасидан юқорида кўрсатилган объектларни ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш бўйича 2019 йил 20 май куни вилоят туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ва Ўрта Осиё Халқаро тадқиқотлар институти (ICAI) ўртасида лойиҳанинг умумий қиймати 1100,0 миллион сўмлик икки томонлама шартнома имзоланди.

Қайд этилишича, Буюк ипак йўли устида жойлашган Қуйи-Зарафшон воҳасидаги “Қосим-Шайх”, “Мирсаид Баҳром”, “Мирзачорбоғ-амир саройи”, “Работи-Малик”, “Сардоба”, “Мавлоно Ориф Деггароний” маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш ишлари 2021 йилнинг апрель ойида тўлиқ якунланади [13].

Биз яқин-яқинларгача тарихий-меъморий обидаларимизни, муқаддас зиёратгоҳларимиз ва ноёб осори атиқаларимизнинг яксон этилганлигини мустабид тузум мафкураси билан боғлаб келардик, аммо биз авлодларнинг бой меросимизга бўлган лоқайдлигимиз ва бефарқлигимиз бунинг асосий сабабларидан биридир. Ҳар соҳада бўлгани каби меъморий обидаларни таъмирлаш жуда катта тарихий асосларни талаб этади. Шундай экан, Мирзачорбоғ амир саройи Кармананинг бебаҳо тарихий обидаси ҳисобланиб, унинг табиий умрини узайтириш келажак авлодга мерос қолдириш мақсадида, биринчи навбатда уни қурилиш лойиҳасига эътибор қаратиб, аксарият ишлари, яъни қурилиш хом ашёси табиий воситалардан фойдаланилганлигини қолаверса ҳар йили юз берадиган табиий ва техноген ҳодисалар инобатга олиниб таъмирлаш ишларини амалга оширсан мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### Адабиётлар:

1. Подъяпольский С.С., Буссонов Г.Б., Беляев Л.А., Постникова Т.М. Реставрация памятников архитектуры. М. Стройиздат, 1988.
2. Ахтам Ҳотамов, Нурхон Бекниёзов. Кармана

Қадимий Диёр – Т., “Ўзбекистон” НМИУ 2007, 194-б. Тошкент ш.

3. Маликов У.Э. Ўзбекистон тарихий шахсларининг саройлар архитектураси. Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. 2019 й №2 сон 29-30 бет. УРК: 72032(575).

4. Ҳотамов А., Халилов Ш.. Йиллар садоси Т.Адолат 1995, 23-бет.

5. Бухоро қисқача справочник. Иккинчи тўлдирилган ва тузатилган нашри. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Тошкент – 1959. 57-бет.

6. Ҳотамов А., Бекниёзов Н. Кармана – Қадимий диёр. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2007. 22-бет.

7. Амир қароргоҳи хорликка юз тутмоқда. Халқ сўзи. 18 январ 2018 йил Мақола муаллифи Темур Эшбоев.

8. Саттаров У. Навоий вилояти.-Т.: “Yangi asr avlodi” yfih’nb, 2004-6 б.

9. Lex.uz.. шарҳи. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июндаги 308-сонли “Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш ва Навоий туманининг янги марказини қуриш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори.

10. Навоий вилоят ҳокимлигининг 2019 йил январь-сентябрь ойлари давомида барча соҳаларда амалга оширилган ҳомийликлар тўғрисида маълумот.

11. Ўзбекистонда тарихий обидаларни моделлаштириш қачон амалга ошади? “Маҳалла” газетаси 12.04.2020 Т.Шернаев

12. [https:// www.gazeta.uz/uz/2019/06/12/madaniy-meros/](https://www.gazeta.uz/uz/2019/06/12/madaniy-meros/)

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12-13 март кунлари Навоий вилояти ташрифлари давомида берилган топшириғи ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 11-сонли йиғилиш баёнининг 107-банди.

## YASHIL TOMLAR VA ULARNING ZAMONAVIY ARHITEKTURADAGI O'RN

**Karimov Ulug'bek Nurmatovich** - mustaqil izlanuvchi

**Uralov A.S.** - ilmiy maslahatchi, me'mor.f.d., prof., Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

Maqolada bino va inshootlar tom yuzalarida “Yashil tom”larni yaratishning tarixiy tajribalari, tarkibiy tuzilishi, ahamiyati va xorijiy tajribalari tahlil etilgan hamda xulosa va tavsiyalar bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** termozolyatsiya, ekstensiv, intensive, substrat, filtr, drenaj, gidrozolyatsiya, torf, Hundertwasser.

В статье анализируется исторический опыт, структура, значение и зарубежная практика создания «зеленых крыш» зданий и сооружений, делаются выводы и приводятся рекомендации.

The article analyzes historical experiences, structure, significance and foreign practice of creating “green roofs” of buildings and structures, as well as conclusions and recommendations.

*“Haqiqatda bu mantiqqa zid, qachonki butun shaharga teng tomdan maqsadli foydalanilmasa va yuza faqatgina tashqi himoyalanih hamda yulduzlarni kuzatish uchun xizmat qilsa!”.*

*Le Korbyuz'e*

Tom usti yuzalarini ko'kalamzorlashtirish ulkan tarixiy tajribaga ega bo'lib, taxminan 3 ming yilliklar avval soha mutaxassislari, ya'ni me'morlar tomonidan ilk namunalari barpo etilgan.

Bugungi kunda “Tom usti bog'lari” deb atalmish dastlabki ushbu bog'lar Qadimgi Vavilonda

(qadimgi Gretsiya tilida - “Xudoning darvozasi”) deb atalgan, hozirgi janubiy Mesopotamiya) dunyoning yetti mo'jizasidan biri bo'lgan “Semiramida bog'lari” (Semiramida - qadim. Gret. Semiramis, Shamiram, Shammuramat, qadimgi Assiriya qirolichasi) nomi bilan mashhur bu

qadimiy osma bog'lar xususidagi tarixiy-ilmiy manbalar: arxeologik qazilmalar, tarixiy qo'lyozmalar va ilmiy manbalardan bizgacha yetib kelgan.

Tom usti bog'lari, ya'ni "Yashil tom" keyinchalik sovuq iqlimi bo'lgan turli mintaqalarda (Kanada, Islandiya, Skandinaviya) ham asta sekin barpo etila boshlangan. Bunday tom"lar binoni issiq kunlarda salqin va musaffoligini ta'minlagan hamda sovuq kunlarda termoizolyatsiya (sovuqdan himoyalovchi qatlam) vazifasini bajargan. Yashil tomlarning zamonaviy texnologiyalari bundan qirq yil oldin Germaniyada ishlab chiqilgan. Faqat so'nggi yillardagina "yashil tom" ommaviy foydalanilib qurila boshlandi.

Yevropada tom"lar (turar joy va jamoat binolari) ancha vaqtdan beri (an'anaviy tarzda) chim bilan qoplangan tarzda qurilgan. Hozirda bunday tom"lar "jonli", "yashil" yoki "eko-tom" deb nomlanadi. Yashil tom - bu ma'lum bir o'simliklar (*dekorativ maysa*-canada green va yovvoyi ajriq, chim; *doimo yashil daraxt*-sarv, savri, archa; *butalar*-shamshod, normushk, yukka, xosta; *lianalar*-tekoma, plyush, yovvoyi tok; *bir va ko'p yillik gullar*-atirgul, ixcham nashagul, marmarak, sapsargul, moychechak va h.k.) bilan qoplangan hamda maxsus tarzda ekilgan tom. Bu ekologik qurilish yo'nalishi dunyoda tobora ommalashib bormoqda.

**"Yashil tom" atamasi (inglizcha - green roof)** degan ma'noni anglatib, qisman yoki to'liq tabiiy manzarali o'simliklar rejaviy (muntazam, manzaraviy yoki aralash uslubda) ekilib landshaft kompozitsiyalari hosil qilingan binolar (turar joylar: bir va ko'p qavatli hamda osmono'parlar; jamoat binolari: avtoturargohlar, ofislar, muassasalar va h.k.; ishlab chiqarish korxonalari: kiyim-kechak, oziq-ovqat va h.k.) tomi.

**Yashil tom ikki turda bo'ladi:** *ekstensiv* (lot. extensive - keng, yirik, bepoyon: sifat emas sonning oshishi) va *intensiv* (lot. intensive - intensiv, shiddatli, qizg'in, kuchli: ko'p mehnat talab qiladigan) ko'kalamzorlashtirish.

**Ekstensiv ko'kalamzorlashtirish:** bu yerda faqat maysazor ishlatiladi va yer yopar o't-o'simliklardan foydalaniladi hamda 5 sm dan 8 sm gacha bo'lgan tuproq qatlami talab qilinadi. Odamlarni harakatlanishiga ruxsat berilmaydi (xavfsizlik nuqtai nazaridan). Maxsus parvarishli ko'kalamzorlashtirish talab qilinmaydi va 45<sup>0</sup> gacha bo'lgan nishabli tomlarda rejalashtirish imkonini beradi.

**Intensiv ko'kalamzorlashtirish:** daraxtlar, butalar, lianalar, bir va ko'p yillik gullar va maysalarni ekishni o'z ichiga oladi.

-daraxtlar (asosan doimo yashil, ignabargli: sarv, savri, archa, qarag'ay, tikonli qarag'ay va h.k., yapaloq bargli daraxtlarni ham ekish mumkin, lekin faqat chuqur ildizga ega bo'lmaydigan va tez o'sib ketmaydigan hamda suvsizlikka chidamli turlari);

-butalar (shamshod, normushk, siren, forzitsiya, atirgul, xosta, yukka va h.k.);

-lianalar (tekoma, plyush, amur toki va h.k.);

-bir va ko'p yillik gullar (ixcham nashagul (petuniya), marmarak, gulsapsar, nargizgul, moychechak va h.k.);

-maysalar (canada green, myatlik, ajriq, chim va h.k.).

Ushbu bog'lar bog'-parklarni ko'kalamzorlashtirish tartibi bo'yicha (muntazam, manzaraviy va aralash uslublarda) rejalashtirilib, harakat yo'llari, ko'kalamzorlar va MMSH(o'rindiqlik, chiqindi quti, yoritgich, mo'jaz favvora, dekorativ haykalchalar va h.k.)lardan foydalanilgan holda amalga oshirish mumkin. Bunday yashil tom"lar "Tom usti bog'lari" deb ta'riflanib, doimiy parvarishni talab qiladi. Tuproq qatlamining qalinligi farqi 15 sm dan 5 m gacha bo'lishi mumkin. Ushbu yashil tom"lar tekis bo'lib, maksimal 0<sup>0</sup> dan 8<sup>0</sup> gacha bo'lgan burchak ostidagi nishablikka ega bo'lishi me'yoriy talab hisoblanadi.

**Yashil tom murakkab tuzilishga ega quyidagi tarkibiy qismlardan iborat** (1-rasm):

1- o'simlik qatlami;

2- tuproqli substrat (o'simliklarni oziqlantiruvchi zamin) qatlami;

3- filtr (suzgich: qum, tosh va h.k.larni tutib qoluvchi) qatlami;

4- drenaj (yer zaxini qochirish) va suvni saqlash qatlami;

5- himoya qatlami;

6- ildizga qarshi qatlam;

7- gidroizolyatsiya (namlikdan himoya qiluvchi qatlam);

8- Tom konstruksiyasi (bino tomining tomyopma plitasi).

**O'simlik qatlami:** tuproq qatlamining yuqori unumdor qismi, yuqori zichlikka ega, kam chirindi va ozuqaviy tarkibga ega.

**Tuproqning quyidagi turlari mavjud:** tabiiy va sun'iy (tayyorlanadigan).

-*tabiiy*: unumdor ekologik toza tuproq qatlami, o'simliklarni oziqlantirish uchun ishlatiladi;

-*sun'iy*: turli xil mineral o'g'itlar qo'shilgan, torf (o'simlik chirindisi)-qum aralashmalari, obodonlashtirish, landshaft dizaynida hududni ko'kalamzorlashtirish uchun ishlatiladi.

**O'simliklar zamini qatlami klassifikatsiyasi.**

**Turlari va tarkibi:**

-*dala tuprog'i*: dalalardan olib tashlanadi, unumdor tuproq qatlamining yuqori qismi- yerni rejalashtirishda va unumdor tuproq sifatida ishlatiladi;

-*qora tuproq*: yuqori unumdor tuproq, qora, donador-bo'lakli tuzilishga ega- tuproq tarkibini yaxshilash uchun ishlatiladi;


-*past tekislik yerlar tuprog'i*: qora yerga o'xshash hosildor suv toshqinlaridan hosil bo'ladi - tuproq tarkibini yaxshilash uchun ozuqaviy substrat sifatida ishlatiladi;

-*torf va qum aralashmasi*: torf (chirindi) va qora qum qo'shilgan jamlanma, tarkibi: 70-80 % torf, 20-30 % qora qum - maysazorlar tuprog'ini yaxshilash va unumdor yerlar tarkibini

yumshatishda va landschaft dizaynida: guldon, konteyner va boshqa qurilmalarga o'tqazilgan o'simliklar tuprog'ini yumshatish uchun ishlatiladi;

-torf va tuproq aralashmasi: tarkibiga torf va past tekislik unumdor tuprog'ining teng miqdordagi aralashmasi kiradi. Landschaft dizaynida qiya nishabliklardagi zich va mustahkam unumdor yer qatlamini yaratishda foydalaniladi;

-torf: tabiiy uglerodli qatlam, havo kirmaydigan botqoqli joylardagi o'simliklar qoldiqlarining sekin parchalanishi (chirishi) natijasida hosil bo'lgan chirindi - landschaft dizaynida o'simliklar ekiladigan tuproqli zamin tarkibini yumshatish va ozuqaviy xususiyatini yaxshilash uchun ishlatiladi.



1-rasm. Yashil tomning murakkab tarkibiy tuzilishining sxemasi.

Kerakli o'g'itlarni qo'llashda o'simlik tuprog'i unumdor tuproq sifatida ishlatilishi mumkin. Shu bilan birga o'simlik tuprog'i qo'llanilish maqsadiga qarab tanlanishi kerak.

O'simlik tuprog'i quyidagi maqsadlarda ishlatiladi:

-qurilish va ta'mirlash ishlaridan keyin tuproqning unumdor tuproq qatlamini tiklashda;

-ko'kalamzorlashtirishdan oldin hududlarni tekislash uchun;

- maysazorlarni buzganda;

-tuproq tarkibini yaxshilash va unumdorlikni oshirish uchun;

- tuproq aralashmalari uchun tarkibiy qism sifatida;

- eskirgan va qurigan, kuchsizlangan tuproqlarning o'g'itlari sifatida [2].

Tuproqli substrat (o'simliklarni oziqlantiruvchi zamin) qatlami: u tom yopish uchun yashil tomni tayyorlash uchun maxsus substratdan iborat bo'lib, o'simliklar uchun zarur bo'lgan ozuqalarni o'z ichiga oladi, uzoq vaqt davomida kondensatsiyalanmaydi, suv va havoni yaxshi o'tkazadi va o'simliklar uchun yashil muhit yaratadi [3].

Filtr (suzgich: qum, tosh va h.k.larni tutib qoluvchi) qatlami: bu tizim filtri bo'lib, drenaj elementlarining teshiklari tuproq substratining mayda zarralari bilan tiqilib qolishiga yo'l qo'ymaydi va substratni qimmatli ozuqa moddalarini sho'rlanishidan himoya qiladi. Bunday filtrdagi filtrlash vositasi harakatlanuvchi to'rdir [4].

Drenaj (yer zaxini qochirish) va suvni saqlash qatlami: bu ortiqcha suvning drenaj havzalariga oqib chiqishini ta'minlaydi va shu bilan birga o'simliklarning truba ichida zarur bo'lgan miqdordagi yomg'ir suvini saqlaydi. Yashil tomning ildiz qismida kerakli havo almashinishini ta'minlaydi.

Himoya qatlami: ildiz to'sig'ini mexanik shikastlanishdan himoya qiladi, suv va ozuqa moddalarini saqlaydi. Sintetik tolalardan yasalgan mat, suv va ozuqa moddalarini to'plash uchun yashil tom ostida himoya qatlami, shag'al toshlar, yo'lka plitalari va boshqalar uchun ishlatiladi.

Poliyester, polipropilendan tayyorlangan, matli mato bilan qoplangan yuqori sifatli mat: sintetik tolalardan tayyorlangan, parchalanishga moyil bo'lmagan, yuqori sifatli himoya mato - EN ISO 13428 Yevropa standartiga muvofiq, qalinligi taxminan 5 mm, vazni taxminan 470 g / m<sup>2</sup>.

Ildizga qarshi qatlam: tom yopma gidroizolyatsiyasini o'simlik ildizlari bilan egallab olishidan himoya qiladi. Uni yotqizish to'g'ridan-to'g'ri gidroizolyatsiya qatlamida amalga oshiriladi, bu uning ildiz otishidan himoya qiladi.

Ildizga qarshi plyonka WSF 40 / WSB 80-PO: ildizga qarshi plyonka qoplamaning yashil qismi gidroizolyatsiya qatlamining butun yuzasi bo'ylab 1,5 metrdan iborat bo'lgan joylarda yotqiziladi.

Loyihaga muvofiq, ildizga qarshi plyonka o'simlik qatlami sathidan kamida 150 mm parapetka bilan chiqariladi. Maysazor o'tlari o'tqaziladigan joylarda WSF 40 (2 qatlam) idizga qarshi plyonka yotqiziladi, butalar va daraxtlarni ekish joylarida - WSB 80-PO ildizlarga qarshi membrana (1 qatlam, issiq havo bilan yamaladi) [5].

Gidroizolyatsiya (yunoncha - suv va izolyatsiya): qurilish inshootlarini himoya qilish, bino va inshootlarga suvning (filtratsiyaga qarshi gidroizolyatsiya) yoki qurilish materiallarining kir yuvish yoxud filtrlash suvi yoki boshqa agressiv suyuqliklarning zararli ta'siridan (korroziyaga qarshi gidroizolyatsiya), ya'ni ichki muhitga kirishidan himoyalash uchun qo'llaniladi. Gidroizolyatsiya binolar, inshootlar va jihozlarning normal ishlashini ta'minlaydi, ularning ishonchliligi va chidamliligini oshiradi. Ko'pincha drenaj bilan birgalikda ishlatiladi [6].

Tom konstruksiyasi: nishabliklar, egilish burchaklarining soniga, cherdakning maqsadiga va tom yopish qurilishining boshqa omillariga qarab bir nechta turlar mavjud.

Yagona qiyalikli tom: turar joy va boshqa turdagi binolarni qurishda kamdan-kam hollarda faqat iqtisodiy sabablarga ko'ra foydalaniladi, chunki bunday tomni qurish uchun eng kam qurilish materiallari ishlatiladi. Biroq, tashqi ko'rinishi yoqimsiz.

Aynan mazkur yagona qiyalikli, ya'ni tekis yuzalarga (0°-8° gacha bo'lgan nishablikda) ega tomlarda yuqorida keltirilgan tarkibiy tuzilmalar asnosida yashil tomlarni yaratish imkoniyati ko'proqdir.

**Ikki qiyalikli tom:** konstruktiv tuzilishi bo'yicha ikki tomonlama nishabli oddiy qurilish tomidir. Mazkur tom yopmalarda nishablik  $45^0$  gacha bo'lsagina, faqat maysalarni yoki chirmashib o'suvchi o'simliklarni ekish va parvarishlash mumkin.

**Kesma konvert qiyalikli tom:** tom tuzilishining juda keng tarqalgan turi. Bu trapetsiyasimon va ikkita uchburchaklar shaklida (yonbosh deb ataladigan) ikki yonbag'irning uyg'unlashuvi sanaladi. Trapetsiyasimon yamoq(yuza)lar odatda binoning uzunroq devorlariga, kesmalari (yuzalar tutashmasi) esa qisqaroqlarga o'rnatiladi.

**Qirrali tom (mansard-boloxona):** qo'shimcha xona joyini olish uchun, cherdakning o'rniga ko'pincha tom qismi mansard shaklida quriladi.

**Ko'p qirrali tom:** ko'p qirrali tomlar murakkabroq konstruktiv tuzilishga ega, shu bois ular xilma-xildir: ko'p sonli qovurg'alar va uchlar, asimmetrik qiyaliklar, turli xil egri burchaklarga egaligi va bunday tomlarning boshqa xususiyatlari ularni chindan ham me'moriy san'at asariga aylantiradi [7].

#### **Yashil tomlar bir qator afzalliklarga ega.**

**Birinchidan,** ma'lumki, yozda standart (andoza, talab darajasidagi) tomlar yuzasi juda issiq, harorat  $50^0$  darajadan yuqori ko'tarilishi mumkin. Bunda o'simliklarning mavjudligi, namlikni bug' shaklida chiqaradi va havo haroratini taxminan  $35^0$  darajaga tushirish imkonini beradi. Mos ravishda, to'g'ridan-to'g'ri tom ostida joylashgan xonalarda harorat pasayadi va bu haroratning pasayishi xonalar uchun konditsionerlik vazifasini bajarishi tufayli energiya tejallishiga olib keladi.

**Ikkinchidan,** "Yashil tomlar" quyosh nurlarini qaytaruvchi xususiyatga ega bo'lib, tom yuzasi konstruksiyasi(tuzilishi)ni ultrabinafsha nurlari va zararli elektromagnit nurlanishdan himoya qiladi.

**Uchinchidan,** "Yashil tomlar" xonada shovqin darajasini pasaytirib, bino ichkarisidagi shovqinni 40 detsibelga qadar kamaytirish imkonini beradi.

**Ammo bu yashil tomlarning muammoli jihatlari ham bor:** bunday yashil tomlarning qurilish narxi an'anaviy tomlarning narxiga nisbatan ko'proq xarajat talab etadi.  $1 \text{ m}^2$  "Yashil tom" ning minimal narxi Rossiyadagi yashil tomlar uchun bugungi kun holatiga ko'ra 15 ming rublga tushadi, qaysiki, oddiy tomning  $1 \text{ m}^2$  narxi 3404 dan 4982 rublgacha bo'lganida. Biroq boshqa tomondan isitish va sovutish tizimidagi tejamkorligi evaziga sarf-xarajalar tezda qoplanadi va shu bilan birga uzoq vaqt xizmat qiladi.

**Xorijiy tajribalar.** "Yashil tomlar"ning eng yorqin namunalaridan biri deb, agar "Semiramida" osma bog'larini hisobga olmaganda, "Hundertwasser uyi"ni misol keltirish mumkin. U Vena (Avstriya) shahridagi eng avangard (frans.-oldingi, birinchi yuqori sifatga, darajaga ishora) binolardan biri, uning dizayni hech qanday stilistika (uslub)ni umumlashtirishga imkon bermaydi, ya'ni noan'anaviy uslubda bunyod etilgan (2-rasm).

Uy 52 ta xonadon, 4 ta ofis, 16 ta xususiy va 3

ta keng tarqalgan terassalar, tibbiyot ofisi, kafe, 37 ta mashina uchun avto turargoh, qishki bog', 2 ta bolalar o'yin xonasi hamda ko'kalamzorlashtirish elementlaridan 250 ta daraxt va butalarni o'z tarkibida mujassamlagan holda qurilgan.



2-rasm. "Hundertwasser uyi", Vena (Avstriya), ochilish sanasi 1986 yil mart oyi. Loyiha mualliflari: Fridensrayx Hundertwasser, Joseph Krawina.

Hundertwasser tabiatda to'g'ridan-to'g'ri chiziq va burchaklar yo'q deb hisoblardi, shuning uchun uyning devorlari va qavatlarini notekis, o'rmon yo'llarini eslatuvchi (bionik - lotincha *bio* - o'simliklar, tirik organizmlar; *nik*, *nika* - texnika) va barcha burchaklar (deraza tokchalari, eshik tutqich yog'ochlari, deraza ko'zlari) yumaloq bo'lgan. Uy "tepalikli" tabiiy ko'rinishga qiyosan qavatligi bilan ajralib turadi. Uyning o'zi yorqin ranglar bilan to'ldirilgan - har bir kvartira uyining fasadi asimmetrik to'rtburchaklar bilan qoplangan o'zining rangiga ega. Rangli fasadni har xil o'lcham va shakldagi derazalar to'ldirib turadi. Uyning devorlari va pollarini ichki bezatish ishlarida tabiiy bezaklar, (daraxtlar, kapalaklar, oqqushlar, boyo'g'li va o'rdak) ya'ni keramik plitalarning parchalaridan kompozitsion shakliy uyg'unlashtirilgan. Ammo Hundertwasser stilizatsiyalangan (o'simliklar, hayvonlar va boshqa tirik organizmlarni geometrik soddalashtirish) o'simliklar va hayvonlar bilan cheklanmagan hamda uning bezatishda ko'kalamzorlashtirish elementlaridan ham samarali foydalangan.

**Binoning barcha tekis qurilish qismlarida:** (tomlar, balkonlar, terassalarda) tuproqli zaminlar quyilib, daraxtlar, butalar, chirmashib o'suvchi lianalar, gullar va dekorativ maysalar ekilgan.

Fridensrayx Hundertwasser istaganki, hech bo'lmaganda qisman, insonlar bino va inshootlar qurilishi uchun yerlarni o'zlashtirishi sabab, tabiatdan olgan manbalarni qaytarib berishni istagan [1].

**Xulosa.** Xulosa o'rnida shuni takidlash joizki, bugungi kunda dunyoning barcha mintaqalarida aholi sonining keskin o'sishi, moddiy va maishiy ehtiyojlarning o'sishi natijasida yer resurslariga bo'lgan ehtiyojlar tobora ortib bormoqda. Bunga misol qilib, rivojlangan mamlakatlardagi ulkan qurilishlarni, ya'ni xususiy va jamoat uy-joylari,

jamoat binolari, muassasa va ishlab-chiqarish korxonalarining bunyod etilishi va boshqa ko'plab ob'yektlarning vujudga kelishi natijasida tabiat resurslariga jiddiy ziyon yetkazilmoqda. Bu esa tabiatga nisbatan o'z ta'sirini ko'rsatib kelmoqda. Misol sifatida, global iqlim o'zgarishlari, ya'ni mintaqalardagi mo'tadillik: havoning keskin isishi yoxud mutlaq teskarisi, ya'ni sovib ketish va boshqa iqlimiy omillarning paydo bo'lishini keltirib chiqarmoqda.

Maqolada "Tom usti bog'lari" yoxud "Yashil tomlar"ni tarixiy tajribalari, tarkibiy tuzilmalari, afzalligi va xorijiy tajribalardan olingan tahliliy natijalar, xulosalar soha mutaxassislariga o'z hissasini qo'shadi. Bu esa insoniyat hayotiy ehtiyojlarini yaxshilash va tabiat manbalaridan oqilona foydalanishning ustuvor tamoyillarini ishlab chiqishga qaratilgan.

**Tavsiya.** Maqolani yoritishda o'zlashtirilgan ilmiy tadqiqot natijalari sifatida quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

– "Tom usti bog'lari" ya'ni "Yashil tomlar"ni tarixiy-davriy rivojlanish bosqichlarini ilmiy tadqiq etish;

– "Yashil tomlar"ni yaratishdagi tarkibiy tuzilma ashyo (material)larini ilmiy va amaliy asoslarini

ishlab chiqish;

– yashil tomlar afzalliklarini ilmiy tamoyillarini ishlab chiqish;

– xorijiy tajribalarni tahlil etish va ilmiy asoslangan konsepsiyasi ishlab chiqish.

Yuqorida keltirilgan tavsiyalarining har biri ilmiy tadqiqotning muhim ustuvor tamoyillaridan bo'lib, tadqiqotning ilmiy va amaliy tarkibi uchun dolzarb ahamiyat kasb etadi.

#### Adabiyotlar:

1. Корбюзье Л. Зеленая кровля – место в современной архитектуре // Министерство образования и науки РФ Институт природопользования территориального развития и градостроительства Балтийского федерального университета. – 2014. – С. 28.

2. <https://taxi-pesok.ru/stati/rastitelniy-grunt-osobenosti-i-klassifikatsiya>

3. <https://www.zinco.ru/substrat-dlya-krovelnogo-ozeleneniya/>

4. <https://www.zinco.ru/product/ssm-45/>

5. <https://zinco-ru.livejournal.com/2611.html>

6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Гидроизоляция>

7. <https://stroystm.ru/poleznye-publikatsii/stati/montazh-stropilnoj-sistemy/konstruktsii-krysh-i-stropilnye-sistemy>.

УДК 7.71.72

## КОМПОЗИЦИЯ КАМНЕЙ В ЯПОНСКИХ САДАХ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

**Бобоева Фотима Собиржонова**, преподаватель

Самаркандский Государственный архитектурно-строительный институт

В данной статье рассмотрены виды японских каменных садов и их особенности. Впервые в контексте анализируются основные черты, которые являются основополагающими при создании японского сада камней. Анализируются культурные, религиозные и социальные факторы, оказавшие влияние на развитие художественно-эстетические формы садового искусства.

**Ключевые слова:** ландшафтная архитектура, ивакура, ивасака, сад камней, философия, Рёан-дзи, Киота, Карэсансуй, буддийский храм, Фудзивара.

### The composition of stones in Japanese gardens and their features

This article discusses the types of Japanese stone gardens and their features. For the first time in the context, the main features that are fundamental in creating the Japanese rock garden are analyzed. The author analyzes cultural, religious, social factors that influenced the development of artistic and aesthetic forms of garden art.

**Key words:** landscape architecture, Japanese gardens ,Iwakura, Iwasaka ,rock garden ,philosophy, Ryoan-ji, Kyoto, Karesansui, Buddhist temple, Fujiwara.

Япония отличается особыми культурными традициями, которые так интересуют многих ландшафтных специалистов мира. Известным японским оформлением участка стал «Сад камней». Появилось данное направление в XIV-XVI веках и до сих пор активно практикуется во многих странах. В том числе у нас в столице Узбекистана также есть Японский национальный парк. Одной из достопримечательностей Ташкента является - Японский сад. Он был открыт в столице Узбекистана 25 августа 2001 года и стал одним из любимых мест жителей и гостей Ташкента. Парк, сочетающий в себе национальные ценности и культуру японского народа, был построен в сотрудничестве с посольством Японии в Узбекистане. Японский

сад состоит из 2 частей: в разделе «Карэсансуй» расположены специальные камни- Секи-теи, которые отражают естественную красоту природы. Японский сад камней — это одно из самых загадочных явлений Востока. При всей необычности японского садово-паркового искусства, сад из камней — еще более фантастическое зрелище. Пожалуй, ни в одной мировой культуре не возникало ничего подобного. Такие сады еще называют «сухими» или «философскими».

В настоящее время в области ландшафтной архитектуры используются более специфические элементы и принципы японского садово-паркового искусства.[4] Очаровательные декоративные сады Японии по сей день сохраняют

свой первоначальный исторический облик. Именно, поэтому японские декоративные сады, известны во всем мире и востребованы. [2]

Создание таких садов дает нам ощущение мира и спокойствия в японских парках. Япония - одна из стран Востока и из-за климатических условий нашей республики опыт японских парков имеет для нас особое значение. [4]

Во главе Сада камней-дзен лежат основные символы восточной философии: Инь и Янь. И если мужское начало постоянно стремится взмыть вверх, то для женского свойственна горизонтальность. Именно, поэтому часто при создании сада используется противоречивость, например, контраст светлых и темных пятен. А для баланса сил необходимо чтобы горизонтальных камней было на порядок больше, чем вертикальных. В противном случае сад вместо умиротворения может вызывать в душе человека тревогу. [1]

А также четыре основных принципа Сада камней, которые приведены в таблице 1.

Таблица 1

| На сегодняшний день существует четыре основных принципа, являющихся основополагающими при создании японского сада камней.                         |                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                              |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Камни, как объект для поклонения.</b> В Японии камень одухотворяли, в него верили, наслаждались его красотой, которая была практически вечной. | <b>Принцип выбора камней.</b> Все компоненты сооружения выбираются неслучайно, они подчиняются определенной идее. Важно гармоничное сочетание таких характеристик, как: форма, цвет, структура | <b>Гармония и баланс при установке камней.</b> Важно придерживаться определенной композиции, но при этом избегать прямых линий и однотипного положения минералов, также необходимо исключить симметрию | <b>Количество элементов.</b> При правильном обустройстве каменного сада именно в японской культуре практикуется использовать нечетное число камней, начиная от трех и более. |

Камни в японских садах имеют свою историю. Поклонение камням было важной частью религиозного культа древних японцев. В то время большой камень опоясывали веревкой и окружали мелкими камнями. Такие камни назывались *ивакура*, а священное место — *ивасака*. Причем, если вначале такие камни находились в естественной среде, то позже их специально переносили в нужные места. [3] Камни — очень важные, и едва ли не главные элементы японского сада. От того, как мы подберем и расставим их, зависит, каким будет и эстетическое восприятие, и философское на-

полнение сада или уголка в японском стиле. [4] Сухие пейзажи популярны и по сей день. В одних случаях они имеют философское значение: расположение и форма камней, отсутствие растений, рисунок на гравии вызывают различные ассоциации и мысли у посетителей. Часами можно смотреть на такие картины и медитировать [4].


В этом случае более уместен белый цвет отсыпки, символизирующий чистоту, святость. В других гравий просто играет роль настоящей воды (если по каким-то причинам водоем не предусмотрен), и тогда предпочтительнее использовать более темные цвета (лучше серый), чтобы подчеркнуть сходство с ручьем или водоемом.

Как правило, они создавались при храмах или монастырях и предназначались только для созерцания. В нем соединились такие стороны японской культуры, как стремление к естественности и минимализму. Миниатюризация в японском саду основывается на врожденном символизме, столь свойственном японской культуре. Эти качества развивались в Японии на протяжении многих веков. И сад камней стал своеобразной квинт эссенцией этих принципов. Настоящие японские сады и сады камней, в частности, практически не требуют движения в пространстве. Смена ракурса, поворот головы, шаг в сторону — и перед вами возникает совершенно другая картина, порой наполненная иным смыслом. Все делается с таким расчетом, чтобы зритель мог чувствовать себя окруженным природой. С разных точек зрения открываются для глаза новые перспективы, и каждый элемент, каждый камень занимают свое глубоко продуманное и точно найденное место. [2]

Основным принципом создания японского сада камней является гармоничное равновесие всех элементов. Однако они не должны быть одинакового размера, а в их размещении не должно быть симметрии. Основным принцип, который должен соблюдаться при создании такого сада, — это неповторимость, скорее даже неповторимость всех элементов композиции. Каждая точка зрения должна существенно менять этот минипейзаж. Чаще всего композиция состоит из пятнадцати камней. Кроме того, перед создателями сада ставится очень сложная задача: план сада продумывается так, чтобы одновременно можно было увидеть не все камни, а только четырнадцать из них. Пятнадцатый скрывается от взгляда. И любой ракурс должен сохранять это правило.

По крайней мере, пятнадцать разных точек зрения продуманы так, что один из камней

скрыт от наших глаз за другим, более большим камнем или за группой камней. Ярким примером этого типа служит знаменитый сад.



Пятнацати камней монастыря Рёандзи в Киото, созданный в XVI-XVII вв. [4] Он входит в Список всемирного наследия ЮНЕСКО.[1]

Он представляет собой небольшую прямоугольную площадку (около 23х9 м), расположенную перед домом с верандой, которая тянется вдоль сада и служит местом для его созерцания. Пятнацать необработанных и неодинаковых по величине камней разбросаны по белому песку, вдоль одной стороны песчаного прямоугольника протянута деревянная галерея, с трех других он ограничен монастырскими стенами. С любой точки зрения видны только четырнадцать, пятнадцатый всегда скрыт от глаз посетителей [4]. Считается, что увидеть

все пятнацать камней одновременно способен лишь просветленный [1].

Сад продуман так, чтобы созерцающий его чувствовал себя окруженным природой и умиротворением. А для этого необходимо правильное расположение используемых элементов. Они не должны иметь одинаковый размер, а также, не желательна геометрическая симметрия [2]. В японском саду камней невозможно обойтись без асимметрии. И связано это опять же с первоисточником, ведь природные формы редко геометрически правильные. Давайте посмотрим на окружающий мир. Хороший дизайнер сможет сделать так, что цепочка гор, возвышающаяся на горизонте, сможет стать идеальным обрамлением для одной из сторон сада. И хоть мини пейзаж занимает мало места, он должен быть наполнен внутренними контрастами.[4]

Не обходит стороной Сад камней дзен и основные символы восточной философии: Инь и Янь. И если мужское начало постоянно стремится взмыть вверх, то для женского свойственна горизонтальность. Именно поэтому часто при создании сада используется противоречивость, например, контраст светлых и темных пятен. А для баланса сил необходимо чтобы горизонтальных камней было на порядок больше, чем вертикальных. В противном случае сад вместо умиротворения может вызывать в душе человека тревогу.[1]

#### Литература:

1. Конрад Н.И. Древняя история Японии: с древнейших времен до переворота Тайка, 645 г. // Арс Азиатика (2005).
2. Алина Лебедева. Японский сад. Москва 2003
3. Нихон сёки = Анналы Японии: в 2 т. / пер. и коммент. Л.М. Ермаковой и А. Н. Мещерякова. СПб.: Гиперион, 1997.
4. Бобоева Ф.С. "Япония боғ-парк сан'атини ўрганиш ва Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қўллаш" магистрлик диссертацияси. 2019. Сам ДАҚИ.

УДК:72.2, 63.3 Ю-2.3

### САМАРҚАНД ШАҲРИ АТРОФИДАГИ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ВА ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Юсупова Азиза Исмаиловна

“Қишлоққурилишлойиха” Самарқанд вилояти филиали меъмори

Мақолада Самарқанд шаҳри атрофидаги меъморий ёдгорликлар, ўзбек миллий менталитетига хос энг муҳим жихатлар яъни халқимизнинг маънавиятга бўлган туғма чанқоклиги, аждодларимиз тарихи, улар томонидан яратилган маънавий, маданий ёдгорликларни қадрлаш, мамлакатимиз ҳудудида кўп минг йиллик тарих давомида инсоният томонидан турли йўллар билан яратилганлиги, мустақиллик туфайли юртимиздаги барча меъморий ёдгорликлар ва уларнинг меъморчилик тизими, мезонлари тубдан қайта кўриб чиқилиши табиий ҳоллиги, меъморий ёдгорликларни маданий қадриятлар деб билиб ва уларни миллий қадрият тизи-

мида замонавий туристик талаблар асосида меъморий ташкиллаштиришни шакллантириш, чунки уларнинг барчаси мустақиллик даврига қадар ўша замон мафкурасига мослаштирилган ёки улар орқали талкин қилинганлиги, инсон эркинликлари, эътиқод ва виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланиб қўйилганлиги, мамлакатимиздаги тарихий обидаларнинг қайта тикланиши ва таъмирланиши, азиз боболаримиз қабрлари жойлашган макбараларни муқаддас қадамжоларга айлантирилиши, тарихий обидаларимиз ободлиги йўлида олиб борилган сай-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаб, меъморий ёдгорликлар ва ундаги топилмалар муайян бир халқнинг ўтмиши, тарихи, маънавияти ва қадриятларини ўзида акс эттирганлигини ўрганиш, Хожа Ахрор Вали ва Нодир Девонбеги мадрасаларининг ҳозирги ҳолати натижасида берилган таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Меъморий ёдгорликлар, маънавият, маданий қадриятлар, валий, юксак ахлоқ, илоҳий фазилатлар, буюк аждодларимиз.

The article says that the shrines around Samarkand were created by mankind in different ways over thousands of years of history, because they were all adapted to or interpreted through communist beliefs during the Soviet era. Therefore, we are re-evaluating the whole system of values in order to strengthen national independence, to help our people to rise to the level of the most advanced nations, to fully restore and re-understand our original cultural heritage, to build our historical monuments on the basis of precision and intricate geometric calculations. The harmony of ornaments and patterns, both beautiful and majestic, strong and magnificent, still amazes people. Today, not only our people, but also the world community visit the holy shrines Ghavsuli Azam, Mahdumi Azam, Sheikh Khudoydi. The proposals made as a result of the study of such shrines are described.

**Keywords:** Holy shrines, spirituality, national values, Al-Motruḍi's teachings, high morals, divine qualities.

**Кириш.** Инсон кўнгли ҳамиша комилликка, етукликка талпиниб келган. Ислом илоҳиётига эргашишда комилликка интилиш, улар сиймосида ўзликни англаш, юксак ахлоқ, илоҳий фазилат ва сифатларни мукаддас деб ҳисоблаш, инсон маънавиятини қадрлаш ва бойитиш нияти мужассамдир.

Кўп минг йиллик тарих давомида инсоният турли таълимот ва қарашлар тизимини яратди, ўзини ва оламни англаш сари тинимсиз интилиб келди. Ислом дунёсида пайдо бўлиб, ривожланган тасаввуф ҳам ана шундай интилишлар, фикрий ва ҳиссий изланишлар, кашфиётларни жамлаган таълимот бўлиб, кўп жиҳатлари билан диний тафаккур тушунчаларига таянади, айни вақтда бир қанча жиҳатлари билан ўзаро фарқланади ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг -“Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Ислом-ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади”[1:30]-деб айтганлари табаррук замини-мизнинг қадрига етиш шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, уларнинг зиёратгоҳларини улуғлаб шу борадаги анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз кераклигини таъкидладилар.

Мустақиллик туфайли юртимиздаги барча зиёратгоҳлар ва уларнинг меъморчилик тизими, мезонлари тубдан қайта кўриб чиқилиши табиийдир. Гап умуман барча маънавий қадриятлар ва зиёратгоҳлар тизими ҳақида кетмоқда. “Чунки уларнинг барчаси иттифоқ даврида коммунистик ақидаларга мослаштирилган ёки улар

орқали талкин қилинган эди. Шу боис биз миллий мустақилликни мустақамлаш, халқимизни энг илғор миллатлар даражасига кўтарилишига кўмаклашиш мақсадларидан келиб чиқиб, бутун қадриятлар тизимини қайта баҳоламоқдамиз, асл маданий меросимизни тўла тиклаб, қайта англаб олмақдамиз” [2:145].

“Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларни қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1:29].

Юртимиздаги минглаб кўҳна ва бетакрор обидаларимиз асрлар давомида жаҳон аҳлини лол этиб келмоқда. Самарқанднинг бугунги саодати ва салоҳиятини унинг кечаги шарафли ўтмиши, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз давридаги боғу роғлар, дунё аҳлини лол айлаган осмонўпар миноралари билан боғлаш ўринлидир. Ана шундай кенг кўламли ишларимиз натижасида қадимдан “Ер юзининг сайқали” бўлиб келган Самарқанд шаҳри яна қайтадан ана шундай юксак мақомга кўтарилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Самарқандни жаҳондаги инсон ўз умри давомида албатта бориб кўриши зарур бўлган 50 та шаҳарнинг рўйхатига киритганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш зарур.

Шу боис мустақиллигимизнинг илк кунлариданок уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш, келажак авлодга бус-бутун етказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш

тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шунинг учун ҳам тадқиқот объектини юртимиз ва хорижий давлатлар тажрибалари асосида Самарқанд шаҳри атрофида ва вилоятидаги тарихий зиёратгоҳлар уларнинг жойлашув ҳудудларини туристик эҳтиёжлар ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда меъморий кўринишлари ҳақида фикр билдириш кўзда тутилган. Советлар даврида ҳам бир қанча сай-ҳаракатлар амалга оширилган. Жумладан, 1920 йил 28 майда «Қадимги ёдгорликлар ва санъатни сақлаш комиссияси»нинг Самарқанддаги Регистон ёдгорликларини сақлаш чора-тадбирлари бўйича мажлиси бўлиб ўтди. [8]

Юртимизда ҳамон бутун дунё аҳлини ўзига ром этиб келаётган минглаб тарихий обидалар қад кўтарган бўлиб, улар халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган бой маънавий қадриятлари, ҳамда яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳиятини мужассам этган, аجدодларимиздан биз келажак авлодларга қолдирилган бебаҳо ва нодир меросдир. Бу иншоотлар бизнинг Ватанимиз тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши, юртимиз аҳолиси, аجدодларимизнинг меъморчиликда эришган ютуқлари, кўп асрлар олдин ҳам санъатнинг нозик қирраларини ўз иншоотларида гўзал ва жозибали кўрсатиб бера олган, қурилишда йиллаб тер тўккан меҳнаткаш халқ тимсоли яққол гавдаланади.

Тарихий обидаларимизнинг ғоят аниқлик ва мураккаб геометрик ҳисоб -китоблар асосида қад кўтаргани, ундаги нафис безаклар ва нақшларнинг ўзаро уйғунлашуви, ҳам гўзал, ҳам маҳобатли, мустаҳкам ва муҳташам барпо этилгани ҳали хануз кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Асрлар давомида табиат синовларига бардош бериб келаётган, шаҳарларимиз кўр-кига чирой кўшиб турган “7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлар мавжуд”[3:61]. Ушбу тарихий обидаларимизнинг дунё микёсидаги аҳамиятини дунёнинг нуфузли ташкилотларидан бири бўлган ЮНЕСКО рўйхатида Ўзбекистон ҳудудидаги 4000 дан зиёд тарихий обидаларнинг киритилганлигида яққол кўриш мумкин.

Тарихий манбаларда айтилишича, Самарқанднинг Афросиёб (Моваро-уннаҳрда ҳукмронлик қилган афсонавий подшо) давридаги номи Ҳафт дарбанд-(афсонавий жой номи, форс-тожик тилида “ҳафт”-етти, “дарбанд”-“тор дара”, “тоғлар орасидаги йўл” деган маъноларни англатад.) бўлганлиги, Искандар Зулқарнайн келиб забт этгандан сўнг бу ерда бир буюк мадраса қурдирибди, “Мендан шу вилоятга ёдгорлик бўлсин”,-дебди. Бу мадрасани икки уста қуришган экан, усталарнинг оти-ни Самар ва Қанд дейишаркан. Шу мадраса-

нинг атрофига одамлар келиб ўрнаша бошлабдилар. Аста-секин шаҳар пайдо бўлибди. Бу шаҳарга қандай ном қўйсақ экан, деб роса бош қотирибдилар. Шунда бир доно одам Искандарнинг олдига келиб:

- Шоханшоҳим, шу мадрасани Самар, Қанд деган усталар қурган эдилар, шу мадраса сабаб унинг атрофида шаҳар пайдо бўлди. Шу шаҳарнинг номини ҳам Самарқанд деб қўйсақ,-дебди. Шу-шу шаҳарнинг номи Самарқанд бўлиб кетган экан””[4:45]. Афсонадан кўриниб турибдики, биз ўрганаётган Самарқанд шаҳрида қадимдан жуда кўп меъморчилик иншоотлар бунёд этилиб улар даврлар ўтиши билан кенг зиёратгоҳларга айланиб борган.

Археологик ёдгорликлар ва ундаги топилмалар муайян бир халқнинг ўтмиши, тарихи, маънавияти ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Шу боис дунёнинг барча давлатларида археологик ёдгорликлар ва уларда қайд қилинган ноёб топилмаларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ҳам мустақиллик йилларида маданий ёдгорликлар, жумладан археологик ёдгорликларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмидаги миллий маданий мерос объектлари тубдан қайта таъмирланиб, ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгарди. Олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида мазкур ҳудуд 2001 йил ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида “Самарқанд-маданият чорра ҳаси” номинацияси билан киритилган. Уч қисмга бўлинган ҳудудда жами 513 та моддий-маданий мерос объектлар жойлашган. Советлар даврида Самарқанд шаҳридаги ёдгорликларни атрофича ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида бу ерга “Қадимги ёдгорликларни сақлаш бўйича Россия комиссияси” вакиллари-дан меъмор Д.И.Иофан ҳамда рассом Д.К.Степанов юборилди. Улар шаҳардаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ишига яқиндан ёрдам берди [10].

Самарқанд вилояти ҳудудида 1105 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жой, 18 та монументал, 21 та мемориал, жами 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд[5:25-36]. Улар вилоят ҳокимининг 2013 йил 14 ноябрдаги қарори билан давлат муҳофазасига олинган.

Робинжон, Чархинтепа, Учтепа (Нарпай тумани), Кўктепа (Пайариқ тумани), Қулдортепа (Ургут тумани), Арабтепа, Навбоғтепа (Самарқанд тумани), Тиллатепа, Бўритепа, Капсатоботепа (Каттақўрғон тумани), Кумушкент, Суғуда (Оқдарё тумани), Мингтепа (Жомбой тумани) каби ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Нуробод тумани Сазагон қишлоғида жой-

лашган антик даврга оид қалъа, Пастдарғом туманида жойлашган Қўрғонтепа, Нарпай тумани Кўприкбоши қишлоғидаги Лангартепа, Ёнариқ қишлоғидаги Ширинхотинтепа, Урғуч қишлоғидаги Қўштепа, Хўжақорсон қишлоғидаги Шўртепа, Пайариқ туманида жойлашган Қоровултепа ва унинг яқинида жойлашган мазорқўрғон каби ёдгорликлар юртимиз, хусусан вилоят тарихининг нечоғлик узок ўтмишга бориб тақалишини ифодалаб турибди.

Самарқанд вилояти туманларида маданият ёдгорликларини топиш ва аниқлаш мақсадида Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг бўлимлари ташкил этилди. 1968 йилда меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд вилоят ва шаҳар советларининг ижроия кўмиталари, республика Маданият вазирлиги ҳамда унинг Ёдгорликлар ва тасвирий санъатни сақлаш бош бошқармаси томонидан Шердор, Улуғбек, Тиллақори мадрасалари, Шоҳизинда, Гўри Амир мақбаралари каби дунёга машҳур ёдгорликларни тадқиқ этиш ва уларни таъмирлаш-тузатиш ишлари борасида кўплаб тадбирлар ўтказилди.[12]

Салкам 3000 йиллик тарихга эга бўлган ва ҳамиша навқирон Самарқанд мустақиллик йилларида янада обод ва кўркам бўлди. Унинг қайси бир гўшасига назар солманг, улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Жумладан, ҳудудда сақланган ва халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозланиб келинаётган археологик ёдгорликлар ва меъморий обидаларга ҳам қайтадан жон бахшида этилди. Уларнинг барчаси таъмирланиб, баъзилари янгидан бунёд қилинди. Бугун нафақат халқимиз, балки дунё жамоатчилиги келиб кўрса, маънавий озиқланса арзийдиган муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Советлар даврида Самарқанддаги кўплаб ёдгорликларни ачинарли ҳолда эканлиги назарда тутилиб, бу ердаги маданият дурдоналарини муҳофазасини йўлга қўйиш мақсадида 1920 йил 1 июнида «Қадимий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича доимий Самарқанд комиссияси (Самкомстарис)» тузилди.[9]

Ғавсули Аъзам зиёратгоҳи-Ғавсули Аъзам Абу Муҳаммад Муйиддин Саййид Абдулқодир Филоний Ҳазратлари 1079 йилда Эроннинг Филон вилоятида таваллуд топади. У 1166 йилда Боғдодда вафот этган. Абдулқодир Филоний валийлик мартабасига эришган зотдир. Маълумки, авлиёлар етти даражада бўлишган. Уларнинг олий даражаси “Қутб ва Ғавс”дир.

Махдуми Аъзам зиёратгоҳи-Самарқанд заминидан азалдан фан ва маърифат, диний ва дунёвий илм ривожланган. Улуғ алломалар, олим-фузалолар номи етти иқлимга машҳур бўлган. Шу боис ҳам жаҳоннинг не-не мамлакатларидан илм ва зиё истаб доимий равишда шу диёрга интилишган ва уларнинг аксари

Самарқанд тупроғида мангу кўним топганлар. Ана шундай муқаддас зиёратгоҳлар айнан Самарқандда жойлашгани-бу юртнинг фахридир ва азиз авлиёлар ватанидир[5: 41-41]. 1988 йилда Махдуми Аъзам ансамблини муҳофазалаш ҳудуди режаси тайёрланди ва тасдиқланди.[11]

“Шайх Худойдоди Вали зиёратгоҳи-Шайх Худойдоди Вали-Кармана фарзанди. Унинг шу заминда туғилиб ўсганлиги манбаларда ўз тасдиғини топган. Сўнгги макони Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғи бўлсада, ҳаёти ва фаолиятининг камолот даври она тупроғи билан боғлиқ. Шайх Олим Азизоннинг “Ламаҳот мин нафаҳотул қудус”, Абу Тоҳирхожанин “Самария”, Муҳаммад Шариф ал-Хусайнийнинг “Хужжат ул-зокирин”, Роқим Самарқандийнинг “Тарихи кассира”, Мавлоно Саиднинг “Маноқиб Худойдоди Вали” каби йиғирма бешдан ортиқроқ нодир манбаларда бу ҳақиқатнинг тасдиғидир. Самарқанд шаҳрида жойлашган зиёратгоҳлар ва уларга бориладиган йўллар харитаси орқали туристлар осонликча кўп вақт сарфламасдан топиб борадилар”[6:19-17].

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, Самарқанд шаҳридаги зиёратгоҳларга қараганда, Самарқанд шаҳри атрофидаги зиёратгоҳларига туристлар сони бироз камроқ. Чунки, атрофдаги зиёратгоҳларга инфратузилмаларининг яхши ташкил қилинмаганлиги ҳамда туристларни кенг жалб қила оладиган хизматларнинг кўзга кўринмаётганлигидадир. Буни тўлиқ ўрганиб чиқиш натижасида кўплаб камчилик ва ютуғларнинг гувоҳи бўлдим. Масалан: Ал-Мотрудий мақбарасига биринчи бораётган инсон топиши бироз қийин ва бу муқаддас жойга борадиган йўл талаб даражасида эмаслиги. Исломо мафкурасига аниқлик киритган Ал-Мотрудий қабрлари жойлашган бу улуғ замин “Чокарди-за” қабристони Исломо оламида 3-ўринда туради. Мотуридия таълимотини ўрганар эканмиз инсонлар қалбида, онги ва шуурида ўтмишга, аждодларга, она юртимизга битмас-туганмас ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш билан бирга, ўзликни англашга, киндик қони тўкилган она заминга меҳр-муҳаббат билан қарашга, теран томирли тарихий илдиларини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ал-Мотуридий яшаган давр Сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Самарқанд дастлаб бу давлатнинг пойтахти бўлиб, сўнгра IX асрнинг охиридан бошлаб пойтахт Бухорога кўчирилди. Бироқ ўша вақтда ҳам Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннахрнинг иқтисодий-маданий маркази бўлиб қолаверади. Ал-Мотуридий фикр ва калом масалалари билан қизиқиб, Ҳанафия мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб

машхур факихлар ва мухаддислар билан мулоқатда бўлган ва мунозаралар қилган. Бутун умри давомида шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдиргандир.

Ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади. Ал-Мотуридийнинг ислом оламида жуда нозик ҳисобланган “Китоб ат Тавҳид” -асари бизнинг давримизга етиб келган ва у 1970 йилда Фатхуллоҳ Хулиф томонидан Байрутда нашр этилган.

Мотуридий хулосасини нафақат эътиқод ва тақвога нисбатан, балки кенгроқ, бутун ижтимоий ҳаётга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Агар шундай қилинса, Мотуридий хулосасидан эркинлик ақлга таяниб иш тутиш билан бир қаторда ўзини анъаналарга, яъни жамиятда шаклланган, қабул қилинган қадриятлар тизимига мос тутиш ҳам эканлиги келиб чиқади [2:96].

Унинг “Панднома”си Х аср пандномасининг энг яхши намуналаридан бўлиб, китобхонни илм ўрганишга, касб эгаллашга, яхши хулқ эгаси, инсонпарвар, ширин суҳан, саховатпеша бўлишга ундайди.

Ал-Мотуридийнинг мана шу фикрлари “Қобуснома”нинг ушбу сўзларини эслатади: “Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўласаю, аммо хунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биландур; насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил...Бу от фақат бир нишонадин бошқа нарсасидур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил” [7:95].

Ҳозирги кунда бу заминга келадиган зиёратчиларнинг 80% маҳаллий аҳоли, 20% хорижий сайёҳлардир. Сайёҳлар оқимини ривожлантириш ва уларга турли хизматлар жорий этиш зарур.

Шундан келиб чиқиб, бу улуғ масканга олиб келадиган йўлнинг аҳволини яхшилаш ва ободонлаштириш. Ҳамда улуғ зотнинг нодир асар ва қўлёзмаларидан кўчирмаларидан намуналар келтирилган кутубхона ташкил этиш аҳамиятга моликдир.

Самарқанд тумани Ишчилар кўчасида жойлашган Хўжа Аҳрор Вали ва Нодир Девонбеги мадрасалари юзасидан ҳам янгилик киритилди. Бу икки мақбара XVI-XVII асрларда қайта таъмирланган. Ҳовлига киргандан бу мақбара Регистондаги Шердор мадрасасини эслатади. Жуда ҳам ўхшаш қурилган лекин бунда гумбазлари ва хонақоҳларининг бир қаватлилиги билан фарқ қилади. Бу ерга ташриф буюрганда Хожа Аҳрор Валининг 19-авлоди Салоҳонов Нуриддинхон билан учрашдим ва у кишидан Хожа Аҳрор Валининг тарихи ва ҳаёти

тўғрисида кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

Хўжа Аҳрор Вали мақбараси мадраса бўлган бунда асосан 32 та ҳужра бўлиб, бунда ислом таълимотидан дарслар ўтилган. Ҳозирги кунда бу маскан Самарқанд вилояти “Шаҳарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш маркази” сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, бугунги кундаги Самарқанд шаҳри атрофидаги зиёратгоҳларнинг моддий-меъморий ҳолатлари, меъморий ландшафт ечимлари талаб даражасида эмас. Бундай тарихий объектларни чуқур ўрганиш ва илмий изланишлар натижасида кўплаб маълумотлар йиғилди ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатлари ўрганилди. Уларнинг функционал вазифаларига қараб таклифлар ишлаб чиқилди. Зиёратгоҳларнинг жойлашган ҳудудларининг меъморий ландшафт ечимлари ва зиёратчилар учун янгидан янги лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди. Самарқанд тумани Ишчилар кўчасида жойлашган Хўжа Аҳрор Вали ва Нодир Девонбеги мадрасалари юзасидан ҳам янгилик киритилди. Тадқиқотлар натижасида туристларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида айнан шу ернинг ҳовли қисмидан кенг фойдаланса бўлади, чунки муҳит жуда чиройли. Бу ҳовлида ҳафтанинг бир кунини одатий ҳолатда кечки қисмини белгилаб, маданий кеча ўтказиладиган масканга айлантириш. Вилоятимизга ташриф буюрган сайёҳларимиз куни билан зиёратгоҳларни айланиб чарчайди ва кечки вақтларидан ҳам унумли фойдаланиб кечки маданий дастур (миллий халқ кўшиқ ва рақслар ижроси ҳамда миллий либослар галерияси)ини ташкиллаштириш таклифимни бераман. Бу таклиф орқали бугунги келаётган туристларга янада яхши ва қизиқарлироқ тур пакетларини таклиф этган бўламыз ҳамда иқтисодий самарадорликка эришамиз, барча зиёратгоҳларда туристлар учун қулай муҳит яратиш ва бунинг натижасида минглаб сайёҳларни кенг жалб этиш. Уларга зиёратгоҳларнинг жойлашиш ўрни ва қулайлигига қараб янгиликлар жорий этиш:

-Зиёратгоҳлар ўртасидаги режавий боғланишлар асосида замонавий микроавтобусларни жорий этиш;

- Тарихий воқеаларни кўрсатиб турувчи видеопроекторларни ташкил этиш;

- Ҳорижий сайёҳлар учун лингвистик аппаратлар жорий этиш;

- Юқорида айтилганидек тур пакетларига қўшимча хизматлар таклиф этиб, кечки маданий дастурлар жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга

- кўтарамиз. 1-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”. 2017.592 б.
2. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги.-Т.: “Маънавият”. 2007. 160 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси.-Т.: “Ўзбекистон”. 2018. 80 б.
4. Ипак йўли афсоналари(Жой номлари билан боғлиқ афсоналар). -Т.: “Фан” 1993.127 б.
5. Аҳмедов Э.Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.-Т.: “Тиббиёт”. 2002. 120 б.
6. Салимов О. Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда тадқиқот асослари.-Тошкент, 2013.
7. Маноев С.Б. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигида меъморий ансамбль ва комплекслар. -Самарқанд: Zarafshon, 2014.-160 бет.
8. М.К.Ахмедов. Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тарихий жойларни қайта тиклаш. - Самарқанд,. 2000.
9. А.С.Уралов, Л.А.Адилова. Ландшафт архитектураси.-Тошкент,. 2014.
10. Самарқандий А.Т. Самария.-Т.:1991.
11. Кайковус. Қобуснома. - Т.: “Истиклол”. 1994.
12. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 1-варақ.
13. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 54-варақ.
14. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 148-варақ
15. ЎзМА, Р.2296-жамғарма, 7-рўйхат, 530-йиғма жилд, 100-варақ.
16. ЎзМА, Р.2296-жамғарма, 7-рўйхат, 530-йиғма жилд, 56-варақ.

УДК 711.168.424

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАЙАРИҚ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАЖМУАСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Юлдашева М.К., доцент; Қўчқаров Б.Э., катта ўқитувчи, Сафарова И.А., ўқитувчи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Мақолада Имом ал-Бухорий мажмуасининг тарихий ривожланиши фактлари келтирилган, шунингдек посёлка ва унинг атрофининг шаҳарсозлик ривожланиши бўйича мисоллар берилган.

**Калит сўзлар:** Имом Ал-Бухорий; Самарқанд вилояти, “Хартанг” посёлкаси; ёдгорлик мажмуаси; бош режа лойиҳаси; зиёратгоҳ; диний илмий халқаро марказ.

В статье приводятся исторические факты развития комплекса Имама ал-Бухари, а также даны примеры по градостроительному усовершенствованию посёлка и его окружающей среды.

The article provides historical facts of the development of the Imam al-Bukhari complex, as well as examples of urban development of the village and its environment.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий милодий 810 йил 20 июлда Бухорода таваллуд топган. Ал-Бухорийнинг ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. У ёшлигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллайди. У ўн ёшидан бошлаб ўз юртидаги турли ривоятчилардан эшитган ҳадисларни мутолаа қилиб, ёдлаган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга қараб йўл тутди, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Ҳижозда яшаб, ҳадис илмидан ўз билимини янада ошириш мақсадида ўша пайтда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларда яшаб, у жойлардаги машҳур олимлардан ҳадис билан бир қаторда фикҳ илмидан ҳам таълим олади, йирик олимлар даврасида илмий баҳслару мунозараларда қатнашади ва илм толибларига дарс ҳам беради. Имом ал-Бухорий ҳаётининг кўп қисми хорижий эллар-

да, мусофирчиликда ўтди. Бу ҳақда унинг ўзи: “*Миср, Шом, Месопотамияга икки мартадан, Басрага тўрт марта борганман. Ҳижозда олти йил яшаганман, Бағдод ва Куфа шаҳарларига неча марта борганим ҳисобини билмайман*”, деган эди.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Кўпчилик уни ҳурмат қилган, аммо баъзи ҳасадгўй, қора ниятли кишилар ал-Бухорийни кўра олмас эдилар. Натижада ҳасадгўйларнинг ҳатти-ҳаракати туфайли Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий билан ал-Бухорийнинг алоқаси бузилиб қолади. Амир фитначиларнинг гапига кириб ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга қараб йўл олади ва бир мунча муддат Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари ва қариндош-уруғлариникида яшагандан кейин оғир касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (милодий 870 йил 1 сентябр) 60 ёшида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади.



Ал-Бухорийнинг Хартанг кишлоғида жойлашган мақбараси 1960 йилларда Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларидан усталар жалб қилиниб, таъмирланган эди. Шундан буён ушбу мақбара салобатли, энг обод ва кўркем қадамжолардан бири сифатида ардоқланиб, ислом аҳли ва барча меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлиб келмоқда.

1974 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташаббуси билан Республикамизда бутун ислом дунёси вакиллари иштирокида алломанинг 1200 йиллик юбилеи нишонланди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг Фармони билан буюк ҳадисшунос алломанинг 1225 йиллик таваллуди муносабати билан унинг мақбараси қайта қурилди.

Бутун дунёдан одамлар Имом Ал-Бухорийни зиёрат қилгани шу заминга қадам ранжида қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 17-18 март кунларидаги ташрифларида Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг бутун жаҳон ислом цивилизация маркази ташкил этиш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитларни янада кенг қўламда яратиш вазифасини бердилар. Бунда Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини замон талабларига мос келадиган икки қаватли катта гумбази билан кўркем қилиб қуриш белгилаб олинди. Бундан ташқари Ислам халқаро илмий маркази ва ҳамда ҳадислар мактаби бинолари қурилиши ислом дини марказининг ривожланишида катта рол ўйнайди. Туризмни ривожлантириш, сайёҳларнинг маданий хордиқ чиқариши учун зарур хизмат кўрсатиш объектларини ва меҳмонхоналарни қуриш лозимлигини юртбошимиз такидлаб ўтдилар, ҳамда “Хартанг” шаҳар типидagi поселкаси бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтилди. Бош Вазир топшириғи билан 07.05.2018й. “Ўзшаҳарсоз-

ликЛИТИ”ДУК Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги “Хартанг” шаҳар типидagi поселкаси бош режасининг бирлашган режалаштириш лойиҳасини лойиҳалашга киришилди.



Пайариқ тумани 1926 йил 29 сентябрда туман маркази билан ташкил топди. Пайариқ тумани Самарқанд вилоятининг шарқ томонида

жойлашган бўлиб, шимолий-шарқ томонидан Жиззах вилояти, жанубий-шарқий ва жанубдан Жомбой, ғарбий томондан Оқдарё ғарбдан ва шимолий ғарбдан Иштихон туманлари билан чегарадош. Самарқанд вилояти марказидан туман марказигача масофа 45 км.ни ташкил этади. “Хартанг” шаҳар типигаги поселкасини ягона кесиб ўтадиган вилоят миқёсидаги автомагистраль 4К-505 техник категорияси III бўлган Оқдарё йўналиши билан жанубий-ғарбдан шимолий-шарқий томонга Дахбед шаҳарчаси ва Жомбой шаҳарчасига томон йўналган. Автомагистраль йўлининг ўлчамгабарити 50,0 м.ни, асфальт қисми эса 15 м.ни ташкил қилади. Кўчанинг икки томонида 1 ва 2 қаватли индивидуал уйлар ва маъмурий, савдо объектлари қурилган.

Хартанг шаҳар типигаги поселкаси кичик аҳоли пункти бўлиб, Пайариқ туманининг жанубий қисмида жойлашган.

Асосий ғоя бош режанинг архитектуравий композицион функционал режалаштиришда имом “Ал-Бухорий” ёдгорлик мажмуасининг худудини кенгайтириш ва зиёратчилар учун хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш кўзда тутилган.

Хартанг шаҳар типигаги посёлкасидаги Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасида қурилган янги ҳадислар мактаби ва Имом Ал-Бухорий Ҳалқаро илмий маркази объектларини қурилгани У зотни янада кўпроқ ўрганиш ва бошқаларга ўргатиш билан бир қаторда сайёҳлар ва зиёратчилар келишлари учун катта

имкониятларни очиб беради.

Мажмуага ўртадаги дарвозадан кирилади. Кираверишда чап томонидан масжид, ва ўнг томонида эса устунлар билан галерея қилиб ўралган. Дарвозадан кираверишда тўғрида Имом Ал-Бухорий мақбараси жойлашган бўлиб тўртбурчак шаклда 9х9 м., баландлиги эса 17 метрни ташкил этади.

Алломанинг Хартанг қишлоғида жойлашган салобатли мақбараси энг обод ва кўркем қадамжолардан бири сифатида ардоқланиб, ислом аҳли ва барча меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида машҳурдир.

Мақоладаги тарихий фактлар мажмуанинг ҳозирги даврдаги ривожланиши бўйича келтирилмоқда.

Юқорида келтирилган тарихий фактлар Имом ал-Бухорий мажмуасининг ривожланишидаги шаҳарсозлик тизимида янги, замонавий ва аниқ йўналишлар қўлланилиши учун тавсия этилди. Шунингдек, мажмуада ижтимоий хизмат кўрсатиш тизimini ҳам ривожлантириш зарур. Имом ал-Бухорий мажмуасининг ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси учун юқори савияда хизмат кўрсатувчи инновацион меҳмонхона комплексини қуришни ва бу орқали посёлкада яшовчи аҳоли учун янги ишчи ўринлари яратилишини тавсия этамиз.

#### Адабиётлар:

1. <http://www.ferlibrary.uz>
2. УшшаҳарсозликЛИТИ тушунтириш хати 2018.

УДК: 72.03

### ҚАДИМГИ САВДО МАРКАЗЛАРИ

**Кушманов Т.Ф., Фозилов Т.Ф.**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

В статье дается анализ этапов развития Центрально Азиатских торговых центров и сооружений в средние века, а также средневековых торговых объектов.

Маълумки, қадимги савдо алоқалари Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаган. Тарихга бир назар ташлар эканмиз Марказий Осиё халқларининг Европа, Жанубий-Шарқий Осиё, Узоқ Шарқ ҳамда ўрта ер денгизи мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз. Юнон тарихчиси Фотий эрамиздан олдинги VI-V асрлардаёқ Марказий Осиё халқларининг Ҳиндистон билан савдо алоқаларини йўлга қўйганлиги ҳақида маълумот беради. Буюк Ипак Йўлининг “кашфиётчиси” ҳисобланадиган Хитой элчиси Чжан Цянь ҳам ўзининг Марказий Осиё ташрифи чоғида (э.о.126 й.) Бактрия бозорларида Хитой

молларини кўрган. Савдо алоқалари айниқса ўрта асрларда кенг қулоқ ёйган бўлиб, у савдо марказлари ва иншоотлари бунёдкорлигида ҳам ўз ифодасини топди.

Ягона ижтимоий-иқтисодий шароит бутун Яқин Шарқ мамлакатларида савдо иншоотларининг бир қанча турларини келтириб чиқарди. Карвонсарой, тоқ, тим, чорсу, дўкон, каппон ва ёпик савдо кўчалари шулар жумласидандир.

Бинобарин, Марказий Осиё савдо марказлари ва иншоотлари табиий иқлим ҳамда маҳаллий анъаналар асосида вужудга келган ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ушбу хусусиятларни аниқлаш, ўз навбатида, савдо иншоотлари ҳамда марказларининг тарихини, ривожла-

ниш босқичларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Дарвоқе, савдо муносабатлари сингари савдо марказлари ва иншоотлари ҳам узоқ тарихий ўтмишга эга. Қуйидаги келтириладиган тараққиёт босқичлари эса ушбу тарихий жараённинг фақат ўрта асрларга оид қисмини қамраб олади.

Ёзма манбалар ва археологик обидалар исломгача Марказий Осиё шаҳарларида савдо билан боғлиқ масканлар ва иншоотлар бўлганлигидан далолат беради. Кўхна Панжакент шаҳрида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида VII-VIII асрларга тааллуқли иккита бозорча аниқланган. Улардан биринчиси чорраҳада жойлашган бўлиб, савдо-хунармандчилик устахоналари мажмуаси кўринишига эга.

Навбатдагиси эса марказий кўчаларнинг бирига туташган очиқ майдон ва уни уч томондан чегараловчи савдо хунармандчилик устахоналаридан иборат. Бундан ташқари, кўхна Панжакентнинг бошқа кўчаларида ҳам ўзаро такрорланиб, қаторасига жойлашган тузилма-раста ҳосил қилувчи савдо-хунармандчилик устахоналари мавжуд бўлган. Бироқ, бу кичик бозорчалар ва устахоналар савдо иншоотларининг шаҳар ҳудудида жойлашиш тамойилига кўра муҳим аҳамият касб этмас эди. Асосий савдо муносабатлари эса ярмарка хусусиятига эга бўлиб, шаҳристонлар дарвозаси ташқарисидаги меъморий жиҳатдан тўлалигича шаклланмаган очиқ бозоргоҳларда амалга оширилган. Бунинг сабаби дарвозаларнинг олди бозорлар учун талаб қилинадиган кенг майдонни ташкил қилиб, минглаб кишилар шаҳристонга ўз юмушлари билан кириб-чиқадиган гавжум жойдан иборат бўлганлигидадир. Шунингдек, шаҳарларга кириш учун тўланадиган божлар ҳам айрим савдогарларнинг дарвозалар олдида савдо қилишни авзал кўришига сабабчи бўлган. Баъзи ҳолларда шундай воқеалар бўлганки, шаҳристон ичидаги бозорларга савдогарлар қиёфасида хавфли душманлар ҳам кириб келган. Бунинг олдини олиш учун айрим ҳукмдорлар бозорларни шаҳристон дарвозаси ташқарисига қурдирган. Яна шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осиёдаги бозорлар, одатда, шаҳристонларнинг жанубий, жанубий-шарқий, шарқий дарвозаси олдида жойлашар эди. Бу ҳолат табиий иқлим билан боғлиқ бўлиб, куннинг аксарият қисмида бозоргоҳларга қуёш тушишига ҳамда совуқ кунларида шимолдан эсаётган ҳаво оқимида қарши шаҳристон деворидан пана сифатида фойдаланишга имконит яратган.

IX-XIII асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар жараёнида шаҳарлар ҳам, хусусан, шаҳристон дарвозаси

олдида жойлашган бозорлар ҳам четда қолмади. Ишлаб чиқариш, ички ва ташқи савдо муносабатларининг ривожланиши дарвоза олдидаги бозорларнинг шаҳар ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини янада юксалтирди. Биз буни кўпгина шаҳарларнинг IX-X асрларда айнан шу бозорлар томон кенгайганлигидан билишимиз мумкин. Бу даврда дарвоза олдидаги бозорлар халқаро ва ички савдо алоқалари олиб бориладиган сердаромад жойга айланган. Шу сабаби хунармандларнинг, савдогарларнинг ва бошқа соҳа кишиларининг ушбу бозорлар томон интилиши кучайган. Улар мумкин қадар ўз дўконларини, устахоналарини ҳатто уй-жойларини ушбу бозорларга ёки унга яқин жойларда қуришга ҳаракат қилган. Ана шу тариқа бу бозорларда савдо билан боғлиқ бир қанча иншоотлар, қарвонсаройлар, тимлар, чорсулар пайдо бўлган. Уларга ёндош бўлиб масжидлар, ҳаммомлар ва бошқа бинолар қад кўтарган. Бу бозорлардан турли томонларга қараб йўллар кетган эди. Шаҳарларнинг кенгайиши, ҳамда ушбу бозорлар атрофида жойлашган хунармандлар мавзеи – Рабодларнинг ташкил топиши натижасида бу йўлларнинг айримлари шаҳарнинг марказий кўчаларига айланган.

Шундай қилиб, шаҳристон дарвозаси олдидаги бозорлар ҳам иқтисодий, ҳам ҳудудий жиҳатдан шаҳарларнинг марказига айлана борди. Буни бир нечта шаҳарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг энг йирик савдо марказларидан бири Самарқанд шаҳри эди. Бу шаҳар савдогарлар йиғиладиган марказ, яъни Мовароуннаҳр бандаргоҳидир. Мовароуннаҳр молларининг катта қисми Самарқандда тўпланади ва у ердан бошқа ўлкаларга олиб кетилади – деб таъриф берган эди Истахрий (X аср). Самарқанд бозори шаҳристоннинг Кеш дарвозаси жанубидаги Расат-Ток мавзесида эди. Бу бозор ҳақида Истахрий шунду маълумот беради: Самарқанд савдо маркази Расат-ток бўлиб, унга барча сарой ва боғлардан ҳам икки баробар катта бўлган кўчалар, бозорлар ҳамда дўконлар туташади... бозорнинг катта қисми рабодда жойлашган бўлиб, асосий савдосотик ўша ерда амалга оширилади ва фақат унча кўп бўлмаган кишиларгина шаҳристон ичида савдо қиладилар. Тахминан ҳозирги Регистон майдони ҳамда Сиёб бозори оралиғидаги жойни эгаллаган бу бозорнинг марказий қисмида гумбазли савдо иншооти – Чорсу бўлган. Чорсуга туташуви марказий кўчаларнинг бўйида ҳамда бозорнинг ўзидаги кичик кўчаларда савдо-хунармандчилик иншоотлари, қарвонсаройлар жамланган эди.

Бундан ташқари, Ибн Хавқал (X аср) Самар-

канд шахристони ичкарасида ҳам бозорлар, кавонсаройлар, савдо каторлари бўлганлиги ҳақида маъдумот беради. Афросиёб ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида ушбу бозорчаларнинг тўрттаси аикланган, уларнинг иккитаси шаҳар жоме масжидининг шимол ва жануб томонларида, қолганлари Навбахор дарвозаси яқинида ҳамда шахристон марказида жойлашган. Бу бозорчалар маҳаллий маҳсулот савдосига мўлжалланган бўлиб, расталар билан чегараланган майдончалар кўринишига эга бўлган.

Савдо ва ҳунармандчилик марказларидан яна бири Бухоро шахридир. Бухоро молларини савдогарлар “Шом, Миср ва Рим шаҳарларига олиб кетар эдилар” – деб ёзган эди Наршахий (X аср) ўзининг “Бухоро тарихи” асарида. Савдо муносабатлари асосан шахристоннинг жанубий “Бозор дарвозаси” олдида амалга оширилар эди. Муаллифнинг таъкидлашича, “у вақтларда бундан бошқа ҳеч бир дарвоза олдида шаҳарга яқин бозор бўлмаган”. Шунингдек, Ҳисорнинг икки дарвозасининг номи ҳам бозор билан боғлиқ бўлиб, улар “Дари гури ён” – сомонфурушлар дарвозаси ҳамда “Дари Регистон”, кейинчалик “Дари алаффурушон” – утфурушлар дарвозаси деб аталган. “Бухоро тарихи” асарида дарвозалардан ташқари яна “...бозорнинг тимчалари, ... ковушдўзлар тими, саррофлар ва базозлар бозори” ҳақида ҳам эслатиб ўтилган. Бу, ўз навбатида ўша давр бозорларининг мусайян ҳил маҳсулот сотишга ихтисослашган ҳамда савдо иншоотларининг яна бир тури – Тимларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Амир Темур давлатининг ташкил топиши билан боғлиқ равишда юзага келган қулай иқтисодий шароит бозорлар ва савдо иншоотларининг навбатдаги тараққиёт босқичига чиқишига имконият яратади. XIV-XIX асрларда бозорлар рабодларнинг марказидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, шаҳар дарвозаларига олиб чиқувчи марказий кўчалар бўйлаб кенгая бошлади ва ўз навбатида, букўчаларнинг асосий қисмини ҳам камраб олди. Ушбу бозорларда асосий ўринларни маҳобатли савдо бинолари тоқлар, чорсулар, тимлар, карвонсаройлар ҳамда ёпик савдо кўчалари эгаллаган эди.

Шаҳарларда марказий бозорлар билан бир қаторда гузар бозорлари ҳам бор эди. Гузар бозорлари одатда атрофи савдо дўконлари билан чегараланган ҳовли кўринишига эга бўлиб, улар асосан, кундалик эҳтиёж моллари ва шу гузарларда яшовчи ҳунармандлар маҳаллаларининг савдоси учун мўлжалланган эди. Кенгроқ майдонлар талаб қиладиган чорва моллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа айрим турлари билан савдо қиладиган бозорлар

эса рабодларнинг ташқарисида жойлашган эди.

Самарқанд XIV-XIV асрларда Амир Темур ва Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида Буюк Ипак Йўлининг йирик савдо марказига айланди. Унда “Хитой, Ҳиндистон, Татаристон, Самарқанд подшоҳлигининг ўзидан ва бошқа ўлкалардан олиб келинадиган маҳсулотлар сотилади” – деб ёзган эди Клавихо. XV асрнинг бошларида савдо-сотик шаҳар марказидаги очик майдонда ҳозирги Регистон жойлашган жойда ҳамда уни шаҳар дарвозалари билан боғловчи марказий кўчаларда амалга оширилган.

1403-йилда Амир Темур ...икки тарафида мол сотиладиган дўкон ва хужралардан иборат кўча барпо этишни буюрди. Ҳар бир хужранинг олдида оқ тош қопланган баланд савдо супачалари бор эди... Барча дўконлар жуфт-жуфт қилиб, бир-бирига туташтирилди, кўчанинг тепаси эса равоқсимон шаклда ёпилди”. Кўпчилик мутахассислар ушбу қайта бунёдкорлик ишларини Регистон майдони ва Оҳанин дарвозаси оралиғидаги кўчада (ҳозирги Тошкент кўчаси мавзеида) бажарилган дейишади.

Шунингдек, илмий адабиётларда Туман оқа ва Улуғбек қурдирган маҳобатли савдо иншоотлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Лекин бу иншоотлар бугунги кунгача етиб келмаган. Ҳозирги кунда Регистон майдонида қад ростлаб турган Чорсу ёпик бозори эса XVIII асрга мансубдир.

Темурийлар давлатининг иккинчи пойтахти Ҳирот шаҳрида амалга оширилган ободончилик ишлари ҳам диққатга сазовордир. Абдураззоқ Самарқандийнинг қайд қилишича, 1410-1411-йилларда Шохруҳ Мирзо буйруғига биноан Ҳирот шаҳри “...бозорларини бузиб ташладилар ва янгитдан ганч ва пишиқ ғиштдан бозорлар кўтардилар ва олий тоқлар қуриб устини ёпдилар, баъзи-баъзи жойларини ёруғлик тушсин учун очик қолдириб, қолган жойларини беркитдилар. Бозорларнинг ҳар бир жаҳон кўзига бир нигору замона чаманида бир баҳордек бўлиб юз кўрсатди. Чорсунинг урнашиши тўрт тарафи баробар, тўрт бурчак шаклида бўлиб, мавзеларнинг сараси бўлиш (Ҳирот шаҳри) доирасининг марказида воқеадир, тўрт дарвозадан тўртта бозору Чорсу томон чўзилган”.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврдан савдо алоқалари кенг ривожланган бўлган ва бу шаҳарсозликкаям ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Қадимги давлатлар билан иқтисодий алоқаларининг ривожланганлигини қадимги ёзма манбаалардан ҳам билиш қийин эмас.

**Адабиётлар:**

1. Руи Гансалес де Клавихо. «Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темура». Москва: Наука. 1990.
2. Абу-л-Касима Ибн-Хавкал. «Пути и страны». Перевод Е.К.Бетгер. Труды САГУ. История науки. Кн.25. Ташкент, 1957.
3. Ибрагимов Н. «Ибн-Баттута и его путешествия

по Средней Азии». Москва: Наука, 1988.

4. Анарбоев А. «Благоустройство средневекового города Средней Азии». Ташкент:Фан. 1981.

5. Абу Бакир Мухаммад ибн Жаъфар ан Наршай. «Бухоро тарихи». Мерос туркуи. Тошкент:Камалак. 1991.

УДК: 902.904

## МИР САИД БАХРОМ МАҚБАРАСИ: ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИДАН

**Савриев Жасур Фахриддинович**, мустақил тадқиқотчи

Кармана туман касб-хунар мактаби директори

Қадим ва навқирон Кармана туманининг маданий мероси сифатида ардоқланиб, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Мир Саид Бахром мақбарасининг мустақиллик даврларида таъмирланиш тарихи, қайта ўрганилганлиги, айниқса ўша давр руҳияти, қурилиши, асл ҳолатидаги кўриниши мақолада илмий-амалий ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** тарихий-меъморий обида, қайта тиклаш, куфий ёзув, ўлкашунос, тарихий манбаа, иморат, гумбаз, кунгурадор панжара, туйнук, пишиқ гишт.

В статье научно и практически исследуется история реставрации мавзолея Мир Саид Бахрома в период независимости, его повторная экспертиза, особенно дух того периода, его конструкция, внешний вид в первоначальном виде, передаётся на протяжении веков как культурное наследие древнего региона Навкиран Карман.

**Ключевые слова:** историческо-архитектурный памятник, восстановить, куфический шрифт, краевед, исторический источник, здание, купол, кунгурадорская клетка, отверстие, обожженный кирпич.

The article scientifically and practically investigates the history of the restoration of the mausoleum of Mir Said Bakhrom, which for centuries was considered the cultural heritage of the ancient region of Navkiran Karman. The history of the restoration of the mausoleum of Mir Said Bakhrom in the period of independence is being studied; its re-examination, especially the spirit of that period, its design, appearance in its original form.

**Key words:** historical and architectural monument, restore, kufic script, ethnographer, historical source, building, dome, kungurador cage, hole, fired brick.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач маънавий қадрият ва анъаналаримизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади. Бу даврда, давлатимиз раҳбари мустақил Ўзбекистон асосчиси Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида таърифлаганидек, инсонни руҳан покланиш, қалбдан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч-маънавиятга энг устувор йўналишларидан бири сифатида улкан эътибор қаратилди.

Истиқлол йилларида кўҳна тарихимиз, бой маданий-маънавий меросимиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш миллий давлатчилигимиз, маданий ёдгорликларимиз муқаддас қадамжоларимиз, азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалари асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида тубдан таъмирланиш жараёни

бошланди. Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли биз, ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйбастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилиш имконига эга бўлдик. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон этиб тарбиялашда, ҳеч шубҳасиз тарихий хотира, маданият, маърифат, буюк алломаларимизнинг илмий мероси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу боис мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида миллий қадриятлар ва маданий меросга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, ноёб меъморий ёдгорликлар, диний, маърифий аҳамиятга эга бўлган тарихий обидалар, табаррук зиёратгоҳлар қайта тикланиб-таъмирланмоқда, атрофлари ободонлаштирилмоқда. Республикаимизнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари жамланган Навоий вилояти мисолида кузатиш мумкин. Зеро, “...тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири...”[1] сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш, қайта тиклаш ишларини сарҳисоб қилиш ва ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб илмий вазифаларидан бири ҳисобла-

нади. Очиғини айтиш керакки, мамлакатимиздаги мавжуд 7 минг 638 маданий мерос объектида (шундан 4 мингтаси археологик объект бўлса, мингдан ортиғи архитектура бинолари), реконструкция қилиш, таъмирлаш чегаралари ва муҳофаза ҳудудларини белгилаш ишлари ҳалигача оқсамоқда.

Ўтган давр ичида Навоий вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Тарихий-маданий объектлар, мукаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни таъмирлаш босқичма-босқич олиб борилмоқда. Навоий вилоятида моддий-маънавий мерос рўйхатига жами 437 та объект киритилган бўлиб, улар монументал, архитектура, монументал санъат, археология ёдгорликлари ҳисобланади. Уларни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 401 қарорига асосан Навоий вилояти бўйича моддий-маънавий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган ва янгиланган рўйхати эълон қилинди. Жумладан, жами 437 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 232 таси тарихий, 121 таси археологик, 63 таси меъморий ёдгорлик. Шундан 13 таси республика ва 50 таси маҳаллий аҳамиятга эга, 48 таси эса монументал ёдгорликлардир [2].

Вилоятдаги жами объектларнинг номи, даври, манзили, тоифаси аниқ шакллантирилган ва давлат муҳофазасига олинган. Шунга қарамай, тарихий, маданий обидалар билан боғлиқ муаммолар етарлича. Бугунги кунда Навоий вилоятининг бой тарихи бугунгача сақланиб келаётган нодир маданий-тарихий мероси очилмаган қўриқдек ўз муҳлисларини кутмоқда. Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрида Тош ўрмон, ҳозирги Навбаҳор тумани Учтут, Ижанд, Сангбурсой қишлоқларида ўтказилган археологик изланишлар натижасида бу ерлардан тош даври овчиларининг меҳнат қуроллари ва ибтидоий қоятош суратлари топилган ҳамда Юнесконинг тарихий ёдгорликлар рўйхатига киритилган [3]. Шунингдек, Работи Малик, Мир Сайид Баҳром, Қосим Шайх Дегароний мажмуаси, Тошмасжид, Шоҳимардон каби меъморий обидалар, Бурқуттепа, Оқсочтепа сингари археологик ва Олтинсой, Нурота каби дам олиш масканлари ўзининг гўзал ва хушманзара табиати, бетакрор ёдгорликлари билан ташриф буюрувчиларда ажойиб таассурот қолдириши айни ҳақиқат.

Қадим ва навқирон Кармана туманининг ўзида Республика миқёсидаги тўртта, маҳаллий ҳокимиятларга тегишли бўлган ўн бешта тарихий ёдгорлик ва тепалар, ўн бешта монументал санъат асарлари, археологик ёдгорлик саналмиш маданий мерос объектлари, зиёратгоҳлар ҳамда хушманзара жойлар мавжуд.

Мир Саид Баҳром мақбарасини ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, архитектура

ёдгорлиги сифатида Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 401-сон буйруғи билан рўйхатга олинган кадастр ҳужжатлари тайёрланган. Бу кадастр ҳужжатида Мир Саид Баҳром мақбараси 3-16-81 сон билан давлат рўйхатидан ўтиб объект номи, объект даври, объект манзили, тоифаси, умумий жойлашган ер майдони аниқ қилиб китоб ҳолига келтирилган [4]. Мақбара Республика ҳисобидаги обидалар қаторига киради. Мақбара Сомонийлар даври тарихий ёдгорлиги бўлиб, Исмоил Сомоний мақбараси услубида қурилган бўлиб унинг ички қисмида Мир Саид Баҳром дафн этилган.

Қабр ёнида арабча битиклар ёзилган 2 та қабр тоши ҳам сақланиб қолган. Мақбаранинг ғарб томонидаги табиий тепаликнинг атрофи мазор бўлиб, уни Мир Саид Баҳром мазори деб аташган. Ҳозирги кунда тепалик, мазор ва масжид бузилиб кетган [5]. Тарихий манбаларда Мир Саид Баҳром шахси тўғрисида жуда кам маълумотлар сақланган. Ўлкашунос А.Раҳмоновнинг ёзишича: "...у киши эҳтимол мусулмон динининг йирик намояндасидан бири бўлгандир ёки Сомонийлар сулоласи вакиллари билан бирдир, чунки мақбара қурилиши жиҳатидан Исмоил Сомоний мақбарасига бежиз ўхшатиб қурилмаган" [5]. Республикаимиздаги ноёб маданий мерос объектларидан бири сифатида Мир Саид Баҳром мақбараси Буюк Ипак йўлидаги трансчегаравий маданият ёдгорликлари номинацияси бўйича ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилиши учун меъёрий ҳужжатлар тақдим этилган.

Мир Саид Баҳром қурилмаси ноёб қурилмадир. Ушбу мақбара Ўзбекистон ҳудудидаги энг кичик мақбара ҳисобланади. Бошқа манбаларда келтирилишича, Кармана шаҳридаги бу меъморий ёдгорлик X–XI асрларга оид. Қўриниши содда, бир гумбазли тўртбурчак шаклда, ҳамма томони бир хил ўлчовдаги пишиқ ғиштдан тикланган бўлиб, ёнида олд ва орқа айвонлари бўлган. Бинонинг ички ўлчами 4,4x4,4 баландлиги эса 7,5 метр. Том қисми оддий гумбаздан иборат бўлиб, гумбазнинг устида мусулмон оламининг рамзи бўлган ярим ой шакли тасвирланган. Бинонинг олд тарафига геометрик нақшлар ва кириш қисмида жуда чиройли арка бўлиб, унда қуфий усулида ёзувлар битилган. Ўлкашунос тарихчи Шухрат Халиловнинг айтиши бўйича, 1991 йил 18 август куни устозлари Ахтам Ҳотамов билан биргаликда мақбарани зиёрат қилишга борган вақтида мақбара пештоқидаги ярим айлана бўйлаб қуфий ҳарфлар билан арабча ёзилган сўзларни ўқишга муваффақ бўлганлар. Ҳозирги кўринишида Қуръон оятидан бошланиши – "Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм" ва сал пастроқда "Ал Жалол..." деган битикни сақланиб қолганлигини айтиб ўтганлар [6]. Би-

нони ички қисмида мармар тошли қабр тоши мавжуд. Қабрнинг эни 1 метр бўйи 2.5 метр баландлиги 70 см устига эса қимматбаҳо газлама тўшалган. Мақбаранинг жанубий томонида битта эшик бор, унинг тепа қисмида кўнгурадор панжарали туйнук очилган. Бинонинг ички деворлари гумбазни кўтариб турувчи саккиз қиррали аркалардан иборат. Аркаларда ёғочдан ўйиб ишланган нақшлар сақланиб қолган. Пештоқнинг икки чеккаси ва карнизи майда ғиштлардан безатилган. Ён ва орқа деворлари безаксиз. Иморат меъморий ашёларининг ўзаро мутаносиблиги ва нақшларнинг ихчамлиги билан ажралиб туради. Кириш қисми бош фасади пишиқ ғишдан қайта терилган. Ўн асрдан бери бу мўъжаз мақбара тарихнинг жонли гувоҳи сифатида қад кўтариб турибди. Ушбу дурдона обида ўша даврнинг мохир усталари томонидан қурилган бўлиб ҳозирги кунда тарихий ва маънавий ёдгорлик сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Мақбара бир неча бора турли тарихий археолог олимлар ва экспедициялар томонидан ўрганилиб, 1934 йилда Зарафшон археолог экспедицияси олимлари В.А.Шишкин, В.Т.Шухов, В.Л.Вяткинлар, 1942 йилга келиб эса мақбара қурилиши услуби бўйича қизиқувчи олим А.К.Писарчик, В.А.Нильсенларни саъйи ҳаракатлари ва ёзиб қолдирган схемали расмлари орқали маълумотларига, тарихий манбаларига таяниб, бугунги бизгача етиб келган мақбарани умрини узайтиришга сабабчи бўлди. А.Писарчик Кармана ёдгорликларига бағишлаб “Памятники Кармине” рисоласида ёзган фикрлари бунинг исботидир. Олим рисолада Мир Саид Баҳром мақбарасини қурилиш ўлчамлари, қурилишда ишлатилган хом ашёларнинг тузилиш таркибини, мақбаранинг қурилиш шаклини аниқ фактлар билан келтирган [7].

1965-1970 йилларда эса мақбаранинг олд ва орқа томонида айвонли масжид бўлган, кейинчалик таъмирлаш даврида у бузилиб кетган. 1969 йилнинг қаттиқ қишида кўп қор, ёмғир ёғиши натижасида мақбара биноси қисман чўкиб деворлари ва гумбазларида ёриқлар пайдо бўлган [8].

1976 йилда охириги марта қайта қурилган ва таъмирланган Мир Саид Баҳром мақбарасини Ўрта Осиёдаги Бухоро ташкилотида (Ўзкомстарис) таниқли археолог В.А.Шишкин бошчилигида И.И.Умников, Муса Саиджонов каби тадқиқотчиларни фикрларига таяниб, таъмирлаш ишлари бошланган. Таъмирлаш жараёнида бир қатор халқ усталари Уста Иброҳим Ҳафизов, Раҳим Хаятов, Ширин Муродовлар анъаналарига суянган ҳолда қайта тиклаш фақат қадимги кўринишдаги ғиштларнинг зарарланган қисмларида қўлланиши билан чеғаланди.

1999 йил 27 майдаги Навоий вилоятининг

Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони алоҳида тарихий аҳамият касб этади. Унда Республика комиссияси зиммасига Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларини жалб этган ҳолда, Мир Саид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси мажмуаси, Шайх Хўжа Хисрав мақбараси, Мирзо-чорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш вазифаси юклатилди. Ушбу фармонга мувофиқ вилоятдаги ёдгорликларни асл ҳолига мос таъмирланишга алоҳида эътибор қаратилди.

2001 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом Дунёсининг Ўзбекистондаги ўлмас тарихий обидалари” фотоальбомини нашр этиш тўғрисида”ги 300-сон қарори қабул қилинди. Бу қарордан мақсад диёримиз ислом таълимоти, фалсафаси ва маънавий меросини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган буюк алломалар ва азиз авлиёлар ватани эканини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш борасида истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ишларни кўрсатишдан иборат эди. Бу қарор асосида “Ислом Дунёсининг Ўзбекистондаги ўлмас тарихий обидалари” номли фотоальбом ўзбек, инглиз ва араб тилида нашр қилинди. Жумладан, вилоятимиздаги 10 га яқин маданий мерос объектлари тарихий зиёратгоҳларнинг фотонусхалари киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижроси бўйича Мир Саид Баҳром зиёратгоҳини ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан Навоий вилояти Ҳокимлиги ва Кармана туман Ҳокимлигининг 2017 йил 20 апрелдаги қўшма йиғилиш баёни ишлаб чиқилди. Ушбу баёнда вилоят ва туман ҳокими ўринбосарлари, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари мутахассислари, маданий мерос объектларини таъмирлаш ва муҳофаза қилишга масъул, Навоий вилояти Маданий мерос бошқармасига мақбарани иложи борида асл ҳолида таъмирлаш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди. Мақбаранинг ички ва ташқи қисмлари, йўлакларига ёриткичларни ўрнатиш, асфальт ётқизиш, зиёратчиларга хизмат кўрсатиш тизимини аъло даражада бажариш ва Мир Саид Баҳром ота фаолиятини ва меъморий обидаси тарихини илмий ўрганиш ушбу баёнда келтириб ўтилди [9]. Мазкур таъмирлаш ишига пудратчи ташкилот “Темур Малик” МЧЖ жалб қилиниб, Шаҳрисабз, Самарқанд, Нурота, Қўқон каби шаҳарларда қатор тарихий меъморий обидаларни таъмирлаган ва анчагина тажрибага эга бўлган 40 нафар

малакали ишчи-усталардан иборат меҳнат жамоаси шакллантирилди.

Мир Саид Баҳром мақбараси пойдевори атрофидаги ортикча тупроқ қатлами олиб ташланиб, тепадан келадиган ёмғир сувлари махсус ариқчалар орқали мажмуа ҳовлисидан чиқиб кетиши таъминланди. Мақбара пойдевори бир неча жойлари мустаҳкамланиб, иншоотнинг барча ярқисиз ғиштлари алмаштирилди. Мир Саид Баҳром мақбарасига киришдаги икки ён қисми ва орқа томони пишган ғишт (силикат) билан девор узунлиги (205 метр бўлиб) деворни ички беағи тўртбурчак ҳовуз шаклда ўралган бўлиб, девор устига яшил ранг тунукадан қор ва ёмғирдан асраш мақсадида бош қисмига кичик ҳажмли шифер қилинган. Девор баландлиги 2 метр 15 сантиметр ташкил этади, пойдевори эса 64 сантиметр баландликда бўлиб икки томонига Ғозгон мармар бўлакларидан қилинган сариқ рангли корка билан безатилган. Мақбарага олд томонидан кириш қисмига узунлиги 111 метрли темир учли найзасимон панжара ўрнатилган, ҳар бир панжара оралиғи 3 метр 83 сантиметр бўлиб, панжаралар ўртаси 29 та пишган ғиштдан (силикат) 2 метрли устун ўрнатилган. Панжаралар пойдевори эса 48 сантиметр баландликда бўлиб, қора ва сариқ рангли мармар бўлаклари билан олд ва орқа томони қоплаб чиқилган. Ташқи йўлак 3 метр 35 сантиметр бўлиб, кириш қисмининг ўнг ва чап томонлари бўйлаб оқ плитка ва плиткани атрофи оқ мармардан қилинган тўсиқ билан терилган. Ҳар бир тўсиқ узунлиги 1 метр 20 сантиметр бўлиб, жами 111 метр панжара ёнидаги йўлакка қўйиб чиқилган. Дарвозага кириб келишда узунлиги 30 метр, эни 7 метр бўлган текис асфальт ётқизилиб яна шу қисмида сизот сувларини чиқиб кетиши учун темир бетондан кичик махсус ариқ йўлакчалари ўтказилиб, ариқчаларни устидан темирпанжаралар ётқизилиб шўрланишни олди олинган ва сув тўғридан-тўғри Мир Саид Баҳром маҳалласи атрофидан оқиб ўтадиган ариқча бориб қўшилади. Олти дона замонавий икки томонлама ёритишга мослашган симёғочлар ўрнатилиб, улар бугунги кунда ҳам мақбаранинг кечки вақтда ёруғлигини бир маромда таъминланишига хизмат қилади. Кириш қисмидаги дарвоза ҳам узунлиги 5 метр 20 сантиметрдан бўлиб, темирдан панжарали қилиб арка усулида таъмирлаш жараёнида янгидан қурилган. Дарвоза ва темир панжаралар яшил рангда бўлган. Кириш дарвозасидан Мир Саид Баҳром қабригача 23 метр йўлак бўлиб мақбарани, масжиднинг олд ва орқа томон йўлаклари ҳам Ғозгон оқ мармар тошлари билан оёқ остига чиройли қилиб териб чиқилган. Ҳар бир ўтиш йўлакларининг орасида кичик кўкаламзорлаштирилган ер майдончалари бўлиб, ичига экилган газон майсаларни қишда ва ёзда ҳам бир ҳил ландшафт яратили-

ши учун махсус кичик фавворалар ва ҳар жойларда махсус ёриткичлар ўрнатилган. 2017 йил Мир Саид Баҳром мақбарасини таъмирлаш жараёнида баландлиги 5 метрли тўртбурчак шаклдаги айвон қурилди. Айвон пишган ғиштдан қурилган бўлиб, олд томони кенглиги 4,40х3 метр ташкил этади. Таҳоратхонада алоҳида-алоҳида эркак ва аёллар учун махсус эшиклар орқали қириладиган жой қилинган. Таҳоратхонани пастки пойдевор қисми сариқ рангли мармар плиткadan корка қилинган. Таҳоратхона билан биргаликда 4х3 ўлчамли омборхона ҳам қурилган.

2018 йилда эса, қайта таъмирлаш жараёнида айвонли масжид архив ҳужжатлари ва чизмаларига таяниб, аввалги жойига қайта тикланиб ўз ҳолига қайтарилди. Мир Саид Баҳром мақбарасининг айвон қисми тубдан таъмирланиб, айвонни ички том қисми ўша давр руҳида чўпқори, нақшинкор болорлар ва силлиқланган асл чўп рангидаги вассалар билан безатилиб, кўконлик усталар томонидан шакл берилди ва тарихга муҳрланди. Айвоннинг 14 та устун бор, ҳар бир устуннинг баландлиги 2 метр 80 сантиметр, ёнғоқ дарахтидан ўймақори тарзда асл ҳолатига мос қилиб ўрнатилган. Устунларнинг пастки пойдевори 64 сантиметрли тагининг ўлчами 25х25см бўлган нақшинкор оқ мармар тошдан ясалган, бу тошлар X-XI асрдаги масжидни бугунги кунга қадар бизгача етиб келган пойдевор устун тошларига намуна қилиб нуроталик сангтарош усталар томонидан тайёрланган. Масжид айвонининг супа қисми оёқ остига 26х26 ўлчамли япалоқ шаклдаги тўртбурча ғиштлар ишлатилган. Таъмирланмасдан олдинги масжидни деразалари 7 дона бўлиб, у кичикроқ тарзда кунгурадор қилиб (135-47 ўлчамда) ғиштдан қурилган бўлган. Таъмирлаш жараёнида захланиш юқори бўлганлиги учун бу ғиштларни барчаси тўкилиб тушиб, ҳозирда чўпдан бир табақали тепа қисми очиладиган ва ҳаво айланишини бир меъёردа сақлаб туриш учун янгисига алмаштирилди. Масжидга кириш эшиги нақшли ёғочдан, ўша даврга хос зулфинли қилиб ясалган бўлиб, ҳажми 1 х 2,25 дан иборат. Масжиднинг ички қисми ҳам чиройли, оддий қилиб таъмирланган. Қибла томонга арқасимон қилинган меҳроб қурилган ва оқ ранга бўйлиб, икки томонига паст кучланишли ёруғлик берадиган фонуслар ўрнатилган. 4 та баландлиги 2,80 бўлган ёнғоқ дарахтидан қурилган нақшинкор устунларнинг ҳар бирига ва унинг пастки қисмидаги пойдевор тоши 64 см бўлган оқ мармардан ишланган тош терилган. Шифт қисмидаги тахта, васса, болорларга нақш ва қирқма безак бериш орқали фарғоналик ва кўконлик усталар ўз маҳоратларини намойиш этганлар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзёев 2020 йил 12 март куни Хива шаҳридаги Ичан

қалға мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишганларида, “Қадимий обидаларнинг ҳар бир ғишти тарихий эканини, ҳар бир нақшида маъно борлиги”ни таъкидладилар. Маданий меросимизни келажак авлодга етказиш, бунинг учун ҳар бир вилоятларда реставрация мактабларини ривожлантириш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу кўрсатмалар Навоий вилоятига ҳам таааллуқли бўлиб, мутасадди ташкилотларни зиёратгоҳлар, масжид, мадрасаларни қайта таъмирлаш сари руҳлантирди.

| №            | Объектнинг номи           | Талаб этиладиган маблағ миқдори | Асос                                  |
|--------------|---------------------------|---------------------------------|---------------------------------------|
| 1            | Мирзачорбоғ хон қароргоҳи | 3,4 млрд                        | Авария ҳолатида қулаб тушган          |
| 2            | Қалъайи Азизон масжиди    | 1,2 млрд                        | Таъмир талаб ҳолатда                  |
| 3            | Кўрғонча масжиди          | 700 млн                         | Авария ҳолатида қулаб тушиш арафасида |
| 4            | Темур Шайх макбараси      | 1,3 млрд                        | Таъмир талаб ҳолатда                  |
| 5            | Шоҳимардон мажмуаси       | 2,7 млрд                        | Таъмир талаб ҳолатда                  |
| 6            | Нурота Чашма мажмуаси     | 2,5 млрд                        | Йилдан йилга ўтувчи                   |
| 7            | Мих ота масжиди           | 1,5 млрд                        | Йилдан йилга ўтувчи                   |
| <b>Жами:</b> |                           |                                 | <b>13,3 млрд</b>                      |

Таъмирлаш ишларига Республика Маданият Вазирлиги Маданий Мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош Бошқармасининг 3 миллиард сўм ҳамда ҳомийлик маблағлари йўналтирилди ва яна Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос Департаментига Навоий вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан вилоятдаги 7 та тарихий Маданий мерос объектларини 2020 йил учун реставрация ва консервация ишларини амалга ошириш дастурига киритиш бўйича жами 13,3 млрд сўмлик маблағ сўралди [10].

2019 йил январь-сентябрь ойларида Кармана туманидаги Мир Саид Баҳром, Қосим Шайх, Хўжа Ҳисрав, Мавлоно Ориф Дегароний тарихий мажмуалари ва ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш мақсадида 525 млн сўмлик ҳомийлик маблағлари жалб этилди.

2018 йил 28 август №708 Ф Ўзбекистон Мусулмонлар Идораси билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши эълон қилинди. Бунда Навоий вилоятида жойлашган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар рўйхати шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон Фармонига мувофиқ ҳолда муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолардан фойдаланишни янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоа фондига (кейинга ўринларда “Вақф” фонди деб аталади) “Қосим Шайх” мажмуаси, “Мир Саид Баҳром” зиёратгоҳи, “Мавлоно Ориф Дегароний” зиёратгоҳи, “Чил Устун ва Кўкғумбаз” (Чашма) мажмуаси, “Авлиёта” зиёратгоҳи, “Боязид Бастоний” қадамжоси, “Хўжа Ҳасан Андокий” зиёратгоҳи, “Қилич ота”, “Шайх Абул Ҳасан Харақоний”, “Қанорбой ота” зиёратгоҳлари текин фойдаланиш шартномаси асосида ҳалқимизга, узоқ юртлардан келадиган меҳмон сайёҳларга фойдаланишга топширилди [11]. В.А.Шишкин, В.Т.Шухов, В.Л.Вяткинлар, Муса Саиджонов, Ширин Муродов, Абдулла Болтаев, Кули Жалилов, Шамсиддин Ғофуров каби олим ва усталар ёдгорликларни илмий ўрганиш, илмий таъмирлаш, консервация қилиш орқали уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш ишларига беназир ҳисса қўшдилар.

Бой ўтмиш меросимизнинг нодир дурдоналари ҳисобланган Кармана шаҳри обидалари ва қадамжоларининг таъмирланиш тарихини ўрганиш илмий изланувчи, тадқиқотчи, ўлкашуносларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари Республика XII илмий-амалий конференция материаллари 2-қисм, 5-бет Тошкент 2020
2. Навоий вилоят ҳокимлигининг “Вилоят маданий мерос объектларини асраш маркази”нинг янгиланган рўйхати.
3. Иноятлов С., Ҳайитова О. “Кармана тарихи кўзгусида” Т.Шарқ нашриёти 2006 й 21-22 бет
4. Навоий вилояти Кармана тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри № 3-16-81-сон билан ўтган рўйхати Кармана т. – 2019 йил
5. Навоий – кўҳна тарих маскани. Кармана туман ҳокимлигининг расмий веб сайти.
6. Шухрат Халилов “Карманаю пирга бой” “Янги китоб” нашриёти. Тошкент 2018 й, 63 бет.
7. Писарчик А.К., “Памятники Кармине” Сообщение Института теории и истории архитектуры и Академии Архитектуры СССР, вып IV, Москва, 1945г. Стр 23
8. Ахмедов М.Қ. Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш муаммолари. Ўзбекистон меъморий обидаларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция тезислар тўплами. Самарканд – 2004 й Б.16-17
9. Навоий вилояти Ҳокимлиги ва Кармана туман Ҳокимлигининг 2017 йил 20 апрелдаги қўшма йиғилиш баёни.
10. Навоий Вилоят Ҳокимлигининг 2019 йил ян-

варь-сентябрь ойлари давомиди барча соҳаларда амалга оширилган хомийликлар тўғрисидаги маълумоти.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши. 28 август 2018 йил. №-708-Ф Тошкент ш.

## ПОДЗЕМНАЯ АРХИТЕКТУРА КАК ЧАСТЬ ГОРОДСКОЙ КУЛЬТУРЫ

**Мансуров Яшнар** – кандидат архитектурных наук, доцент  
Национальный институт искусств и дизайна

*Отмечая 580-летие нашего великого мыслителя и поэта Алишера Навои можно с гордостью отметить лепту соотечественников в олицетворении его идей и творчества в современных архитектурно-художественных произведениях.*

Статья посвящена вопросам предпосылки формирования художественного образа транспортного узла со станциями метрополитена и пути решения облика многоуровневого пространства города. На примере пересадочной станции метрополитена «Алишера Навои» города Ташкента рассмотрена эволюция последовательности архитектурного и монументально-художественного решения и разнообразия визуального восприятия внутреннего пространства станции метрополитена где в основном по-новому определены трактовки памятников архитектуры, декоративного и изобразительного искусства Центральной Азии.

**Ключевые слова:** метрополитен, образ, визуальное восприятие, монументально-художественное решение, многоуровневое пространственное решение.

### Ерости архитектураси шаҳар маданиятини бир қисми

Мақола метрополитен бекатли транспорт бўғинини фазовий ечимидagi маданият кифасини шакиллантиши ва кўпсатхли фазовий ечимини дастлабки мувофақиятли бадий образни тўхтамга келиш йўлларига бағишланган. Марказий Осиё меъморий ёдгориклар, декоратив ва тасвирий санъатини асосан янгича талқин қилиш белгиланган ва Тошкент шаҳри Навои кўчасида жойлашган “Алишер Навоий” метрополитен бекатини ички фазовий ечими мисолида монументал-бадий ечимлар эволюцион кетма-кетликда ва серкирраликда визуал ўзлаштирилиши кўриб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** метрополитен, образ, визуал қабул қилиш, монументал-бадий ечим, кўпсатхли фазовий ечим.

### Underground architecture as a part of urban culture

The article to the preconditions issues for the artistic image formation of a transport hub with subway stations and ways of the appearance solving a multi-level city space is devoted. The evolution of architectural and monumental-artistic sequence solutions and the diversity of visual inner space perception of the subway station, where architectural monuments interpretations, decorative and fine arts of Central Asia, are mainly defined in a new way, using the example of the Alisher Navoi subway station in Tashkent.

**Key words:** subway, image, visual perception, monumental and artistic solution, multi-level spatial solution.

**Введение.** Строительство метрополитена вместе с другими сооружениями меняет стереотипное восприятие архитектурного образа города, усложняет его, вводит понятие подземной этажности. Пронизывающее влияние этого фактора испытывает вся градостроительная структура. Это наглядно можно почувствовать на примере ряда городов, в том числе и Ташкента. [3, 4.]

**Обзор источников.** Наблюдающееся в современном метростроении тяготение к объединенному решению станций метрополитена с другими сооружениями позволяет предположить, что в дальнейшем станции все чаще будут входить в качестве составной части в многоуровневые общественно-транспортные комплексы. [1, 2, 4, 8, 9.] Это, безусловно, будет накладывать отпечаток на восприятие сооружений метрополитена с окружением. Поэтому нам безразлично, какую визуально-информационную нагрузку будут нести транспортные узлы со станцией метрополитена, активно включаемые в архитектуру наземных и подземных городских пространств. Нужны исследования в этой области и осмысление роли,

места, архитектурного языка метро, систематизация приобретенных знаний для рационализации взаимодействия пассажиров и пешеходов с транспортом для придания адресности формирующегося пространства. [4, 10.]

**Методология формирования подземных пространств города.** Определяющей общей функциональной основой для всех видов транспортных сообщений, в том числе для метрополитена, является движение объектов по специально устроенным наземно-подземным транспортным коридорам-коммуникациям. И с точки зрения функционального назначения станция метрополитена должна рассматриваться как утилитарная пространственная форма для пропуска транспортных средств с кратковременными остановками. Сам процесс движения имеет свои особенности (скорость, потоки), влияющие на объемно-пространственное решение сооружения и его форму.

Метроузел, имеющий определенные параметры, конструктивное решение, глубину заложения станции, задаваемого требованиями направления линии метрополитена, а также формирующегося транспортного узла, является

физической производственной его функционального назначения. Он имеет непосредственную зависимость между техническими и эстетическими качествами, задаваемыми наземной существующей застройкой улицами и подземными линиями метрополитена. [3, 4, 7.]

Подземное пространство метрополитена и его наземное окружение воспринимаются в движении. Архитектура метроузла выступает как «кинетическое искусство» (в поезде — кадры платформенных залов, — путь из подземных пространств: платформенный зал, лестничный или эскалаторный подъём, подземный вестибюль, распределительный зал; — пешеходный подуличный переход; — выходы на поверхность, окружающее пространство метроузла и т.д.). Новый «кинетический» подход к нашему окружению становится повсеместно необходим в связи с возрастанием скорости, частоты и смены перемещений в пространстве, свойственных городской цивилизации.

**Архитектура многоуровневого решения станции «Алишера Навои».** Одной из попыток частичного решения выше отмеченных комплекса вопросов метроузла и станции метрополитена можно проследить на примере пересадочного узла Чиланзарской (станция «Пахтакор») и Узбекстанской (станция «Алишера Навои») линий метрополитена в центральной части города. Расположен под улицей Абая и улицей А.Навои проектной осью перспективной пешеходной Центральной аллеи-бульваром города, соединяющая сквер Амира Темура с центральной частью города. [5, 6, 10.]

Он представляет собой сложное подземное объёмно-пространственное и инженерно-транспортное решение сооружений, для обеспечения кроме традиционного приёма и высадки пассажиров из станций метро «Алишера Навои» и «Пахтакор», осуществлять пересадку с первой линии метро на вторую и обратно. Пересадка производится в уровне кассового зала подземных вестибюлей станций. В перспективном проекте станции метрополитена предусмотрен пересадочный переход в уровне платформ станций по пешеходному тоннелю. Выходы из подземного совмещенного пересадочного вестибюля станций «Алишера Навои» и «Пахтакор» решены в комплексе с подуличным переходом.

Станция «Алишера Навои»<sup>1</sup> размещена в середине Узбекстанской линии метрополитена. Выход из второго вестибюля станции «Алишера Навои» предусмотрен к одной из центральных оживленных магистралей города — одноименной улице А.Навои, со сложившейся национальной архитектурой и силуэтом застройки, а также музей Алишера Навои и аллея По-

эзии со скульптурой Алишера Навои, которые в свою очередь и дают основной настрой восприятия образа адресного архитектурно-пространственного решения и его продолжение в подземном пространстве и информацию о его местоположении.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, Самарқанд шаҳридаги сайёҳатчиларга қараганда, Самарқанд шаҳри атрофидаги меъморий ёдгорликларга сайёҳатчилар сони бироз камроқ. Чунки, атрофдаги меъморий ёдгорликлар инфратузилмаларининг яхши ташкил қилинмаган-

лиги ҳамда сайёҳларни кенг жалб қила оладиган хизматларнинг кўзга кўринмаётганлигидадир. Буни тўлиқ ўрганиб чиқиш натижасида кўплаб камчилик ва ютуғларнинг гувоҳи бўлдим.

Самарқанд тумани Ишчилар кўчасида жойлашган Хожа Аҳрор Вали ва Нодир Девонбеги мадрасалари юзасидан ҳам янгилик киритилди. Бу икки макбара XVI-XVII асрларда қайта таъмирланган. Ҳовлига киргандан бу макбара Регистондаги Шердор мадрасасини эслатади. Жуда ҳам ўхшаш қурилган лекин бунда гумбазлари ва хонақоҳларининг бир қаватлилиги билан фарқ қилади. Бу ерга ташриф буюрганда Хожа Аҳрор Валининг 19-авлоди Салохонов Нуриддинхон билан учрашдим ва у кишидан Хожа Аҳрор Валининг тарихи ва ҳаёти тўғрисида кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

“Кўҳна тарихимиз силсиласида омон қолган табаррук битикларда муборак номлари зикр этилган шундай зотлар борки, даврлар ўтиши билан уларнинг улуғлиги ортади. Улар халқнинг дилида, маънавиятида яшайдилар...”

Афсуски, шўролар даврида Хожа Аҳрор Валий тўғрисида бор ҳақиқатни рўйи-рост айтиш имкони бўлмади. Тарихимизга юзаки ёндашиш, илгари тайёрланган андозалар, синфий кураш ғояси асосида миллий тарихимиздаги улуғларни қоралаш кенг тарқалган”[5:3].

“Инсон кўнгли ҳамиша комилликка, етукликка талпиниб келган. Ислон илоҳиётига ва валийларга эргашишда комилликка интилиш, улар сиймосида ўзликни англаш, юксак ахлоқ, илоҳий фазилат ва сифатларни мукааррам деб ҳисоблаш, инсон маънавиятини қадрлаш ва бойитиш нияти мужассамдир.

Валий зотлар Аллоҳнинг “Қаййум” исми ва сифатини биладиган, Унинг буюрганларини бажарб, гуноҳ ишлардан ўзини сақлаган, дунё лаззатидан охират ободлиги учун кечган, дуолари мустажоб, солиҳ инсонлардир” [6:5].

Хожа Аҳрор Вали макбараси мадраса бўлган бунда асосан 32 та хужра бўлиб, бунда ислон таълимотидан дарслар ўтилган. Ҳозирги кунда бу маскан Самарқанд вилояти “Шаҳарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш маркази” сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Мустақиллигимиздан кейинги йилларда ҳар бир тарихий қадамжолар, маданий мерос объектлари, қадимий санъат асарлари ва албатта зиёратгоҳлар қайта тикланиб, уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, уларнинг бугунги маданий-маърифий аҳамияти чуқур ўрганилиб келинмоқда. Самарқанд шаҳри атрофидаги зиёратгоҳлар ҳудудларини замонавий туристик эҳтиёжлар асосида меъморий ташкиллаштириш ва уларни ободонлаштириш жуда муҳим масалалардан биридир. Шундай экан мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади шаҳар атрофида-

ги ва вилоятдаги тарихий меъморий ёдгорликларни саёҳатчилар эҳтиёжлари ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда меъморий ландшафт ташкиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уни ривожлантиришга қаратилган.

Бугунги кундаги Самарқанд шаҳри атрофидаги зиёратгоҳларнинг моддий-меъморий ҳолатлари, меъморий ландшафт ечимлари талаб даражасида эмас. Бундай тарихий объектларни чуқур ўрганиш ва илмий изланишлар натижасида кўплаб маълумотлар йиғилди ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатлари ўрганилди. Уларнинг функционал вазифаларига қараб таклифлар ишлаб чиқилди. Зиёратгоҳларнинг жойлашган ҳудудларининг меъморий ландшафт ечимлари ва зиёратчилар учун янгидан янги лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди.

Самарқанд тумани Ишчилар кўчасида жойлашган Хожа Аҳрор Вали ва Нодир Девонбеги мадрасалари юзасидан ҳам янгилик киритилди. Тадқиқотлар натижасида туристларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида айнан шу ернинг ҳовли қисмидан кенг фойдаланса бўлади, чунки муҳит жуда чиройли. Бу ҳовлида ҳафтанинг бир кунини одатий ҳолатда кечки қисмини белгилаб, маданий кеча ўтказиладиган масканга айлантириш. Сабаби вилоятимизга ташриф буюрган сайёҳларимиз куни билан зиёратгоҳларни айланиб чарчайди ва кечки вақтларидан унумли фойдаланиб кечки маданий дастур (миллий халқ кўшиқ ва рақслар ижроси ҳамда миллий либослар галерияси)ини ташкиллаштириш таклифимни бераман. Бу таклиф орқали бугунги келаётган туристларга янада яхши ва қизиқарлироқ тур пакетларини таклиф этган бўламыз ҳамда иқтисодий самарадорликка эришамиз.

Самарқанд шаҳри атрофидаги зиёратгоҳлар ҳудудларини замонавий туристик эҳтиёжлар асосида меъморий ташкиллаштириш ва уларни ободонлаштириш жуда муҳим масалалардан биридир. Шундай экан маскур тадқиқотнинг асосий мақсади шаҳар атрофидаги ва вилоятдаги тарихий шаклланган зиёратгоҳлар ҳудудларини туристик эҳтиёжлар ва замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда меъморий ландшафт ташкиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уни ривожлантиришга қаратилган.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон”. 2019. 64 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”. 2014. 74 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-эркин ҳаётимизни барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори./ Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Андижон. 2019. 275 б.

4. Жабборов И. Такдирни инсон ўзи яратур.-Т.: 1974. 120 б.
5. Кутибоев З. Хожа Ахрор Валий маънавияти.-Т.: "Фан". 2007. 195 б.
6. Исҳоқова З. Комиллик калити.-Т.: "Тошкент ислом университети". 2016. 252 б.
7. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги.-Т.: "Маънавият". 2007. 160 б.
8. Ипак йўли афсоналари(Жой номлари билан боғлиқ афсоналар).-Т.: "Фан" 1993.127 б.
9. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида.-Т.: "Тиббиёт". 2002. 120 б.
10. Салимов О. Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда тадқиқот асослари.-Тошкент, 2013.
11. Маноев С.Б. Ўзбекистон замонавий шаҳар-созлигида меъморий ансамбль ва комплекслар.-Самарқанд: Zarafshon, 2014.-160 бет.
12. Аҳмедов М.К. Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тарихий жойларни қайта тиклаш. - Самарқанд, 2000.
13. Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси.-Тошкент, 2014.
14. Самарқандий А.Т. Самария.-Т.:1991.
15. Кайковус. Қобуснома. - Т.: "Истиклол". 1994.
16. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 1-варак.
17. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 54-варак.
18. ЎзМА, Р.394-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 148-варак.
19. ЎзМА, Р.2296-жамғарма, 7-рўйхат, 530-йиғма жилд, 100-варак.
20. ЎзМА, Р.2296-жамғарма, 7-рўйхат, 530-йиғма жилд, 56-варак.

## АҚЛЛИ КИЧИК ШАҲАРЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Эсиргапов Ф.Б., докторант

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

По всему миру актуальность многочисленных проблем городов привела к поиску умных способов их структуризации и поиску их решений. Соответственно такие города все чаще получают метку «умных». Одним из способов концептуализации понятия «Умный Город» является его модель как устойчивого и пригодного для жизни города. Наиболее распространенное на сегодняшний день определение «Умного Города» привязано к его целям. «Умный Город» – это структура, которая обеспечивает устойчивое развитие, повышение качества жизни и эффективное использование ресурсов для своих обитателей (жителей). В целом – это развитие идей о создании комфортной среды обитания.

Around the world, the relevance of the many problems of cities has led to the search for smart ways of structuring them and finding their solutions. Accordingly, such cities are increasingly being labeled "smart." One way to conceptualize Smart City is to model it as a sustainable and live able city. The most common definition of Smart City today is tied to its goals. "Smart City" is a structure that ensures sustainable development, improved quality of life and efficient use of resources for its inhabitants. In general, this is the development of ideas about creating a comfortable habitat.

Охирги пайтларда оммавий ахборот воситаларида энг кўп учрайдиган иборалардан бири – «ақлли шаҳар» иборасидир. Ушбу ибора инсоният учун яқин келажак – яъни ахборот технологиялари орқали кўпчилик шаҳарсозлик муаммоларига ечим бўладиган яхлит тизимни ифодалайди. Мутахассислар таъкидлашича «Ақлли шаҳар» - бу шундай ташкилий структура, у шаҳарнинг барқарор ривожланишини таъминлаб, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, аҳоли учун қулай шароитлар яратди. Умуман олганда, ушбу ғоя асосида ҳаётий фаолият муҳити учун комфорт шароитларни яратиш бериш ётади (1).

Британия стандартлар институти (BSI) таърифи бўйича «Ақлли шаҳар» Smart City - бу «жисмоний, рақамли ва инсоний тизимларнинг сунъий муҳитда барқарор ривожланиши, аҳолининг қулай ва хавфсиз ҳаёти учун самарали интеграциясидир» (2). Қисқа қилиб айтилганда, «ақлли шаҳарга айланишга» маълум аҳоли пункти учун аниқ муддат ва чегара мавжуд эмас. Маълум бир шаҳарга нисбатан «ақлли» иборасини ишлатиш қай даражада ўринли бўлиши ушбу аҳоли пунктида «ақлли шаҳар» қанақа таркибий қисмлари амалга жо-

рий этилганлигига боғлиқдир. Турли замонавий технологияларни қай даражада шаҳарни бошқариш ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун кенгрок ва мувоффақиятлирок амалга ошириб, табиий ресурсларни самарали ишлатилишига эришган аҳоли пункти шу даражада «ақлли шаҳардир». Шунинг учун «ақлли шаҳарга айланиш» бир вақтда амалга ошадиган жараён бўлмасдан, узоқ муддатга, ҳаттоки шаҳарнинг мавжудлиги давригача муддатга чўзилиши мумкин (4).

Урбанистика бўйича эксперт Билл Хатчинсон «ақлли шаҳар» бўйича классификацияни таклиф қилди. Унга кўра «ақлли шаҳар» 1.0; 2.0 ва 3.0 версиялари мавжуд: «ақлли шаҳар» 1.0 версиясида яхлит стратегия мавжуд эмас, автоматизация тизими ўзаро боғланмаган алоҳида компонентларни ўз ичига олган; «ақлли шаҳар» 2.0 версиясида имкон даражасида максимал даражада мустақил тадбирлар ва информация манъбалари ўртасида алоқа ўрнатиш ва уларни яхлит тизимга бирлаштириш амалга оширилмокда; «ақлли шаҳар» 3.0 версиясида барча компонентлар ўртасида алоқа ўрнатилган ва улар яхлит тизимга бирлаштирилган ва бутун шаҳар инфраструктураси интеллектуал ахборот

технологиялари билан қамраб олинган (5).

Ақлли шаҳар – бу иқтисодий, энергетик, технологик ва экологик жihatдан шаҳар хўжалигини тезкор равишда бошқарилишидир. Шаҳарда энергия самарали технологиялар элементлари ягона информаион тизимга боғланган. Информацион дастурлар интеллектуал бино ва иншоотларнинг юқори даражада автоматик тизимларга боғланганлигини таъминлаб, ушбу тизимлар орқали назорат қилинади ва бошқарилади.

Ҳозирда бутун дунё бўйича 150-тадан ортиқ ақлли шаҳар лойиҳалари амал қилмоқда. Улардан Шимолий Америкада -35та, Жанубий Америкада – 12та, Европада –45та, Осиёда – 45та, Яқин Шарқ ва Африкада - 13та лойиҳа. Дунёнинг турли давлатларида ушбу тушунча шаҳар структурасида мавжуд турли муаммоларнинг ечими сифатида ишлатилади. Терминни ишлатилишида бир қанча вариантлар мавжуд: smart (ақлли), digital (рақамли), intelligent (интеллигент). Ушбу турдаги шаҳарларда мавжуд муаммолар ечимини топиш учун замонавий информаион технологиялардан кенг фойдаланилган. Ақлли шаҳарлар концепциясининг асосида барқарор ривожланиш ва ҳаётини фаолиятлар учун қулай бўлган шаҳар ҳолати ётади.

Испаниядаги Сантандер курорт шаҳри Европада «Ақлли шаҳарлар» даврини бошаб берган ҳисобланади. «Smart Santander» лойиҳаси бўйича 2011 йилда шаҳар бўйлаб 15 000 датчиклар ўрнатилиб, улардан маълумотларни йиғадиган ва тезкор қайта ишлайдиган платформа яратилди. Датчиклар атроф муҳит ҳавосини бузилганлиги, жамоат транспорт ҳаракати ва йўлларда мавжуд вазият, парковклардаги бўш жойлар, чиқинди контейнерларининг тўлганлиги ва бошқа маълумотларни етказиб беради. Ўндан ортиқ юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати 60 миллион еврига ташкил қилди. Маълумотлар асосида кўчаларни самарали ёритиш, чиқиндиларни йиғиш, йўлларда тирбандликни олдини олиш ва аҳоли учун бошқа қулайликлар яратилди.

Осиё қитъасида амалга оширилган лойиҳаларга Жанубий Кореянинг Сонгдо шаҳри мисол бўла олади. Ушбу лойиҳага кўпчилик манъбалар «келажак шаҳри» деб ном беришган, чунки бу лойиҳада кўпчилик тадбирлар дунёда биринчи марта амалга оширилиши керак эди. Асосий янгилеклардан бири ҳар бир шаҳар аҳлига ўзига хос барча хизматларга уланиш имкониятини берадиган шахсий рақамли калит берилиб, у орқали метрога чиқиш, автомобил парковкиси ҳақини тўлаш, велосипедни ижарага олиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, тиббий ва таълим хизматларидан баҳра олиш ва бошқаларни бошқариш имконияти берилиши мумкин. Кўча ва майдонлар пиёда ва

велосипедларга берилиб, автомобил шаҳарда камёб транспорт воситасига айланади. Шаҳарнинг учдан бир қисми кўкаламзорлаштирилиб, атроф муҳит экологияси ижобий ечилади.

Илмий нуқтаи назардан «ақлли шаҳар» - бу ҳаёт учун хавфсиз, экологик жihatдан химояланган, ривожланган сенсорли электроник тармоқлар билан жиҳозланган, барқарор иқтисодий ривожланишни ва юқори ҳаётини кўрсаткичларни таъминлайдиган шаҳар ҳисобланади. Шаҳарни ақлли шаҳарга айлантириш учун инсоний ва ижтимоий капиталнинг анъанавий (муҳандислик ва транспорт) ва замонавий (ахборот коммуникация технологиялари) инфраструктураларига киритилган инвестициялар орқали барқарор иқтисодий ривожланиш ва юқори даражадаги турмуш тарзига эришилишига айтилади. Ушбу инвестициялар табиий ресурсларни аҳоли иштирокидаги ақлли бошқариш билан таъминланади (1).

Амалий хўжалик ва шаҳарсозлик нуқтаи назаридан «Ақлли шаҳар» - бу юқори технологиялар асосида ривожланган шаҳар бўлиб, узида одамлар, информация ва шаҳар инфраструктурасини бирлаштиради. Бунда шаҳар хўжалиги самарали бошқарув тизими ва янги технологиялар асосида юритилиб, табиий экологик муҳит ва инновацион рақобатбардош ишлаб чиқариш юқори турмуш даражасини таъминлайди (2).



1-расм. Сантандердаги (Испания) «ақлли шаҳар» компонентлари

«Ақлли шаҳар» - бу аҳоли яшайдиган маъмурий бирлиги (шаҳар, туман ва бошқа аҳоли пунктлари) бўлиб, ушбу ҳудудда реал вақт ўлчамида ишлайдиган яхлит информаион технологиялар ёрдамида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган тизимдир (6). Шаҳарсозлик назариётчиси Кристофер Александер ўзининг асарларида (3) «биноларнинг лойиҳалаш қатламлари» ни ақлли шаҳарларга нисбатан ишлатиб, ҳозирда информаион технологиялар соҳасида ҳам кенг қўлланилаётган назариясини яратди. Унинг таъкидлаши бўйича

«муаммолар кун сайин кўпайиб, уларнинг мураккаблиги ва муаммолилиги ортиб боради. Улар олдинги даврларга нисбатан тезроқ ўзгаради. Ҳамма вақт янги ашёлар ишлаб чиқилади, ижтимоий қатламлар тез ўзгаради, қолаверса маданият ҳам олдинги даврларга қараганда тезроқ ўзгаради». Ақлли шаҳарлар муаммоларини ечишга қаратилган технологиялар қандай бўлишидан қатъий назар, улар Александр таъкидлаганидек «янги ашёлар» бўлиб, архитекторлар улардан бино ва шаҳарларни қурилишида кенг фойдаланишади (3). Улар билан ҳозирда ижтимоий ва маданий қатламдарда юз бераётган жиддий ўзгаришлар боғлиқдир.

Ақлли шаҳарлар ғоялари атроф муҳит экологияси жиҳатидан ҳам илғор ҳисобланади. Ақлли шаҳар ғоясининг асосини технологиялардан фойдаланилган ҳолда барқарор шаҳарсозликка ва табиий ресурслардан унумли фойдаланишга қаратилган ғоя ташкил қилади. Табиий ресурсларни ҳимоялаш ва унга таалуқли инфраструктура - сув манбалари, яшил ҳудудлар ва парклари ҳам асраб авайлаш диққат марказида бўлади. Буларнинг ҳаммаси ақлли шаҳарларни шакллантиришда ҳисобга олиниши зарур бўлган факторлардир.

“Ақлли шаҳар” йуналишида бизнинг мамлакатимизда ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 18 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори долзарб масалани ечимига қара-

тилганлигини таъкидлаш зарурдир. Ўзбекистон шароитида биринчи марта ақлли шаҳар лойиҳаси Тошкент вилоятидаги Нурафшон шаҳри учун ишлаб чиқилди.

#### Адабиётлар:

1. БМТ Сайти. Урбанизация буйича фонд (United Nations Population Fund, UNPF), <http://www.unfpa.org/urbanization> (кириш 10 феврал 2018 й.)
2. Robert E. Hall. The Vision of A Smart City. -- 2nd International Life Extension Technology Workshop, Paris, France, September 28, 2000 -- <https://www.osti.gov/scitech/servlets/purl/773961/> (кириш 15 феврал 2018 й.)
3. Александер Кристофер, «Язык шаблонов. Города. Здания. Строительство» -М.: Изд-во Студия Артемия Лебедева, 2014 г., <http://www.artlebedev.ru/izdal/yazyk-shablonov/> (кириш 21 феврал 2018 й.)
4. Boyd Cohen. The 3 Generations Of Smart Cities: Inside the development of the technology driven city. -- August 10, 2015, <https://www.fastcoexist.com/3047795/the-3-generations-of-smartcities> (кириш 22 феврал 2018 й.)
5. European smart cities ranking, <http://www.smart-cities.eu/ranking.html> (кириш 23 феврал 2018 й.)
6. Стратегические инициативы умных городов, входящих в Союз открытых и гибких умных городов (Open and Agile Smart Cities - OASC), : <http://www.oasc>. (кириш 28 феврал 2018 й.)
7. В.П. Куприяновский. СА. Буланча, В.В. Конов. К.Ю. Черных, Д.Е. Намиот, А.П. Добрынин. Умные города как «столицы» цифровой экономики//International Journal of Open Information Technologies. –2016. – Т. 4. -- № 2. С. 42-52с.

УДК:725.73(575.1)

### НУКУС ШАҲАРСОЗЛИГИДА ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ

**Уралов А.С.**, меъм. ф. д., профессор, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти  
**Шнекеев Ж.К.**, доцент Тошкент архитектура-қурилиш институти  
**Еримбетов И.** магистрант Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрининг вужудга келиши, архитектуравий шаҳарсозликнинг ривожланишига таъсир этувчи маҳаллий табиат ости сизот сувларининг ер юзига кўтарилиши ўсимликлар, дархатлар ва боғлар ривожланишига таъсири ҳамда асосан Орол денгизининг қуриган тубидаги тузли оқ қумлар ва Қизилқум ҳудудидаги бархан қумларининг шамол билан шаҳар ҳудудида учиб келиши шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига салбий таъсир кўрсатилмоқда. Бу жараён 60 йил давомида дренажлар бўлишига қарамасдан парклар ва ҳиёбонларнинг асоси бўлган дархатларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мақолада бу долзарб муаммони ҳал қилиш мақсадида шаҳар ҳудудини кесиб ўтувчи «Дўстлик», «Каттаағар» каналлари ва Амударё сувларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг ер ости сизот сувларига қўшилишидан ҳимоялаш учун шаҳар ичидаги канал ва ариқларни бетонлашни жадаллаштириш, дренажлар сонини кўпайтириш таклифлари берилган.

**Таянч сўзлар:** чўл зонаси, ҳиёбон, ер ости сизот суви, атмосфера, ободонлаштириш.

Появление Нукуса, столицы Каракалпакстана, оказало негативное влияние на развитие деревьев, растений или садов из-за близости местных грунтовых вод к поверхности, что влияет на развитие архитектурного градостроительства. Соленые белые пески высохшего дна Аральского моря и барханские пески Кызылкума, которые в основном дуют в город ветром, также являются препятствиями для развития города. Несмотря на то, что этот процесс привел к осуществлению в течение 60 лет, описан экологический процесс истощения деревьев, которые являются основой парков и аллей. Для решения этой проблемы предлагается ускорить бетонирование каналов и рвов в городе, увеличить количество стоков, чтобы эффективно использовать каналы Ду-стлик, Каттаагар и Амударья, пересекающие город и защищающие его от подземных вод.

**Ключевые слова:** степная зона, озеленение, подземные воды, атмосфера, благоустройство.

The appearance of Nukus, the capital of Karakalpakstan, had a negative impact on the development of trees, plants or gardens due to the proximity of local groundwater to the surface, which affects the development of architectural urban planning. Salty white sands of dried bottom the Aral Sea and the sand dunes of the Kyzylkum region, which mainly blow into the city with wind, are also obstacles to the development of the city. Despite the fact that this process led to drainage for 60 years, the ecological process of the depletion of trees, which are the basis of parks and alleys, is described. To solve this problem, it is proposed to speed up the concreting of canals and ditches in the city, to increase the number of drains in order to effectively use the Dustlik, Kattaagar and Amudarya canals that cross the city and protect it from groundwater.

**Кириш.** Қорақалпоғистон ҳудудининг марказида жойлашган Нукус қишлоғини Қорақалпоғистоннинг пойтахти бўлиши учун 1931 йили 1800 гектар ер майдони ажратилиб, шаҳарга мос бинолар қуриш, чўл зонаси бўлганлиги туфайли ҳудудни ободонлаштириб, қулай иқлим шароит бунёд этиш долзарб муаммога айланди.

Маълумки, ярим аср давомида Нукус шаҳрининг ҳудуд экологияси ва иқлимидаги ўзгаришлар сезиларли даражада бўлди. Бунга асос Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига етиб бормаслиги туфайли денгиз сатҳи 53 м дан 26 м гача пасайган (1-жадвал). ХХI аср бошларида Орол денгизи тубидан қумли бўронлар сабаб ҳар йили 700 млн тонна тузли қум кўтарилган [1].

Нукус шаҳрининг ривожланишида 1932 йили бу ҳудудда 11 минг одам бўлгани сабабли, 15 минг одамга мўлжаллаб шаҳарнинг бош плани лойиҳаси Санкт Питербургли архитектор С.О.Овсянников раҳбарлигида таёрланган [2].

Нукус шаҳрининг ер юзаси текис баландлиги Балтик денгизининг қадди бўйича 76м. Қорақалпоғистоннинг жануб томонидаги туманларда бу кўрсаткич Берунийда, Турткулда 80м бўлса, шимол томонда жойлашган Мўйноқ, Қунғирод туманларининг баландлиги 53м. Нукусдан Шимол-ғарб томонда 7 млн. га ер майдонидан кўпроқ ҳудудга эга бўлган тошли шўл - Устюрт платосининг баландлиги 250 м (1-расм).

1-жадвал

Орол денгизи акваториясининг майдони

| Даражаси, м.абс. | Изобат, м. | Майдони, км <sup>2</sup> | Сув мас-саси, км <sup>3</sup> . |
|------------------|------------|--------------------------|---------------------------------|
| 53,0             | 0          | 66085,6                  | 1061,6                          |
| 50,0             | 3,0        | 58700,0                  | 878,0                           |
| 45,0             | 8,0        | 50400                    | 607,0                           |
| 40,0             | 13,0       | 39668,9                  | 404,7                           |
| 39,0             | 14,0       | 37342,3                  | 370,0                           |
| 38,0             | 15,0       | 35015,8                  | 335,3                           |
| 37,0             | 16,0       | 32689,3                  | 300,6                           |
| 36,0             | 17,0       | 30362,7                  | 266,0                           |
| 35,0             | 18,0       | 28036,2                  | 231,3                           |
| 34,0             | 19,0       | 25709,6                  | 196,6                           |
| 33,0             | 20,0       | 23383,1                  | 161,6                           |
| 23,0             | 30,0       | 2689,1                   | 40,0                            |
| 13,0             | 40,0       | 1596,6                   | 18,8                            |
| 3,0              | 50,0       | 954,3                    | 6,0                             |

Демак, ернинг бундай шароитида Нукус шаҳрининг ҳудудига қумли шамол оқими тезлашади ва қишда совукнинг, ёзда иссиқ ҳаво босимининг кўпайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, Нукус қишлоғи шаҳар бўлмасдан олдин, шимолий шарқдаги 30 млн.га майдонга эга Қизилқум бархан куми кучли шамоллар билан доимо ҳаракатланиб ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш жараёнида катта муоммолар тўғдирган (2-расм).



1-расм. Қорақалпоғистон ҳудудининг иқлим зоналарига бўлиниши.



2-расм. 30млн.га майдонга эга Қизилқум ҳудуди.

Бунга асос шаҳарнинг уч тарафида учта қўл - жанубий-ғарб тарафида Қорақум, шарқ тарафида Қизилқум ва ғарб томонда эса тошли қўл -

Устюрт платоси ўраб олган. Нукусда “шамол гули”нинг йуналиши кўпроқ шимоли-шарқ томондан бўлганлиги сабабли, энг кўпроқ ободонлаштиришга зарарли таъсир қилувчи Қизилқум эканлиги бу ҳудудда яшовчиларнинг ҳаммасига маълум. Бу жараёни ҳисобга олиб, 1932 йилдан бошлаб шаҳар бош планига асосланган ҳолда ободонлаштириш ишлари ташкиллаштирилиб бир неча минг дона дарахтлар экилиб, шаҳарга кўркамлик бахш этган. Масалан, 1938 йилнинг ўзида шаҳар марказидаги 6 га ер майдонга 2080 дона дарахтлар (тополя) экилиб, сув билан таъминлаш мақсадида узунлиги 12 км ариқ қазилган.

Иккинчи жаҳон уриши даврида Нукус шаҳрини ободонлаштириш икки йўналиш бўйича ишлаб чиқариш участкаси тузилиб, иш олиб борилди. 1) ирригация, 2) шаҳарни режалаштириш ва кўкаламзорлаштириш.

Нукус шаҳри кўпинча Ўзбекистон Республикасининг “шимолий пойтахти” деб номланади. Шаҳар ҳудудида йилдан йилга аҳоли сони кўпайиб, ҳудуди ҳам кенгайиб ҳозирда 200 квадрат километрдан ортиқ майдонга эга бўлди.


#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Шаҳарни ривожлантиришдаги энг асосий муоммаларнинг бири ободонлаштириш ва ҳудуднинг иқлим шароитини яхшилаш бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1962 йилги “Средазгипроводхоз” лойиҳалаш институтига берган топшириғи бўйича 1968 йили Нукус марказидан 16 вертикал дренаж қозиблиб, унга қўшимча 6 дона Кизкеткен каналининг ер тагидаги сувни филтрлашда тадқиқот ишлари олиб борилди. Шу йили ер ости сизот сувининг юқори эканлиги бўйича муоммо кўтарилиб, Нукус шаҳрида илмий-амалий конференция ташкиллаштирилди. Бу минтақадаги экологик жараён, айниқса, баҳор ва ёз фаслларида ўз ичига олади. А.Т Матчанов ва К.А Косназаровнинг монографиясида 1960 йилдан бошлаб Амударё суви Оролга етиб бормаганлиги сабабли суви камайиб Орол денгизининг куруқ тубидан кўтарилган пестицидлар билан ифлосланган ҳаво атмосферасида туз чангининг мавжудлиги

исботлаган[4]. Бу жараён ярим асрда Оролнинг 200 км чекинганини ҳисобга олмаганда, ўша пайтдан бошлаб 120 км масофада шамол йуналишида жойлашган Нукус шаҳрининг ҳудудига сезиларли даражада ўз зарарини кўрсатиб келди.

**Тадқиқот методологияси.** Ободонлаштиришда ер тагидаги сизот сувларининг даражасини камайтириш мақсадида шаҳар марказидаги ирригациявий тармоқларнинг янги усули ёки бетонлаб қоплаш ишлари вужудга келди. Шаҳарни ободонлаштириш ишларида ҳар йил 10 мингдан кўпроқ дарахтлар навчалари экилди. Натижада, шаҳарнинг марказида 30 га майдондан кўпроқ жойга бир неча йил давомида дарахтлар экилиб, шаҳар аҳолиси маданий дам оладиган паркка айланди. Ер тагидаги Агрессив сизот сувларни йўқ қилишга эришгани ҳисобидан парк номини “Жеңис” (Победа) деб қўйилди. Бундан ташқари бир неча янги парклар, хиёбонлар, тураржой массивларида кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Лекин ҳозирги вақтда ер ости сизот сувининг ер юзасига баъзи жойларда яқин келганлиги (1,2 м), Оролнинг тузли Оққуми, Қизилқумнинг таъсири, экологик жараёни шакллантириб, Жеңис паркдаги дарахтларнинг ярим аср давомида 90% йук бўлиб кетди. Бу жараёни ҳисобга олиб бу парк шаҳарнинг жануб томонидаги темир йўл вокзалининг ёнидаги дархтзор ҳудудига кўчирилиб, унга Амир Темур номи берилди. Бундан ташқари, шаҳардаги дарахтларнинг суст ривожланиши ҳаммага маълум. Масалан, Тошкентда 60 йиллик дархтлар баландлиги ўртача 15 метргача бўлса, Нукус шаҳридаги дарахтлар 8 метргача ўсиб, кейин 50% йук бўлиб кетган. Бу статистика хулосасига шаҳар марказидаги “Жеңис” парки ва 3,4,5-расмлардаги дарахтлар, Нукус шаҳри ва Мўйноқ туманидаги ер ости сизот сувлари мисол бўла олади. Мўйноқ туманининг ер қадди Балтик денгизи бўйича ўртача 56м бўлса, Нукус шаҳри 76м бўлишига қарамасдан 4м фарқ қилмоқда, ёки Нукусда ер юзасига сизот суви 1,2м, Мўйноқда 5,2м (3-расм).



3-расм. Нукус шаҳри ва Муйноқ туманидаги ер ости сизот сувларининг қадди.

Демак, қанча ер юзига сизот тузли сувлар якин бўлса, дарахтнинг ривожланиши учун шунча ноқулай бўлар экан. Шаҳардаги сизот сувларининг кўпайиши, ҳаво атмосферасининг тузланиши, ер юзасининг шўрланишидаги экологик жараён нафақат дарахт ва ўсимликларга таъсир кўрсатмасдан, биоларнинг ташқи материалларига, пойдеворларнинг чўкишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобидан маҳаллий турар жойларни фойдаланиш муддати 60 йилга тўғри келмоқда [5].

XX аср ўрталаридан кейин Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиш қўмитасининг меъёрий қоидаларига кўра, Қорақалпоғистон ҳудуди 3 та иқлим зоналарга (1г, 1в ва 1а) бўлинган [6]. 1в 30% ҳудуднинг майдонини эгаллаб, марказ ва жануб томонида жойлашган бўлса, 1г зонаси шимолий ҳудудни ўз ичига олган бўлиб, ер майдонининг 60% ини, 1а жанубий ғарб томонида бўлиб, ҳудуднинг 10% майдонини эгаллаган. Нукус шаҳри бўлса 1в ҳудудида жойлашган [7].

Иқлимнинг ўзгарувчанлиги ва ҳозирги вақтда Нукус шаҳрида ер ости сизот сувларининг 1,2 м гача кўтарилиши, экологик атмосферанинг бинога, унинг пойдеворида тузли сувнинг таъсири пойдевор сифатини пасайишига, бионинг чўкувчанлиги сабабли анъанавий биоларнинг конструктив тизимига ўз таъсирини кўрсатганлиги аниқланмоқда. Бунга асос 1970-80 йилларда 12 қаватли “Тошкент” номли меҳмонхона ва 9 қаватли 2 та турар жой қурилган бўлса, 40 йилдан буён техника илми ривожлансада, ҳудуди 6 баллик сейсмик даражада бўлган Нукус шаҳри бундай баландликдаги биолар қурилмади [8]. Шаҳарни ободонлаштиришда ҳовлили турар жойларнинг катта улуши бор. Нукус шаҳри 1932 йили Қорақалпоғистоннинг пойтахт шаҳрига айлантирилгандан кейин республиканинг турли туманларидан аҳоли кўчиб келиб, ўз минтақага хос бўлган анъанавий турар жойлар қуриб, ҳовлисини дарахтли манзарага айлантирган. Ҳар бир ҳовлили хонадонга қуриш учун 4,8 ва 6 сотик ер майдони ажратилган. Ер ости сизот сувларидан ободонлаштиришда ва ичимлик суви сифатида ҳовлили уйларда фойдаланиш 45% гача етказилган [9]. Нукус шаҳрида бу кўрсаткич 2% бўлса, қишлоқларда 5%, бунга сабаб ярим аср давомида Оролнинг чангли тузи Нукус шаҳрининг ер ости сизот сувларига етиб борганлигидир.

Натижада, ҳозирги вақтда шаҳар ҳудудида 50 минга ёқин ҳовлили турар жой бунёд этилган. Ҳар бир ҳовлига ўртача 2 дарахтдан тўғри келади. Демак, шаҳарда 100 мингдан кўпроқ дарахт аҳоли ҳисобидан парваришланиб иссиқ иқлимли шаҳарнинг экологик жараёни яхши-

ланган. Иссиқ қуруқ иқлимли минтақаларда ҳовлили турар жойларда кўкаламлаштирилган ҳудуд асосан ёз ойлари 10% гача иссиқликни камайтиради деб ёзади ўз монографиясида А.С.Уролов. Шаҳарда аҳолиси демографик жиҳатдан кўпайган сари ҳовлининг оилавий шароит учун зарурлиги кўпайиб, ҳовлили кўкаламлаштиришга катта эътибор берилади, деган ўз мақоласида Дмитрий Чугусов [10].

Шаҳардаги жамоат биоларида асосан мактаб ҳудудларида стадионнинг катта ер майдонларининг юзаси оппоқ туз билан қопланиб шўрланган, иссиқ қуруқ иқлимли ҳудуд учун ноқулай ҳолатни юзага келтирган (4-5-расм).



4-расм. Жидели-Байсун шаҳарчасидаги мактабнинг стадион ҳудудига экологик жараёни.



5-расм. Шаҳар марказидаги мактабнинг стадиони ҳудуди.

### Хулоса ва таклифлар:

1. 1960-70 йиллари шаҳар ҳудудида сизот сувларни камайтириш учун ариқларни бетонлаш жараёни фойдаланилган бўлса, 2013 йили шаҳар марказидан ўтувчи эни 50 м бўлган “Дўстлик” каналининг ён томонини 5 км узунликда бетонлаш усули қўлланилган. Демак, каналнинг ён томонини бетонлашни давом эттириш ва ариқнинг эскирган бетонларини янгилаш ва дренаж сонини кўпайтириш зарур. Боғларнинг маслаҳати бўйича, шаҳар ҳудудини ободонлаштиришда дарахтларнинг яхши ривожланиши учун дарёнинг қуёш нури билан тўйинган оқин суви кўпроқ мустаҳкам ҳаёт берар экан. Шаҳар ҳудудда ёз ойлари ёмғир ойига ўртача бир мартадан тўғри келмоқда. Ер ости тузли сизот сувлари ер юзига қанча якин бўлса, шунчалик дарахтларнинг ривожланишида муоммо бўлишини ҳисобга олсак, шаҳардаги дарахтларни, хиёбон ва паркларни дарё ва каналнинг оқ суғориш зарур.

2. Шаҳар мактаблари ҳудудидаги стадионлар майдони мана 30 йилдан буён қурилган шўр тупроқли ҳолатда. Шаҳарнинг иссиқ қуруқ

иклимида ўқувчилар ўйнаганда тузли чанг кўтарилиши, агар ёмғир бўлса ҳафталаб стадионда сув сақланиб, ернинг шўрланиб туришини ҳисобга олсак, замонавий кичик ўлчамдаги сунъий яшик майдонга эга ихчам стадионларни шакллантириб, дарахтлар сонини кўпайтириш зарур.

3. Ҳозирги вақтда аҳоли яшайдиган кўчаларни экологик жараёнини ҳисобга олиб, уларни назорат қилиш даври келди. Аҳолининг яшаш ҳудудларида ободонлаштириш ишларини ривожлантириш мақсадида кўчаларда йўлакларни тартибга солиш ва кўча томонга дарахтларни қаторлаб лойиҳа асосида экиш зарур. Бу назоратни Нукус шаҳридаги 59 та макон фуқоралар йиғини (МФЙ) бор эканлигини ҳисобга олсак, уларни ҳокимиятнинг ободонлаштириш ташкилотининг зиммасига юклаш қулай бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Ш. Мирзёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Т., «Ўзбекистон», 2017. -212 б.
2. К.М. Молутов. Архитектура и строительство советской Каракалпакии. – Нукус, «Каракалпакстан», 1977.

3. Ж.К. Шнекеев. Формирование архитектуры жилища Нукуса с учетом климата и экологии. // Архитектура. Қурилиш. Дизайн. 2019, №4 с.81-84.

4. А.Т. Матчанов., К.А. Косназаров и др. Современные рекомендации по предотвращению отрицательных влияний пыле-солевого выпадения на биотические и абиотические объекты в Южном Приаралье. – Нукус: «Билим», 2005. -68-78 б.

5. Ж.К.Шнекеев. Архитектура жилища Каракалпакстана.-Т., 2018.-165с.

6.КМК 2.01.01-94. Климатические и геологические данные для проектирования Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству. – Ташкент,1994.

7. Ж.К.Шнекеев. Усадебный сельский жилой дом для экстремальных условиях Каракалпакстана.// Проблемы архитектуры и строительства. 2016. №3 с.8-12

8. 2.01.03-96. Строительство в сейсмических районах.

9. Н.А.Димакова., Р.В.Шарапов. Проблема загрязнения грунтовых вод. Научный журнал. Современные наукоемкие технологии.2020.

10. Д.А.Чугусов., Р.В.Секу., М.А.Барышева Комплексное благоустройство дворовых территорий на примере г. Москвы. // Международный журнал прикладных наук и технологий «Integral» №1. 2019.

## MEHMONXONA KORXONASINI LOYIHALASHTIRISHNI BOSQICHMA-BOSQICH TASHKIL ETISH IMKONIYATLARI

**Nurfayziyev Zayniddin Boymurodovich** - Samarqand arxitektura va qurilish instituti.

**Nurfayziyeva Moxinur Zayniddinovna** - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Mazkur maqolada mehmonxona biznesining loyiha bosqichlarini to'g'ri tashkil qilish masalalari muhokama qilingan. Unda mehmonxonani loyihalashda bino qurish, bino loyihasini tanlash, dizayn ishlari va jihozlash kabi bosqichlar asosida tashkil etish xorijiy tajribalar bilan o'rganiladi.

В данной статье рассмотрены вопросы правильной организации проектных этапов гостиничного бизнеса. В нем будет изучен зарубежный опыт строительства гостиниц на основе таких этапов, как строительство, выбор проекта здания, проектные работы и оснащение.

This article discusses the issues of proper organization of the project stages of the hotel business. In it, the organization of the hotel design on the basis of stages such as building construction, building project selection, design work and equipment is studied by foreign experience

Trip Advisor –turizm sanoatidagi Amerikaning eng katta mijozlar bazasiga ega sayyohlik sayti. O'z foydalanuvchilariga dunyoning istalgan mamlakatiga sayohatni rejalashtirish imkoniyatini beradi. Tarkibning ko'p qismini yaratadigan foydalanuvchilar uchun sayt xizmatlari bepul va sayt reklama tomonidan qo'llab-quvvatlanadi. TripAdvisor shaxsiy tarkibni taqdim etgan birinchi saytlardan biri edi. Trip Advisor Media Group 25 ta sayyohlik brendi ostida ishlaydi, ular TripAdvisor, Airfarewatchdog, BookingBuddy, Cruise Critic, Family Vacation Critic, FlipKey, Gate Guru, Holiday Lettings, Holiday Watchdog, Independent Traveler, Jetsetter, lafourchette, Numba, OneTime, SeatGuru, SmarterTravel, Tingo, Travel Library, TravelPod, Viator, and VirtualTourist kabilar hisoblanadi.

“Trip Advisor”ning ta'kidlashicha, eng yaxshi mehmonxonalarni loyihalashtirishda quyidagilar muhim ahamiyatga ega:

- Mehmonxona quriladigan manzil;
- Mehmonxona loyihasi turi, uning manzilga mos kelishi;
- Mehmonxonaning ishlash kontsepsiyasi;
- Mehmonxona binosini loyihalash;

Mehmonxona quriladigan manzil - ushbu biznesni muvaffaqiyatida katta rol o'ynaydi. Ehtimol, daromad olishning ikkita eng muhim elementi - bu manil va marketing ekanligini hisobga olib, mehmonxona quriladigan manzil - mazkur biznesga kirish eshigini ochuvchi kalitdir .

JW Marriott Las-Vegas Resort & Casino Las-Vegasdagi eng yaxshi golf maydonlariga yaqin, shuning uchun golfchilarni jalb qiladi [7]. Bundan

tashqari, u atrofdagi ko'plab mehmonxonalarga qaraganda ko'proq qiziqish uyg'otadi va bu maqsadli auditoriyani tashkil qiladi.

Barselonada, shahar markazida joylashgan mehmonxonalar qulaylikni istagan mijozlarni jalb qiladi. Ko'rish uchun diqqatga sazovor joylar bor, aeroport, u yerda jamoat transportini topish oson. Bu hududda Durret Beach Apartments oilalar uchun juda yaxshi tanlovdir, chunki u oilaning barcha a'zolari uchun hamma qulayliklarga ega, plyajga yaqin, oshxonani o'z ichiga oladi va joylashishi manzili, piyoda yurishni talab qilmaydigan masofada joylashgan.

Yuqoridagilar, mehmonxona loyihasining xorijiy tajribalarda muhim ahamiyatga ega ekanligini belgilab beradi.

O'zbekistonda ham mehmonxona biznesini rivojlantirish uchun davlat tomonidan qator imkoniyatlar yaratilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi-ning 2019 yil 27 maydagi "Mehmonxona xo'jaligi faoliyatini yanada rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida" 433-son qarori [4] bilan Investirlarga yangi mehmonxona qurish va uni jihozlash uchun subsidiya ajratish hamda tashkilotlarni franchayzing to'g'risidagi shartnoma asosida qisman moliyalashtirish uchun Davlat byudjetidan mablag' ajratish tartibi haqidagi Nizom tasdiqlandi.

1) Nizomga ko'ra investorlar va tashkilotlar uchun mehmonxona qurish va uni jihozlashga sarflagan xarajatlarning bir qismini qoplash maqsadida Davlat byudjeti hisobidan quyidagi hajmlarda mablag' ajratilishi belgilangan:

3 yulduzli toifaga ega mehmonxonalarda har bir xona uchun 40 million so'm;

4 yulduzli toifaga ega mehmonxonalarda har bir xona uchun 65 million so'm.

Subsidiya 2019 yil 5 yanvaridan 2022 yilning 1 yanvariga qadar foydalanishga topshirilgan mehmonxonalar uchun ajratiladi.

Mehmonxonani loyihalashtirishda quyidagi bosqichlarni taklif qilishimiz mumkin:

1- bosqich tayyorgarlik bosqichidan boshlanadi. Avvalo, mehmonxona binosi quriladigan manzil haqida topografik ma'lumotlar bilan tanishish va hududni tahlil qilish lozim. Loyihalashtirilgan mehmonxonaning joylashuvini tahlil qilish bino uchastkasini, uning maydoni va topografiyasini, mavjud aloqalarni, qo'shni binolarni baholashdan iborat. Shuning uchun, dizayn ishlari boshlanishidan oldin, buyurtmachi qo'shni binolar va geo-bazani o'z ichiga olgan joy rejasini taqdim etadi. Shundan so'ng marketing tadqiqotlariga o'tish mumkin. Bunda loyiha rentabelligini bilib, mehmonxonaning taxminiy to'lov muddatini hisoblash imkoniyatini beradi. Xaridor va tahlilchilar tomonidan infratuzilma va xonalar soni bo'yicha pozitsiyalar ko'pincha farq qiladi: bu holda, dastlabki loyiha qanchalik yaxshi bo'lmasin,

mutaxassislarni tinglash kerak.

Loyihalashning 2- bosqichida texnik hujjatlar mehmonxonaning taxmin qilingan xususiyatlaridan kelib chiqqan holda ishlab chiqiladi. Loyiha topograflar va moliyaviy tahlilchilar tomonidan ma'qullangandan so'ng, qurilishni rejalashtirishning keyingi bosqichiga o'tish mumkin. Loyihani qog'ozda yaratgandan so'ng, uning yaxshi va salbiy tomonlarini yaxshiroq tushunish uchun kelajakdagi mehmonxonaning uch o'lchovli tartibini yaratiladi (1-rasm).



1-rasm. Mehmonxona binosining 3 o'lchovli ko'rinishi

1-rasmda tasvirlangan mehmonxona binosi 150 o'ringa mo'ljallangan, ichki va tashqi hovliga ega mehmonxona loyihasi. Me'morlar mehmonxonaning loyihasini qog'oz va virtual shaklda yaratib, rayonlashtirish va xonani bezash bilan tajriba o'tkazishadi. Qo'shni hudud alohida ko'rib chiqiladi. Transport almashinuvini hisoblanadi, chunki byudjetli sayyohlar, masalan, aeroportdan shahar markaziga avtobusda qanday qilib taksi orqali tejashni bilishadi. Shu sababli jamoat transporti bekatlarining yaqinligi qo'shimcha afzalliklardan biridir.

Mehmonxonaning tashqi dizaynini tasdiqlaganidan so'ng, tasdiqlangan qismning dizayni boshlanadi. 3-bosqich - loyiha bosqichi. Ushbu bosqichda, me'morlar, dizaynerlar va texnologlarning hisob-kitoblariga bino qurilish rejalari va bo'limlari nihoyat qisqartiriladi. Har bir loyiha guruhi tegishli dizaynerlar bilan aniq hamkorlikda mehmonxona loyihasining o'z bo'limlarini ishlab chiqadi. Ushbu bosqichning asosiy vazifasi mehmonxonaning barcha me'moriy va muhandislik yechimlarini muvofiqlashtirish va konstruktiv yechimlarni ishlab chiqishdir. Loyiha har bir qismi loyiha bosh me'mori bilan kelishiladi.

Dizayn binoning ko'rinishi va shaklini, ichki makonning tartibini, kuch va barqarorlik talablariga javob beradigan bino yaratish uchun hisob-kitoblarni o'z ichiga oladi. Dizayn jarayonida kerakli xususiyatlarga ega, hisoblangan mehnat xarajatlari va materiallar, inshootlar tanlanishi lozim.

Mehmonxona korxonasini loyihalash uzoq jarayon va bir necha bosqichlardan iborat bo'lib, ular davomida maqbul me'moriy ob'ektni yaratish masalalari ma'lum ketma-ketlikda hal qilinadi. Sxematik ravishda jarayonni quyidagicha

ko'rsatish mumkin.

A. Oldindan ishlash.

1. Mehmonxona kompaniyasi qurilishining asoslari.

2. Manzilni tanlash.

3. Dastlabki ma'lumotlarni yig'ish.

4. Dizayn vazifasini belgilash.

B. Loyiha qismi.

1. Texnik dizayn: texnik-iqtisodiy asoslash,

2. Loyihaviy takliflarni shakllantirish

3. Byudjet hujjatlarini tayyorlash

Dizayndan oldin ishlarning boshlanishi kompleks, alohida bino yoki sayyohlik joyini qurish to'g'risida qaror qabul qilinishi kerak. Bunday qarorni qabul qilish uchun mehmonxona joylariga bo'lgan ehtiyojni aniqlash kerak.

Mehmonxona joylariga ehtiyojni aniqlashda quyidagilarni e'tiborga olish maqsadga muvofiq:

- mintaqaning ahamiyati;
- ishbilarmonlik faoliyatining hududiy rivojlantirish xususiyatlari;
- ko'ngil ochish va dam olish sanoatini, transport tizimini rivojlantirish;
- mintaqadagi mehmonxonalarining mavjudligi va ularning yuklanish darajasi;
- sayyohlarni jalb qiladigan joylarning soni va imkoniyatlari.

Mehmonxona binosini qurish (rekonstruksiya qilish) asosini sertifikat shaklida tayyorlaydi, unda quyidagilar ko'rsatilishi kerak:

- qurilish zonasining tabiiy xususiyatlari va iqlim sharoiti, qor qoplamining davomiyligi, qalinligi va tabiati, suzish mavsumining boshlanishi va oxiri, suv harorati;
- kelajakdagi qurilish sohasida xavfsizlik zonalarining mavjudligi, atrof-muhitni ifloslantirish manbalarining yo'qligi;
- turistik yo'nalishlarni kesib o'tish;
- qish va yozda ta'til oluvchilarning kontingenti;
- xorijiy sayyohlarni qabul qilish imkoniyati;
- sayyohlik muassasasini tayinlash (mehmonxona, lager maydoni, lager va boshqalar), yoz va qishda sig'imni hisoblash, ushbu muassasani qurish rejalashtirilgan muassasani kengaytirish imkoniyati;
- ob'ektga kirish yo'llarining mavjudligi (agar kerak bo'lsa, yo'llarning qurilishi ularning taxminiy uzunligini ko'rsatadi);
- suv ta'minoti, kanalizatsiya, energiya, aloqa tarmoqlarining mavjudligi;
- turar-joy va yashash uchun mo'ljallanmagan binolarni buzish zaruriyati va buzilganlik uchun kompensatsiya shartlari;
- kir yuvish xonangiz, garajingiz va boshqalarni qurishning maqsadga muvofiqligi;

Mehmonxonani loyihalashda me'morlar strukturaning oqilona bo'lishiga, uning maksimal yaxshilanishiga va qulayligiga erishadilar. Ammo qulay binoning vakolatli iqtisodiy dizayni ishning faqat bir qismidir. Loyihani ishlab chiqishni

boshlashdan oldin, me'moriy ansamblni buzmaslik uchun mehmonxonani qurish uchun joyni tanlash, yangi binoni hududga bog'lab qo'yish, qo'shni binolar bilan uyg'unligini ta'minlash muhimdir.

Qurilish uchun uchastkani tanlash bo'yicha komissiya ishini boshlashdan oldin, uning joylashuvining kamida ikki yoki uchta variantini ajratib ko'rsatish va mikroiklim, tuproq va tuproq sharoiti, transport aloqalari va kommunal xizmatlarga ulanish haqida ma'lumot to'plash tavsiya etiladi. Bu holatda eng yaxshi deb shamoldan himoyalangan joylar hisobga olinishi kerak, bu erda kun davomida harorat keskin pasayishi yo'q, ular tekis joylarda yoki yon bag'irlarda 10 ° gacha ko'tariladigan va o'simliklari bilan qoplangan, sharqqa, janubi-sharqqa, janubga va janubi-g'arbga yo'naltirilgan. Ijobiy fazilatlar: tuproqning suvga o'tkazuvchanligi (qum, qumoq, qumoq), noqulay davrlarni hisobga olgan holda er osti suvlarining past darajasi, ko'chkilar va bo'sh tuproqlarning yo'qligi. Tekshirish majburiydir: chiqindilari tuproq, havo, er usti va er osti suvlarini ifloslantiradigan, toshqin suvlari bilan toshib ketadigan korxonalar yo'qligi, poydevorning sifati seysmikligi jihatidan. O'simliklardan mahrum bo'lgan uchastkalar obodonlashtirish imkoniyati va murakkabligi nuqtai nazaridan tekshiriladi.

Shunday qilib, joyni tanlashda quyidagilar tekshiriladi:

- joyning ekologik xavfsizligi;
- transport aloqalari;
- yashil bo'shliqlar mavjudligi;
- toshqin suvlari toshqini;
- seysmik jihatidan poydevorning sifati.

Shahar mehmonxonalarini loyihalashda mehmonlarning vaqtlari cheklanganligini, uzoq sayohatlar ularga mos kelmasligini hisobga olish kerak. Shuning uchun joy shaharning markaziy qismiga yaqin bo'lishi kerak, lekin shovqinli ko'chada emas. Stansiya, savdo va madaniy muassasalarining yaqinligi katta qulaylikdir. Yaqin atrofda park, bog 'yoki mehmonxona maydoni bo'lishi juda muhimdir.

Keyingi bosqichda ob'ektning joylashishini tasdiqlash to'g'risidagi hujjatni olgandan so'ng, mijoz dastlabki ma'lumotlarni to'plashi kerak. Ushbu ish hujjatlarni olishdan iborat - tanlangan joyda ob'ektni loyihalash va qurish bilan bog'liq ishlarni bajarishga ruxsat beruvchi manfaatdor tashkilotlarning roziligini olish. Ushbu hujjatlar orasida:

- elektr ta'minoti, suv ta'minoti, kanalizatsiya, issiqlik ta'minoti, telefon o'rnatish va boshqa texnik shartlar;
- mavjud binolar va yashil maydonlar to'g'risidagi materiallar;
- yer osti inshootlari va kommunikatsiyalaridagi materiallar;
- qurilish chiqindilari uchun poligon to'g'risidagi ma'lumotnoma;

• Fuqaro mudofaasi bosh shtabining texnik shartlari va boshqalar.

Kommunal xizmatlarga ulanishning texnik sharoitida nafaqat ulanish nuqtalari va aloqa sig'imi, balki ularning uzunligi ham ko'rsatilishi kerak, ularsiz kelajakdagi ishlarning murakkabligi va taxminiy narxini baholash mumkin emas.

Navbatdagi bosqich – dizayn. Dizayn topshirig'i buyurtmachi tomonidan uni ishlab chiqish topshirilgan dizayn tashkilotining ishtirokida tayyorlanadi. Vazifani tuzishda ular "Shaharsozlik hujjatlarini tuzish, ishlab chiqish, kelishish va tasdiqlash tartibi bo'yicha yo'riqnomaga" amal qiladilar.

Ta'mirlash bosqichi. Ta'mirlash ishlari - bu ta'mirlash ishlarining davomi. Ta'mirlash ishlarini bajarish uchun jadval tuziladi, unda zudlik bilan qarab tartib va muddatlar belgilanadi. Jadvalda belgilangan muddatlarga qat'iy rioya qilinishi kerak. Faqatgina istisnolar, ta'mirlash vaqtida uzoqroq ta'mirlashga muhtoj bo'lgan yashirin nuqsonlarni aniqlaydigan holatlar mavjud, ammo bu holda ham, rejalashtirilgan ish 90% tayyorlik darajasiga yetkazilishi kerak. Shoshilinch ta'mirlash bunday ehtiyoj mavjud bo'lgan hollarda va, albatta, odatdagi ish jadvalidan tashqarida amalga oshiriladi.

Qayta qurish bosqichi. Qayta qurish mehmonxonaning muhandislik tizimlarida o'zgarishlarni keltirib chiqaradi va ularni yangi faoliyat darajasiga ko'taradi. Qayta qurish - bu muhandislik-texnik xizmat doirasidan tashqarida shakllanadigan kengroq voqea, yaxshilanish esa texnik xizmat ishining natijasidir.

Mehmonxona korxonasini loyihalashtirishning yakuniy bosqichi. Loyihaning konstruksiyasi va bosqichi umumiy dizayn hajmining 60-70% ni tashkil qiladi. Loyihani amalga oshirish bosqichida barcha yo'nalish va qismlarni maksimal darajada o'rganish, mehmonxona loyihasining me'moriy va muhandislik bo'limlari uchun smeta va texnik xususiyatlarni ishlab chiqarish yo'lakhasining bosqichi hisoblanadi. Dizayn ishlarining natijasi mehmonxonani qurish uchun zarur bo'lgan tayyor

ish hujjatlari. Xaridor faqat ish hujjatlariga imzo qo'yishi mumkin - bajarish uchun va siz mehmonxonani qurishni davom ettirishingiz mumkin. Tabiiyki, yuqori sifatli qurilish hujjatlari mehmonxonani sifatli qurishning kafolati emas. Keraksiz xatarlardan saqlanish uchun mehmonxona kompleksini foydalanishga topshirishdan oldin texnik va dala nazorati talab qilinadi.

Mehmonxonalar jamoat binolari bo'lib, ular bir vaqtning o'zida ko'p sonli odamning hududida bo'lishlarini anglatadi. Shu sababli, mehmonxonalar (mehmonxonalar) dizayni yong'in xavfsizligi va binolarning muhandislik qismlarini rivojlantirishga alohida e'tibor berishni talab qiladi, ular ichiga shamollatish va havoni tozalash, yong'in signallari va ogohlantirish signallari va boshqalar kiradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, inshootlarning maqsadga muvofiqligi va ishonchiligi, kommunal xizmatlar va qurilish materiallari sifati mehmonxona loyihasining samaradorligi va mustahkamligini belgilaydi, shuningdek joriy va ta'mirlash xarajatlarini minimallashtiradi. Barcha qoidalarga rioya qilish va dizaynning har bir bosqichini batafsil o'rganish mehmonxona egalari va ularning mehmonlari uchun xotirjamlik garovidir.

Shuningdek, mehmonxonani loyihalashni to'g'ri bosqichlarda tashkil etish ishning sifatli va qisqa muddatda yakunlanishini belgilab beradi. Bu esa kelajakda mehmonxona faoliyatini samarali tashkil etish imkonini beradi.

#### Adabiyotlar:

1. D. Umirova "Mehmonxona xo'jaligini boshqarish. O'quv qo'llanma. TDIU. 2019.
2. Основы гостиничного менеджмента: учебник./ Роглев Х. Й. – К.: Кондор, 2009. – 408 с.
3. Организация и технология гостиничного обслуживания / Учебник / Под ред. канд. пед. наук А. Ю. Лапина. — М.: ПрофОбрИздат, 2001. — 208 с.
4. lex.uz
5. uzbeektourism.com
6. <https://scienceforum.ru>
7. <https://appinstitute.com/>

## MOZAIKA SAN'ATI: O'TMISH VA ZAMONAVIYLIK AN'ANALARI

**Турсунов Шавкат Шарибжонович, Уматалиев Мухторжон Абдурахимович**  
Наманган муҳандислик-қурилиш институти

В статье представлена краткая история возникновения мозаичного искусства, его методов, приложений и предложений для решения современных проблем.

**Ключевые слова:** мозаика, opus barbarakum, opus tessellatum, керамическая плитка, эмаль, tessera, opus vermiculatum, opus sectile.

The article presents a brief history of the emergence of mosaic art, its methods, applications and proposals for solving modern problems.

**Keywords:** mosaic, opus barbarakum, opus tessellatum, ceramic tile, enamel, tessera, opus vermiculatum, opus sectile.

Mozaika so'zining kelib chiqishi ma'lum emas, faqat bir necha taxminiy fikrlar bo'lib, ulardan biri lotincha "musivum" so'zma-so'z olinganda – "muzalarga bag'ishlangan asar" degan ma'noni

bildiradi. Boshqa birida – turli xil materiallarning rangli to'plamlaridan devor yoki polga badiiy tasvir yaratish deyiladi.

Mozaika - bu mahobatli san'at turi. Bu bir

necha xil mayda bo'laklardan(tosh, keramik plitka, smalta, turli xil rangli shisha, chig'anoq va hok.) yaratilgan bezak yoki tasvirdir.

Mozaika ishlashning ikki ko'rinishi mavjud – to'g'ri va taskari. To'g'ri to'plamdagi mozaika bo'laklari avval tayyorlab qo'yilgan tasvir tushirilgan grunt asosga ishlanadi. Gruntli asos bo'lib, mastika, sement, ohakli qorishma, mum va boshqa materiallar xizmat qilishi mumkin. Ikkinchi usulda esa – mozaika bo'laklari tasvir tushirilgan mato, karton yoki maxsus montaj to'rlining old tomoniga yelimlanadi, keyin mozaikaning ichki tomoniga qotiruvchi tarkibli qorishma quyiladi va vaqtinchalik asos qotgandan so'ng ajratib olinadi. Mozaika bo'laklari bir-birining orasi ochilib qolmasligi uchun maxsus suyuq eritma bilan to'ldiriladi. Ba'zida tasvirni yanada aniq ko'rinishi uchun mozaikaning old tomonini to'yaltirgunga qadar sayqallanadi.

Mozaikaning asossiy qadr-qimmati va ahamiyati – uning uzoq yillarga qadar saqlanishidir. Mustahkam, ishonchli asosga bajarilgan mozaika tasviri ming yillarga dosh bera olishi mumkin.

Mozaika san'ati juda qadimga borib taqaladi. Qadimgi mozaikalar er.av. 3 minglikka taaluqlidir. Arxeologlar tomonidan topilgan loydan yasalgan rang-barang krujkalari Ikki daryo oralig'idagi ibodatxonalardan topilgan.

Antik davrlarda mozaika barcha joylarda tarqaldi. Mozaikaning keng tarqalishiga sabab, uning bajarish texnikasining yetarli darajada arzon bo'lganligidir. Yaxlit toshlarga ishlov berish juda murakkab va og'ir mehnat talab qiladigan vazifa, yog'och esa uzoq vaqtga dosh bera olmaydi, shuning uchun bezak, sayqal berish materiallari sifatida mayda toshlar, galkakabi tabiiy materiallardan foydalanilgan. Mozaika – bu devor va pol, yo'laklar va fasadlarni bezash uchun eng maqbul va uzoq vaqtga chidamli usul hisoblanadi. Birinchi antik mozaikalarni qayta ishlanmagan daryo va dengiz galkalardan foydalanib bajarishgan. Bu texnika *opus barbaricum*(opus barbarakum) deb nomlangan. Bu uncha yorqin va ifodaviy kontur chiziqlari aniq bo'lmagan hayvonlar, insonlar, mifologik mavjudotlar tasvirlari bo'lgan. Asta-sekin toshga sayqal berish va qayta ishlash texnikalari paydo bo'la boshladi. Toshning fragmentli bo'lagidan terilgan mozaika *opus tessellatum*(opus tessellatum) deb nomlanishiga, kelib chiqish elementi – kubsimon shaklli toshcha – tessera sabab bo'ldi. Asta-sekin ustalar umumam yumaloq galka toshlardan foydalanmay qo'ydilar, tasvirlar mukammallashib, ishlov berilgan toshchalar orasidagi to'qimalar kichrayib, mozaika yuzasi silliqlandi. Mozaika esa bizga odatdagi ko'rinishga ega bo'ldi.

Mozaika san'atining gullagan davri ellinizm davriga to'g'ri keladi. Qadimgi ustalarni mozaika san'atida ajoyib realistik tasvirlar yaratishiga imkon beruvchi rangli smaltapaydo bo'ldi,

shishasozlik texnologiyasi rivojlandi. Yangi texnologiyalarni paydo bo'lishi yangi texnikalarni yaratilishiga – *opus vermiculatum* sabab bo'ldi. Bunda mozaikani terish prinsipi saqlanib, lekin mozaika yanada mayda, ranglar palitrasi boyidi. Albatta, bu anchagina mashaqqatli va qadrlı mehnat bo'lib, shuning uchun mozaikalarning o'lchamlari bir-ikki kvadrat metrdan oshirilmadi. Bu texnikada Qadimgi Rim mahobatli san'atining durdona asarlari yaratildi. Ushbu texnikada bajarilgan eng yodda qoluvchi asarlardan Tivolidagi Adriana Villasining "Idishdagi kabutarlar", Sitsiliyadagi Panorme(Palermo) Pyassa della Vittoriaga ishlangan "Ov sahnasi", Pompeydagi Favna uyiga ishlangan "Dengiz tubida yashovchilar", Pompeydagi Sitseron villasiga Dioskura Samoskiy tomonidan ishlangan ikki mozaika – "Ayollar nonushtasi" va "Muzikantlar" kabilarni keltirishimiz mumkin. Taxminan er.av. III asrlariga kelib yana yangi texnika – *opus sectile* yaratildi. Bu juda qimmatli va nufuzli texnika o'ziga xos yupqa plastinka ko'rinishida qirqilgan tabiiy toshlardan terilgan mozaikalar bilan o'zini namoyon qildi. "Opus sektile" texnikasi hozirda biz florentsiya mozaikasi deb ataluvchi texnikaning uzoq ajdodi hisoblanadi. Asosan III-IV asrgalarga tegishli qadimgi mashhur Vizantiya mozaikalari smaltadan ishlangan. Vizantiyaning eng taniqli mozaikalari Ravenna va Konstantinopolidagi avliyo Sofiya ibodatxonasi mozaikalari hisoblanadi. Qadimgi Rimdagi o'yin mavzusidagi tasvirlari bibliya mavzusiga ishlangan ulug'vor va mahobatli mozaikalar bilan almashdi. Ibadatxonalarga ishlangan Vizantiya mozaikalarining o'ziga xosligi bu mozaikalarga oltin smaltadan foydalanish hisoblanadi. Buning natijasida to'g'ri, tik terilgan mozaika, unga joylanagan har bir elementining nodir yuzasi va o'zining holati bilan farqlanib, olovrang tovlanuvchi yaxlit va muqarrar tabiiy oltin yuzani yaratdi. Bu xuddi mozaika nafas olayotgandek bo'lib, harakatning takrorlanmas taassurotini beradi.

Rossiyada mozaika san'ati xristian dinini qilingan vaqtlarda, boshqa yevropa mamlakatlariga nisbatan ancha kechroq, faqat X asrda paydo bo'ldi va materiallar yetishmasligi sababli keng yoyilmadi. Mozaika san'ati, uning qo'llanilish texnikasi va smaltalar ishlab chiqarish bo'yicha M.V.Lomonosov shug'ullangan. Uning "Poltava jangi" mozaikasi keng tanilgan. Afsuski, Lomonosovning mozaika ishi uning vafotidan keyin uzoq davom etmadi.

Florentsiya mozaikasi XVI asrda Medichilar oilasi ustaxonasida vujudga keldi. Florentsiyalik ustalar asar yaratishda toshlarning tasviri go'zalliklaridan keng foydalandilar. Tosharni tanlashda asosan – yaratiladigan mozaikaning eskizi yoki rangli tasviriga mos kelishiga e'tibor qaratishgan. Bu usul butun dunyoda eng murakkab usul sifatida tan olingan. Florentsiya mozaikasining

yaratilishidagi toshlarni sinchkovlik bilan tushlari asosida tanlash, o'zaro mukammal chok birikuvi uning hayratlanarli koloritda namoyon bo'lishiga xizmat qiladi. XVI yuz yillik oxiriga kelib,

Floretsiya texnikasi to'la shakllandi, bu texnikada bajarilgan asarlarda bizning bugungi kunimizgacha va hozirda ham alohida o'zgarishlar kuzatilmadi.



Namangan shahrida bajarilgan mozaika asarlaridan namunalar.

Rossiyada mozaikaga yana qiziqish XIX asrda paydo bo'ldi. Sankt-Peterburgda qurilgan hashamatli Isaakiyev sobori qurilishida uning interyerini bezashda freska rangtasviriga nisbatan ancha uzoq vaqtga chidamli bo'lgan mozaikadan foydalanishga qaror qilindi. Shaharning nam iqlimi, uning botqoq ustiga qurilganligi va sham va lampa chiroq tutuni, bajarilgan freska tasvirlari tugallanmasdan tasvirlar ishlangan bo'yoqlar yuzasi tezda qorayib va xiralashishiga sabab bo'ldi. Rus hukumati Imperator Badiiy Akademiyasining bitiruvchilarini Rimga – Vatikandagi mozaika Studiyasi ustalaridan ya'ni, Antonio Salviata tomonidan yaratilgan va muvafaqqiyatli foydalanilayotga teskari mozaikani, shu bilan birga ancha iqtisodiy foyda keltiruvchi mozaika terish usulini o'rganish uchun safarga

yuborildi. Bu usul da mozaika ko'zgudagi aks kabi terilgan va mo'ljallangan joyga olib borilib, u yerga joylangan. Bu usul "venetsian" usuli deb nomlangan. Boshqa tomondan, Rimdan Peterburgga smalta ishlab chiqarishni tashkil etish uchun shishasoz-texnologlar taklif etildi. 1851 yilda rus talabalari vatanlariga qaytib kelishgan bu vaqtda Peterburgda italyanlar allaqachon яBadiiy Akademiyasining mozaika ustaxonasi ochilishi sanasi hisoblanib, keyinchalik mustaqil bo'lim sifatida ajralib chiqdi. Aslida bu ustaxona Isaakiyev sobori uchun mozaikalar yaratishga maxsus tashkil etilgan edi va bu jarayon 66 yilga(1851 yildan 1914 yilgacha) cho'zildi. Shunday qilib, Birinchi jahon urushining boshlanishi hisobiga tugallanmay qoldi va ustaxona boshqa buyurtmalarni bajardi. 1883

yildan mozaika bo'limiga A.N.Frolov boshchilik qilib, tez orada o'zining shaxsiy ustaxonasini ochishga muvaffaq bo'ldi. Bu ustaxonaning katta mashhurlikka erishishi, uning o'g'li V.A.Frolov ijod qilgan yillarga, ya'ni uning rahbarligida Krovidagi Spas ibodatxonasiga A.Parlanda loyihasi bo'yicha ishlangan ikonostasa, Vodadagi Spas sobori uchun ikonostasa, Moskvadagi Xristos Spasitel ibodatxonasi uchun mozaika ornamentlari, podsho oilasi a'zolarining portret mozaikalari bunga yorqin dalildir. Mozaika ustaxonasiga V.A.Frolov oktyabr inqilobiga qadar rahbarlik qildi. 1929-1942 yillarda u Badiiy Akademiyaning mozaika ustaxonasini boshqarib, mozaika tarixi, nazariyasi va restavratsiyalariga oid qator maqolalar yozib, professor unvonini oldi. Avvaliga ustaxonaning yopilishi, so'ng esa bolsheviklar tomonidan mozaikani mavjud bo'lishi mumkin emas, u diniy madaniyat san'ati, mozaika ustasi esa yoqimsiz shaxs sifatida e'lon qilishdi va agarda bu 1929 yilda inqilob yetakchisining "tanada abadiy qolishi" bo'lmaganda, qancha davom etishi noma'lum edi. Bunga sabab V.I.Leninning mavzoleyini dekorativ bezash uchun aynan mozaika tanlandi. Mavzoley uchun frizni mozaikada bajarilishni V.A.Frolovga topshirilishi – bu mozaika san'ati uchun yana yo'l ochib berdi.

Haqiqatan ham, uni elitaliligi va diniy madaniyatga taaluqliligi ommaviy binolarga yo'naltirildi: bular – metrolar, vokzallar, madaniyat uylari edi. Metropoliten stansiyalarini mozaika tasvirlari bilan bezash ularni xuddi muzeyga qo'yilgan ekspozitsiyaga aylantirib qo'ydi. Binolar fasadini dekorativ bezashda mozaikani ommaviy qo'llash va unda sovet g'oyalarini yaqqol targ'boti o'zining keng ko'lami bilan Sovet Ittifoqini junbushga keltirdi. Bu metrolar o'zining go'zalligi bilan dunyoda yagona bo'lb, shuning uchun bebaho madaniy ob'yektlariga tenglashtiriladi. Bu stantsiyalarni dekorativ bezash ishlariga Rossiyaning eng yaxshi ustalari jalb etildi. 1937 yilda Frolov bilan birgalikda boshqa mozaika ustalari "Mayakoyskiy" stantsiyasi uchun ishlar bajarildi. Stantsiya plafonlari uchun A.Deyneka tomonidan bajarilgan eskizlar asosida yaratilgan "Sovetlar mamlakatida kecha-kunduzlar" sikliga kiruvchi mashhur 35 mozaika pannosida navqiron sovet mamlakatining industrial yutuqlari kuylangan edi. Sankt-Peterburgda Vasilyev orolidagi geologic-qidiruv muzeyida qiziqarli asho – "Sotsializm industriyasi" nomli rangli toshlardan ishlangan karta saqlanadi. Karta qimmatbaho va nodir toshlardan har bir fragmentni hayratomuz aniqlik bilan tanlangan va o'xshatib tayyorlangan. Bu karta 1937 yilda Parijda o'tkazilgan Butunjahon ko'rgazmasida sovet san'atining yana bir yutuq namunasi sifatida namoyish etilib, ko'rgazmaning Gran-Pri mukofotiga sazovor bo'lgan. Aslida uning namoyishi 1939 yilda Nyu-Yorkda o'tkaziladigan

Butunjahon ko'rgazmasi uchun rejalashtirilgan edi. Lekin, ustalar topshiriqni avvalroq uddalashdi. Bu murakkab san'at asari ustida 700 nafar usta ter to'kdi va natijada ulug'vor panno yaratildi. Uning o'lchami 30 metr kvadratni, og'irligi esa 3 tonnani tashkil etdi.

Kartaning diqqatni tortadigan jihati undagi barcha obyektlar o'zining ahamiyati va bo'ysunish holatiga ko'ra turli xil qimmatbaho toshlardan, misol uchun, moskva yulduzlar ko'rinishidagi rubin va olmos toshlardan ishlangan. Har bir fragmentning rangi ham juda sinchkovlik va topografik kartalarni tasvirlashning barcha standartlariga to'la amal qilgan holda bajarilgan. Panno florentsiya mozaikasi texnikasida iaslangan. Karta yaratish g'oyasi SSSR og'ir sanoat narkomi G.K.Orjonikidzega tegishli edi.

Urushdan so'ng rassomlar Ulug' Vatan urushidagi sovet kishilarining jasorati va qahramonliklarini kuylovchi pannolar yaratdilar.

Oradan yuzlab yillar o'tgan bo'lsada mozaika dolzarb zamonaviy san'at sifatida o'zining cheksiz imkoniyatlari, go'zalligi bilan insonlarning hayotini to'ldirib va ularga uyg'unlashib kelmoqda. Ming yillik an'analar esa bugungi kunga qadar yashab kelmoqda.

Zamonaviy monumentalist rassomlar mozaikaga binolarning interyeri va eksteryerini bezashda ko'p murojaat qilishadi. Bunda ular tabiiy tosh, oyna, smalta, yog'och yoki marmardan foydalanishadi. Shu bilan birga mozaika san'ati tarixiy binolarni, ibodatxonalarni dekorativ bezashda ham rivojlanib kelmoqda.

Hozirgi kunda asosan mozaikaning ikki turi keng qo'llanilmoqda: ulardan birinchisi florentsiya mozaikasi bo'lib, yupqa marmar parchalari va rangli toshlar (oniks, lazurit, malaxit, rodonit, yashma) tasvirlarning konturi bo'yicha kesilgan bo'ladi. Ikkinchisi esa mayda kubik shaklidagi smalta yoki toshlardan tashkil topgan rim mozaikasidir. Zamonaviy texnologiyalarning tufayli florentsiya mozaikasi bugunda lazer yoki gidroabraziv(suv yordamida kesish) yordamida mozaikani bajarish muddati va tannarxini sezilarli kamaytiradi. Rim mozaikasining bajarish texnologiyasi antic davrdagi kabi o'zgarmagan holda amaliyotda qo'llanilib kelmoqda.

Bugungi kunda eng katta arxitekturaviy loyihalarning amalda qo'llanilishi Birlashgan Arab Amirliklari hududlarida sodir bo'layotganini va bu loyihalarning badiiy bezatilishiga sinchkovlik bilan e'tiborimizni qaratsak, mozaikaning turli texnikalarda bajarilgan hayratomuz namunalariga ko'zimiz tushadi. Bunga misol qilib, Abu-Dabidagi Shayx Zayd nomidagi buyuk masjidini, Dubaydagi Al Ghurair va BurJuman savdo markazi maydonini, shu bilan birga ko'plab mehmonxonalar, bulardan One&Only The Palm va Al Qasr, Madinat Jumerahdir.

Dubaydagi parus-mehmonxona Burj Al Arab va

amirlikning poytahtdagi Emirates Palace mehmonxonalari interyerlarida “rim” mozaikasi namunalarini ko’rishimiz mumkin. Shu bilan birga eng yirik savdo markazi hisoblanadigan The Dubqi Mallga, aniqrog’i ya’ni The Village jinsi seksiyasida biz rim stilida bajarilgan ajoyib mozaika namunalarini ko’rishimiz mumkin. Bundan tashqari, BAA va boshqa mamlakatlarning binolari va ibodatxonalari ham bu noyob san’atning go’zal namunalari yaratilgan.

Ozbekistonda bugungi kunda olib borilayotgan qurilish sohasidagi o’zgarishlar butun dunyo tomonidan e’tirof etilmoqda. Yurtimizda bunyod etilayotgan binolarni badiiy jihatdan bezatilishida ham mozaika san’atidan foydalanib kelinmoqda. Bezak ishlarida asosan milliy naqshlarimizning islamiy va girih usullarida bajarilgan mozaikalar asosan binolarning fasad ko’rinishlariga go’zal ko’rinish kasb etmoqda.

XX asr davomida Sovet Ittifoqining turli burchaklarida eng yaxshi mozaika ustalari rang-barang mozaika asarlari yaratdilar. Bunga misol qilib yurtimizning katta shaharlari markazlaridan tortib kichik qishloqlarida ijtimoiy, ishab chiqarish va madaniy binolariga ishlangan va hozirgi davrda ham o’zining jozibadorligi, estetik jihatdan go’zal

va kompozitsion jihatdan tugalligi bilan o’z qimmatini yo’qotmaganligi bilan ajralib turadi. Lekin, afsuski bugungi kunda ayrim bu bebaho madaniy merosga eskilik sarqiti deb qarovchilar yoki bu san’at asarlarini qadrini bilmaydigan ayrim kishilar tomonidan mavjud binolarni joriy ta’mirlash jarayonlarida bu san’at asarlarini yo’q qilib yuborilmoqda. Shuning uchun bu tarixiy va umrboqiy san’at asarlarini asrash va davlat muhofazasiga olish bugungi kunning eng dolzarb vazifalaridan biridir. Shu bilan birga bu san’atni rivojlantirish, mozaika “maktab”larini, ustaxonalarini tashkil qilish bu qadimiy va abadiy san’atga bo’lgan hurmatimiz va e’tiborimizning isboti bo’lar edi.

#### Adabiyotlar:

1. Tursunov Sh., Abdulhakimov U. Monumental san’at va uning o’ziga xos xususiyatlari. “Farg’ona vodiysi yosh olimlari” III hududiy ilmiy anjumani materiallari, NamDU 2019 yil, 159-161 betlar.
2. <http://www.smalta.ru/istoriya-smalty/rimskaya-mozaika/tehnika-antichnoi-mozaiki/>
3. <https://antiqtrade.livejournal.com/18064.html>
4. <http://artmedia.ae/2015/14-mozaika/>

### НУР ҚАЛЬАСИГА БОҒЛАНГАН ҚАДИМГИ ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

**Ўроқов Олимжон Хайитбоевич**, Phd докторант  
Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти

Маъқолада қадимги Нур шаҳри мудофаа тизимида ер ости йўллари, яни суний қазилган ғорлар (лахмлар) шунингдек Нур аҳолиси ва уларнинг ер ости йўллари ҳақида умумий тушунчалари фикрлари келтирилган. Бу ер ости йўллари тизими қандай вазибаларни бажарганлиги ҳақида илмий изланилган маълумотларга кўра ўрганилган ва тахминий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Ғорлар, лахмлар, мудофаа тизими, Нур аҳолиси, Қалъа Арки, Чашма, ер ости ерлари, ер ости суви.

В статье представлены взгляды древних представлений о подземных дорогах в системе обороны города Нур, т.е. искусственно вырытых пещерах (лахмах), а также жителей Нура и их подземных ходов. Это исследование основано на научно исследованных данных о том, в какой степени система подземных дорог выполнила свои функции, и представлены приблизительные данные.

**Ключевые слова.** Пещеры, плотины, оборонительная система, обитатели света, крепостная арка, фонтан, подземные земли, подземные воды.

The article presents the views of the ancient concepts of underground roads in the defense system of the city of Nur, i.e. artificially dug caves (lahmah), as well as the inhabitants of Nur and their underground passages. This study is based on scientifically researched data on the extent to which the underground road system has fulfilled its function, and estimates are presented.

**Keyword.** Caves, dams, defensive system, inhabitants of light, fortress arch, fountain, underground land, underground water.

Қадимги Нур шаҳри мудофаа тизимида ер ости йўллари, яни суний қазилган ғорлар (лахмлар) катта ўрин эгаллаган кўп манбаларда эслатиб ўтилган. Аммо бу ғорлар археологик нуқтаи- назардан караганда деярли ўрганил- маган ва этибор ҳам суст бўлган.

Бугунги Нур аҳолиси бу ер ости йўллари ҳақида умумий тушунчага эга ва уларни “Ғорлар” деб атайдилар. Ҳайотим давомида кўп кишилардан бу ғорлар ҳақида эшитганман.

Ўтган асрнинг боши ва ўрталарида яшаган Миртош бобо, 97-йил ҳаёт кечирган боболар, ҳамда ўлкашунослар: Сафаров Журакул (у ки- ши Нурато музейи директори сифатида ҳам қарийб чорак аср фаолият юритганлар), Ахматкулов Каримтош, Бобокул Мирзоев ва бошқаларнинг ҳикоялари бу масалада муҳим маълумотларни ўз ичига олган эди. Бугунги кунда ҳаёт бўлган Нейматжон ака оталари Ис- лом Бобоҳўжаевдан эшитганларини бир неча

бор ҳикоя қилиб берганлар. Раҳматли Раҳмон Саидов билан суҳбатларимда ҳам кўп маълумотлар олганман. Улар аниқ эди.

Мен ўзим ҳали ўқувчи бўлган вақтимда (1999-2000 йиллар) Қалъа Арки ичида ғорлар туташган жойдан ғор йўлларида киришга уриниб кўрганман. Аммо, катта ёшдагилар бизларни у ерга киришга қуйишмаган. Аммо уларнинг ўзлари кириб чиқишган. У ердан қилич, совут, дубулға топиб уйларига олиб келганларини гувоҳи бўлганмиз. Ҳозир эса бу ғорлар туташган жойда кириб бўлмайди, емирилиб, ер билан деярли текисланиб кетган.

Кексалар ва маҳалий ўлкашуносларнинг хулосалари шуни кўрсатадики, қалъадан уч томонга қараб ер ости йўли кетган. Буни қарангки, шаҳар атрофидаги қадимий, 21 км узунликдаги Пироста деворининг учта дарвозаси бўлган. Демак ана шу уч томонга қараб кетган ер ости йўллари айнан шу дарвозалар томон йўналгани шубҳасиз!

Энди шу ер ости йўллари бевосита билганлар фикрига этибор берайлик. Дастлабки мулоҳазаларимиз шимолий шарқий йўл Пироста деворининг работ дарвозаси томон кетган ер ости йўллари ҳақида бўлади. Нур қалъаси туташ шарҳсимон маҳалласида Саидовларнинг катта ҳовлиси ҳаммага маълум. Шу Саидовлардан бири Раҳмон ака 12-13 йиллар олдин бир воқеани ҳикоя қилиб бергандилар. Бомар сўфи булоғидан юқорисидаги тепаликдан иморат узунми ё бошқа бир сабабли ер қазилаётганда катта ер ўпирилиб кетган. Қарасалар шу ердан пастга ва юқорига, қалъага қараб узун ғор кетган, сўнг бу чуқурликка бир неча машина тупроқ ағдарилиб кўмиб ташланган. Яқинда Неъмат ака Бобоҳўжаев билан бир неча бор қилган суҳбатларимда шу нарсa маълум бўлдики, Саидовлар ҳовлисида топилган ғорнинг давоми чашма ариғининг “Оби чаппа” (Тескари сув) тармоғининг ўнг томонидаги Неъмат акалар ҳовлисида чикқан. Бу аниқ!



“2009 йил устозим – Аҳмедов Рустам менга бу ғор шу ердан учга бўлиниб уч томонга кетган. Унинг бир учи Калтакориздан бориб чикқан, деган эдилар. Яна бир ходиса ёдимда. Болалигимизда акам шу ғор ичига кириб кетиб, уч кун йўқолувдилар. Қайтиб чикқанларидан

сўнг ғорнинг жуда узунлигини, кўп яна бўлинган жойлари борлигини ва шу сабаб адашиб қолганларини айтиб берган эдилар. Демак қалъадан бошланган бу ер ости йўли Саидовлар, Бобоҳўжаевлар ҳовлисида ўтиб машҳур Бандикушо зиёратгоҳи (бу ерда ғор оғзи бўлган) шу орқали Калтакоризгача камида 5-6 км.


Чўзилган ва муҳим вақтларда алоқа ва ҳимояланиш каби 8 вазифаларни адо этган. Ислоом Бобоҳўжаевнинг айтишларича уларнинг ҳовлиларидаги ғор оғзидан кириб, уч томонга кетган ер ости йўлини кўриш мумкин эмас. Аммо бу йўллар инсон фаолияти давомида деярли кўмилиб кетган. Хулосаларга таянсақ, бу ерда ғорнинг бир учи қолвага, иккинчи учи калтакориз томонга қараб кетганлиги маълум бўлади. Учинчи йўл эса мантиқан таҳлил, қалъадан чикқан иккинчи асосий йўлга бориб туташган бўлса керак! Бу ҳақда кейинроқ яна тўхталиб ўтамиз. Ҳозир эса ана шу иккинчи асосий тармок ер ости йўли ҳақида фикр юритамиз. 2011-2012 йилларда Чашма ансамбли шимолидаги тепалик ва ҳовлилар текислангани маълум. Ўшанда ерлар бульдозер билан сурилаётганда уч томонга кетган ер ости йўллари кўзга ташланади. Унинг бир учи қалъа томонга, иккинчи учи Миянгузар (Ўрта гулзор) томонга, учинчи учи эса сейсмик станция томонга қараб кетганлиги яққол кўриниб турарди. Ўша пайтда менга ўхшаган юзлаб тамошобинлар бунга гувоҳ бўлган эдилар.

Ер ости йўллари туташган жой ҳозирги янги дарвоза жанубида, Чашма ҳовлиси сатҳида эди. Ана шу ер ости йўллари бирлашиб, тугун бўлган жойда баландлиги бир метрдан зиёд учта катта кўза чикқан эди. Уларнинг ичига қум солинган бўлиб, атрофида катта- катта суяклар териб қўйилган экан. Ўша вақтда музей раҳбари бўлиб ишлаган Шавкат Исмоилзода от ва туя калласидан ҳам каттароқ, бу ердаги ҳайвонларникига ўхшамаган калла суягини музейга олиб кетган. Ҳозир у борми- йўқми, билмадим. Лекин шу нарсa маълумки бу тасодифан очилган қадимги тарих исботлари текширилмай туриб, апил-тапил кўмиб юборилди. Эҳтимол бу излар Нур шаҳрининг Бухородан ҳам кўхна тарихига бирор янгилик бериш мумкин эди. Ер ости йўллари қалъа томон йўли ёнидан чашма сувидан тортиб келган.

Миёнгилар томон йўналган ариқча ҳам кўриниб турар эди. Эҳтимол бу йўл бўйлаб, ер остидан сувнинг йўл охиригача боргандир. И. Бобоҳўжаевнинг ҳовлисидаги ўхшаш ғор қаерда ва у яна қаергача давом этади, маълум эмас! Эҳтимол бу йўл ҳам “Дарвозаи Нур” (Пироста деворидаги) атрофлардан бориб, ер юзига чикар!

Чашма ер ости йўллари тугунидан жануби-ғарбга, яъни сейсмик станция томонга кетган тармоғи кексаларнинг яна бир фикрини тасдиқлаши мумкин. Яъни, Қалъанинг сўнги, еттинчи минораси остидан ҳам қадимий Пашшот шаҳари томонга ер ости йўли кетган. Уларнинг таъкидлашича қалъадан чиққан ер ости йўли аввал Турғон дарасига (қабристон жануби) бориб чиққан. Бу ердан йўл то Бегоб дарасигача давом этган. Бу Пироста деворининг “Дарвозаи Шоди” дарвозаси жанубидан ўтганлигини билдиради. Лекин бу йўл ҳақида деярли бошқа маълумот йўқ.

Бу уч томонга чиқиб кетган йўллардан ташқари яна бир калтароқ ер ости йўли бор. Бу йўл узинлиги тахминан 45-50 км. Узунликда бўлиб, қалъа Арки билан Чашма сув йўлини боғлайди. Ундан асосан қамал вақтида қалъадагилар учун сув олинган. Бу ер ости сув таъминоти йўлидан сўнги бор 1920 йил баҳорида фойдаланилган. Бобом янги замон мактаб ташкилотчиси сифатида Нур шаҳрига бостириб келган босмачилар кўлига тушмаслик бошқа янги давр раҳбарлари қатори қалъа Аркига кириб беркинганлар. Бутун оилалари қатори дадам ҳам у ерга чиққан эканлар. Ўшанда ер ости лаҳм йўллари қайта зинапоялари тикланиб қарийб бир ой давомида ундан фойдаланилган. Ҳозир бу йўллар яна беркилган.



Хуллас, бор маълумотлар, эшитганларимизга кўра қадимги Нур қалъаси атрофидаги ер ости йўллари қандайдир тизим асосида барпо этилганлигини тахмин килиш мумкин. “Бу ер ости йўллари тизими қандай вазифаларни бажарган?” деган саволга қуйидагича жавоб берса бўлади, назаримизда.

1. Алоқа вазифаси. У икки йўналишда амалга оширилган бўлиши керак:

а) Вазият қалъа учун жуда оғирлашганда шаҳар ташқариси билан, қўшни ҳамкор ҳудудлар билан тез ва яширинча алоқа боғлаш, вазиятга ойдинлик киритиш.

б) Душман ёки Пироста девори, ёки Шахристон девори ё бевосита қалъа қамалини амалга оширганда шаҳарнинг турли чеккалари маркази билан қалъа ўртасида бевосита боғланишни яширинча амалга ошириш.

2. Билдирмай туриб, душман орқасига ўтиб турли маълумотлар тўплаш.

3. Тўсатдан турли томондан келадиган душманнинг орқа томонидан ўтиб билдирмай зарбалар бериш.

4. Узоқ қамал вақтида қалъада озиқ овқат танқислиги бўлган пайтларда озиқ-овқат таъминотини бемалол йўлга қўйиб туриш.

5. Душман шаҳарга ёриб кирган ҳолатларда шаҳар аҳолисини вақтинча беркиниши учун панажой вазифаси.

6. Мабодо душман устун келиб, қалъага кириш хавфи туғилганда шаҳар Беклари ва зодагонларнинг бемалол шаҳардан яширинча чиқиб, беркинишини таъминлаш вазифаси.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қадимий Нур шаҳрининг мудофаа тизими жуда пухта ўйланган. Ер ости ғорлари тизими эса асосий тизимда ўта муҳим ўринга эга бўлганлиги шубҳасиз! Нур қалъаси, унинг атрофидаги истехком деворлари, ер ости ғорлари тузилиши ўзига хос бўлиб, Ўрта осийда ягонадир, ўзига хос такрорланмасдир.



Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ушбу қалъа ва уни ҳимояси ҳисобланган деворлар ва ғорларни кўп марта ўрганишга уринишлар бўлган бўлсада, археологик нуқтаи - назардан деярли ҳеч иш қилинмаган. Қисқагина экспедициялар давомида фақат юзаки маълумотлар олинган холос! Ўрта Осиёнинг энг қадимий манзилгоҳларидан бири – Нур мудофаа тизими доимий, узоқ йиллик режалар асосида чуқур ўрганишга муҳтождир.

#### Адабиётлар :

1. Рустам Ахмедов. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси. Нурота тарихидан саҳифалар. Т. Уздавматбуотли нашриёти, 2010 йил.
2. Зелинский А.Н., Древние пути Памира. Автореферат дис....канд. ист. наук. – М. 1969, 21 бет.
3. Шавкат Исмоилзода. Нурота тарихидан саҳифалар. Т.: Уздавматбуотли нашриёти, 2010.

УДК: 725.945.72

## АРАБ ОТА МАҚБАРАСИ АРХИТЕКТУРАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ИЛМий АҲАМИЯТИ

**Жураева С.Ғ.**, ассистент. Ташкентский архитектурно-строительный институт

Мақолада Бухородаги оламга машҳур Исмоил Сомоний мақбарасидан қолишмайдиган Араб ота ёдгорлигининг архитектуравий ечими, таъмирлаш йўллари каби масалалар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Қобус минораси, ҳижрий, милодий, ганч, пешток, мақбара, нақш, таъмирлаш.

В статье рассматривается архитектурное решение и реконструкция мавзолея «Араб ота», не уступающая всемирно известному мавзолею Исматил Самани в Бухаре.

The article discusses the architectural solution of the Arabian ancestry and its reconstruction, which is inferior to the world-famous Ismail Samani mausoleum in Bukhara.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихи мобайнида жуда катта маданиятга эга бўлгани ҳолда тарихий ва боқий меъморий ёдгорликларни яратди. Аммо, кўп даврларда бу мулкнинг қадрига тўла етган эмас эдик. Биргина мисол келтираман. Шарқ тарихининг жаҳондаги энг йирик билимдони бўлмиш академик В. Бартольд 1922 йили 1006/1007 йили қурилган Қобус минорасини, мусулмон меъморчилиги ичидаги энг қадимий ёдгорлик, деб қайд этган эди.

Ҳолбуки, мусулмон дунёсидаги ҳозиргача сақланиб қолган санаси аниқ меъморий биноларнинг энг кўҳнаси ҳам – ўзимизнинг Ўзбекистонда. Бу Самарқанд вилоятидаги Нуробод туманининг аҳоли нисбатан зич яшайдиган жойлардан 60 чақиримча нарида – бир ёғи тоғ, бир ёғи чўл бир овлоқ ердаги Тим қишлоғида эканлиги маълум бўлди [1].

Бу ерда аҳоли Араб ота қабристони деб юритадиган мазорда бир гўзал мақбара бор. 1960 йилда Тимга ташриф буюрган академик Массон “Араб ота мақбараси” ҳижрий 267, милодий 977-78 йилларда бунёд этилганини аниқлаган [2]. Демак, иморат тугатилган пайтда Бухоро мамлакатада сомоний ҳукмдор Нух ибн Мансур тахт соҳиби эди. Бу амирни улуғ алломамиз Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолидан яхши биламиз. Бўлғуси буюк табиб ана шу подшоҳни даволаб, эвазига сарой кутубхонасидаги китобларни ўқиш бахтига муяссар бўлган эди. “Ўшанда мен жуда кўп хонали бир бинога кирдим, – деб эслайди кейинчалик Абу Али ибн Сино. – Ҳар хонада сандиқлар тўла китоблар. Мен кўрган ва ўқиган ҳар хил китобларнинг номини кўпчилик, ҳатто, эшитмаган ҳам. Мен ўшандай китобларни илгари ҳам, кейин ҳам кўрмадим” [3].

Демак, Бухородаги оламга машҳур Исмоил Сомоний мақбарасидан қолишмайдиган Араб ота ёдгорлиги юртимизда ана шундай юксак маданият гуллаб-яшнаган X асрда яратилган. Бу даврнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни бекиёслигини айтиб ўтирмаса ҳам бўлар. Бу мақбара тарихини ўрганган Пулат Зоҳидов яна шундай деб ёзади: “Меъмор тарихий номини ганчга битган йили Абу Райҳон (яъни Беру-

ний) беш яшар бола эди. Ибн Сино эса икки йил кейин туғилди” [3].

Араб ота мақбараси Бухоро шаҳрида қад ростлаган Исмоил Сомоний мақбарасига айнан ўхшайди. Бу мақбара ҳам – тузилиши жиҳатидан куб шаклидаги ва гумбазли бир хонадан иборат. Худди шундай мақбара Навоий вилоятининг Кармана туманида ҳам бор. У *Мирсаид Баҳром мақбараси* дейилади. У ҳам айнан шу сомонийлар даврида – XI аср бошларида бунёд этилган [1].



Араб ота мақбарасининг дастлабки ҳолати



1910 йилда таъмирлангандан кейинги ҳолати

Араб ота мақбараси Марказий Осиёда тарихий қурилиш санаси аниқ бўлган, гиштли бино бўлиб, бугунги кунгача сақланиб қолганлиги-

нинг ўзи бир мўъжизадир. 1910 йилда жумладан, тарихий обиданинг орқа қисмига маҳаллий аҳоли томонидан қўйилган тиргович тарихий обидага ўз зиёнини берган. Цемент қоришмаси билан деворни тиклашга уринишган. Албатта бу уринишлар маҳаллий аҳолининг соҳа мутахассиси бўлмасдан бажарганлиги билан изоҳланади.

Олд пештоқ томонларини ҳам оддий ҳомашёлардан фойдаланиб, тиклашга уринилган, аммо бу иш ҳам нотўғри бажарилган бўлиб, шунчаки суваб ташлашга кўпроқ мисол бўлади. Пештоқдаги нақшлар эса ҳозирги кунда шунчаки сувоқ берилган пештоққа айланиб қолган. Эшиклари ҳам ҳозирги кунда таъмир талаб аҳволга келиб қолган. Олд томондаги айлана шаклидаги безакларга ҳам нотўғри ишлов бериш натижасида у ерда ёзилган Оллоҳ ва Муҳаммад сўзлари ўчиб кетган. Бинода қурилиш ашёси ғишт бўлганлиги бизга олдиндан маълум албатта, аммо асосга ҳозирда мармар қурилиш ашёси ишлатилган. Йўлаклар, бино олд қисмидаги майдон ҳам мармар қурилиш ашёси билан қопланган. Бу эса ҳозирда ўз таъсирини кўрсатиб, бинонинг бузилиш даражасига олиб келмоқда. Албатта бунинг асл сабаби бино ғишт деворлар билан ўралган бўлиб, асос ва олд майдонларидаги мармарлар сув тортмаслиги сабабли, бино ўзига қор-ёмғир сувларини тортиб олмоқда. Бинонинг жануби-ғарбий томони шикастланган.

Мақбаранинг олд томонларида тут ва бошқа дарахтлар экилган бўлиб, ҳозирда бино якка ўзи қолиб кетган. Дарахтлар ҳам олиб ташланган. Ҳолбуки тут дарахти бинога таъсир этувчи ҳар хил зиён бўлувчи заҳланишни олдини олган[4]. Бу ер қаридан 30 метр масофагача бинога зиён етмаслик чораси сифатида қўлланилган.

Шўрланиш, зилзила, қор-ёмғир сувлари таъсирини ўзига олиб келган. Ўрнатилган мармарлар талаб даражасида ўрнатилмаганлиги сабабли, чўкиш натижасида бир қанча ўринларда қийшайиб қолгани кузатилади. Бунинг натижасида сувнинг аксарият қисми ташқарига оқиб кетиш ўрнига, бино ичкарасига киришига сабаб бўлмоқда. Том қисмига ўрнатилган новлар ҳам тўғри ўрнатилган, ташқи қисмига ҳам ўнғайсизлик ҳолатини келтирган.

Охирги қилинган таъмир ишларидан сўнг бинонинг X асрга тегишли муҳити йўқолган. Бугунги кундаги нов, қурилиш ашёларининг замонавий ҳолатидан келиб чиқиб фойдаланилганлиги, бинонинг ўз тарихий ва аслий ҳолатини йўқотган. Бинонинг ички қисмида ҳам ўзгартиришлар қилинган. Асосий таклиф сифатида бинонинг жануби-ғарбий томонидаги ёриқлар, табиий хом ашёдан фойдаланилган ҳолда, таъмирлаш таклифи берилган. Тарихий обида пишган ғиштдан қурилганлиги сабабли,

олд қисмидаги майдонлар ҳам тўлиқ ғиштдан қилиниши лозим. Йўлак четларига сув ва заҳни ўзига тортиб олувчи қурилиш ашёси ҳам қўйилиши мақсадга мувофиқ эди. Имкони бўлса фасад қисмидаги суваб ташланган қисмларини кўчириб олиб, асл ҳолатидаги нақшинкорлигига келтирилса мақсадга мувофиқдир. Бино атрофига тут, мажнунтол дарахтлари экилиши лозим. Зиёратга келган инсонларни дам олишлари учун беседкалар ўрнатиш, кичикроқ бўлса ҳам дам олиш жойлари қўшимча сифатида қурилиши лозим. Мақбара атрофлари гуллар экилиб, ободонлаштириш ишларини бажариш яхши самара беради.

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, сайёҳлик мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи эканлигини кўриш мумкин. Бухородаги Сомониёлар мақбараси ёки Карманадаги Мир Саид Баҳром мақбараси ва бошқа бир қанча мақбараларига алоҳида туризм бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, ҳаётга тадбиқ этилган. Асосий мақсад Араб ота мақбарасига элтувчи ҳудудларни туризм йўлларида боғлаш ҳам кўзда тутилган. Бу ёдгорлик пишган ғишт ҳомашёсидан қурилганлик намунаси бўлибгина қолмасдан, бу ерга келган сайёҳлар Оқ масжид, Тим ота, минг йиллик арча ва яна ўзига хос бетакрор бўлган она табиат қўйнида дам олиб ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади. Ҳам маънавий, ҳам маданий дам олиш жойига айлантириш мумкин. Тим қишлоғига келиш йўлида фақатгина Араб ота мақбараси эмас, яна бир қанча мажмуаларни зиёрат қилиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Умуман олганда, Араб ота мақбараси объектларига кириш тизимини такомиллаштириш, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичларини ўрнатиш, ахборот марказларини ташкил этиб, уларда туристларни қизиқтирувчи барча хизматларни йўлга қўйиш лозим. Меҳмонхоналарга жойлаштириш, Wi-Fi зоналарини ташкил этиш, йўллар ҳолатини яхшилаш, зиёратчилар учун барча шароитларни яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. Искусство зодчих Узбекистана. П. Мавзолей Араб-ата. –Изда.акад. наук Узбекской ССР. Ташкент, 1963.
2. Эшманов Ғ.Ж. “Янги аср” газетасининг 2001 йилдаги 8-май сони.
3. Зоҳидов П.Ш. Тимдаги мақбара Т.:1987. 3-бет.
4. Салимов О. Архитектура ёдгорликларининг муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш усуллари. Ўқув қўлланма. Тошкент- 2013.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛЛИК АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Эшмуратов А.Э.,** катта ўқитувчи, **Каримов Э.Б.** катта ўқитувчи, **Эшмуратов О.А.** ўқитувчи  
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

В данной статье рассматриваются вопросы строительства платных дорог в нашей стране, которые в настоящее время актуальны при строительстве новых современных автомобильных дорог, и работы проводимые в этой области, перспективы таких дорог, правовые документы, принятые в этом направлении.

This article discusses the construction of toll roads in our country, which are currently relevant in the construction of new modern roads, and the work carried out in this area, the prospects of such roads, legal documents adopted in this direction.

Дунёда пуллик автомобиль сақлаш, тўхташ жойлари ва пуллик йўллар аллақачон автомобиль йўллари инфратузилмасининг муҳим қисмига айланиб улгурган. Улардан фойдаланиш хизматларидан тушадиган маблағлар ҳатто энг чекка ҳудудлардаги йўллари ҳам яхшилаш, транспорт хизматлари сифатини оширишга хизмат қиладиган инновацион йўл қопламаларини жорий этиш имконини беради.

Бугунги кунда дунёдаги барча автомобиль йўлларининг 3 фоизи пуллик автомобиль йўлларида иборат. Пуллик автомобиль йўлларида фойдаланишнинг бир қанча афзаллик томонлари бор, жумладан:

- улар умумий йўлларга қараганда қисқа бўлади;

- пуллик йўлларда ҳаракат ҳафсизлигини таъминланиш юқори даражада бўлади;

- пуллик йўлларнинг сифати умумий йўлларнинг сифатига қараганда сезиларли даражада юқори бўлади;

- ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонларининг подалари учун қўшимча тўсиқлар ўрнатилади, автомобилларнинг ҳаракатланишидаги юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш ҳавфсизлик хизматлари ходимларининг доимий назоратида бўлади;

- уларда йўл қўйиладиган энг юқори тезлик белгиланганидан 20 км/соатга ортиқ бўлади, фойдаланганлик учун ҳақ эса суткадаги вақтга қараб табақалаштирилади,

- йўл бўйи инфратузилма объектлари, шу жумладан, кемпинглар, мотеллар, ҳайдовчи ва йўловчилар дам оладиган, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиладиган ва таъмирланадиган бошқа жойлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари мавжуд бўлади.

Бу борада Ўзбекистон автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан Республикада пуллик автомобиль йўллари тартибга солиш бўйича таклиф муҳокамага қўйилди. Хусусий лойиҳасига кўра пуллик автомобиль йўл-транспорт воситаларининг қонунчиликда кўзда тутилган транспорт воситаларидан турлари бўйича тезлигига, оғирлигига, габаритига уз-

луксиз ва ҳавфсиз ҳаракатланиши учун мўлжалланган комплексга ҳос бўлади.



Автомобиль йўллари аҳамиятига қараб халқаро, Республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўлларга бўлинади. Ушбу йўллари лойиҳалаш ва қуришда сунъий иншоотлар: туннеллар, кўприklar, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, таянч деворлар, химоя йўлаклар барпо этилади. Автомобиль йўллари лойиҳалашда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш учун йўл белгилари, кўрсаткичлар, химоя воситалари ва транспорт оқимини бошқариш қурилмалари ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 мартда имзолаган ПҚ-3589 сонли “Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида жойларда Ўзбекистон - Хитой ва Покистонга чиқиш имкониятларини берувчи Андижон - Ўш - Эргаштом - Қашқар автомобиль йўлини ишга тушириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Республиканинг ўзида Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Қамчиқ довони (тоннел) орқали боғлайдиган йирик автомобиль йўли, темир йўли, бундан ташқари Қўнғирот - Бейнов автомагистралли қурилиши жадал олиб борилмоқда, умумий узунлиги 1250 км дан ортиқ бўлган Андижон-Тошкент-Нўкус-Қўнғирот автомобиль йўли қурилиши лойиҳаланмоқда ва қурилмоқда. Мамлакатдаги автомобиль йўллариининг жами узунлиги 184 минг км.дан ортиқ, шулардан умумий фойдала-

ниладиган автомобил йўлларининг узунлиги 42,6 минг км., жумладан 3237 км халқаро, 18767 км республика, 21459 км маҳаллий вилоят аҳамиятига эга бўлган йўллардир. Республикада 1864 км автомобил йўли I- тоифали йўлга кириди. Автомобиль йўлида техник хизмат кўрсатиш станциялар, ёқилғи станциялари ва бошқа турдаги бино ва иншоотлар жойлашади. Жаҳон стандартлари бўйича автомобиль йўллари мамлакат умумий транспорт тармоғидаги аҳамияти ва ҳисобий ҳаракат жадаллиги бўйича 5 тоифага бўлинади:

I тоифадаги автомобиль йўлида ҳар иккала йўналишда ўртача суткалик ҳаракат жадаллиги 7000 дан кўпроқ автомобилга, ҳисобий тезлик 150 км/соатга, энг паст тоифадаги йўлда ҳаракат жадаллиги суткасига 100 га яқин автомобилга ва ҳисобий тезлик 60 км/соатга мўлжалланади. Бугунги кунда халқ хўжалигида автомагистралларнинг аҳамияти катта. Жаҳондаги Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 20,8 млн. км (қаттиқ қопламалари 14 млн. км дан ортиқ, 1990). Қаттиқ қопламали Автомобиль йўли узунлиги (минг км.) АҚШда 6243 (1986), Буюк Британияда 356, Францияда 741, Германияда 496, Японияда 782, Ҳиндистонда 759 (1990). 20-аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км. йўл бўлиб, асосан от-арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км. га шағал ётқизилган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътибори туфайли Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари соҳасида амалга оширилаётган қурилишларни кўриб кўзингиз қувонади. Бундан ташқари вилоятлар марказларида янги барпо этилаётган массивлардаги қурилишларда намунавий лойиҳа асосида барпо этилган ва барпо этилаётган турур-жой бинолари атрофида амалга оширган йўл қурилиши соҳасидаги ишларни мамнунлик билан эътироф этиш мумкин.

Матбуотда эълон қилинган йўл транспорт ходисалари туфайли 2020 йил январь-февраль ойларида 267 та фуқороларимиз вафот этганлигини бонг уришяпди. Шундай экан ушбу автомобиль йўлларини лойиҳалашда бугунги кунда ривожланган мамлакатларда йўлсозлик соҳасида амалга оширилаётган замонавий технологияларини қўллаган ҳолда хавфсиз автомобиль йўлларини лойиҳалаш ишларини ташкил этиш зарур деб ўйлайман.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 май куни транспорт соҳаси масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда «Қамчиқ» довозида муқобил туннель қурилишини ўз ичига олувчи «Тошкент-Андижон» пуллик автомобиль йўли лойиҳаси бўйича тендер эълон қилинишини таъкидлаб ўтилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2019 йил 9 декабрдаги президент қарори билан, 2020-2022 йилларда

давлат-хусусий шериклик шартларида пуллик автомобиль йўлларини ташкил этиш лойиҳалари юзасидан «Йўл харитаси» тасдиқланган.

Унга асосан, Қамчиқ ва Тахтақорача довозларида янги пуллик тоннеллар, «Тошкент – Самарқанд» ва «Тошкент – Андижон» йўналишларида ҳамда Сирдарё – Бахт шаҳарларини айланиб ўтувчи пуллик автомобиль йўллари қурилиши белгиланган.

Қамчиқ довозида қуриладиган тоннель лойиҳаси бўйича тендер ғолиби билан 2022 йил март ойида, Тахтақорача тоннели тендери ғолиби билан 2021 йил май ойида келишув имзолаш режалаштирилган.

2021 йилнинг апрель-май ойларида «Тошкент – Самарқанд» ва «Тошкент – Андижон» йўналишларидаги ҳамда Сирдарё – Бахт шаҳарларини айланиб ўтувчи пуллик автомобиль йўли қурилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Тошкент ва Чимкент шаҳарларини боғловчи пулли йўл ғояси ҳам ўртага ташланган эди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилган “Пуллик автомобиль йўллар тўғрисида” ги қарор лойиҳаси қонунларни баҳолаш тизими порталида (СОБАЗ-система оценки законодательных актов) эълон қилинган. Ушбу қарор лойиҳаси ҳозирда жамоатчилик муҳокамасида.

Шуни айтиш жоизки пуллик йўллар давлат-хусусий шериклик асосида қурилади.

Республикаимизда пулли йўлларни лойиҳалашда албатта Афросиёб тез юрар поездининг қурилиши биз учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда дастури амал бўла олади деб ўйлайман, яъни ушбу темир йўлни лойиҳалашда 220 км/соатга тезликнинг оширилиши, ҳаракат хавфсизлигининг таъминланишини эътиборга олиб мавжуд темир йўл бир томонидан бир томонлама ҳаракатни таъминлаш, иккинчи томонидан иккинчи томонга ҳаракатни таъминлаш лойиҳасини татбиқ қилиб кўрса иқтисодиётимизга жуда ҳам катта фойда бўлган бўлар эди.

Пуллик автомобиль йўллари лойиҳасини амалга оширишда маълум бир қийинчиликларга дуч келинади, лекин ушбу лойиҳадаги дуч келадиган муамоларни туннеллар, кўприклар, йўл ўтказгичлар (ер ости ер усти) эстакадалар, йўловчилар учун мўлжалланган йўл ўтказгичлар (ер ости ер усти) тиргак деворлар ва ҳимоя воситаларини лойиҳалаш орқали бу муаммоларни ҳал қилса бўлади, бунинг учун Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро политеини қурилиши соҳасидаги тажрибаларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Комплекс равишда лойиҳа амалга оширилса темир йўл ва автомобиль йўллари атрофида амалга оширилаётган ободонлашти-

риш, кўкаламзорлаштириш ва ландшафтини сақлаган ҳолда лойиҳаларни кетма-кетлик асосида амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман.

Мамлакатимизда пуллик автомобиль йўллари тармоғини барпо этиш янги ҳолат, шу сабабли зарур норматив-ҳуқуқий базани яратиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 - 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбир-

лари тўғрисида” ги ПҚ-3422-сонли қарори. 2 декабрь. 2017 йил. Тошкент.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “2018 - 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида” ги 990-сонли қарори. 5 декабрь. 2018 йил, Тошкент.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3589-сонли қарори. 6 март, 2020 йил, Тошкент.

UDK 2412.208

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “ЗИЁРАТ” ОБЪЕКТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШДА МОСЛАШТИРИЛИБ ТУРИСТИК МАСКАНГА АЙЛАНТИРИШ.

Умарова М.К. – Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Дальнейшее развитие туристического потенциала, широкое знакомство туристов с уникальными историческими, культурными и архитектурными памятниками региона, ускоренное развитие современной туристической инфраструктуры и повышение качества туристических услуг, активизация внутреннего и внешнего туризма.

**Ключевые слова:** Памятник, путешествие, паломничество, консервация, реставрация, реконструкция.

#### In the development of tourism in Uzbekistan, the Ziyorat facilities should be modernized and turned into tourist attractions.

Further development of the tourist potential, wide acquaintance of tourists with the unique historical, cultural and architectural monuments of the region, accelerated development of modern tourism infrastructure and improving the quality of tourist services, activation of domestic and foreign tourism.

**Keywords:** Monument, travel, pilgrimage, conservation, restoration, reconstruction.

2016 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон туризм соҳасида катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўладиган иккита қонун ҳужжати қабул қилиниб, улар “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларидир. 2016 йил 2-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси президенти Фармонининг биринчи бандида “туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодийнинг стратегик сектори мақомини бериш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг кудратли воситасига айлантириш” [1.1] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда 2017 йилининг 9 ойида 1,8 млн. киши ташриф буюрган бўлиб, жорий йилнинг охиригача 2,5 млн. туристларни қабул қилиш кутилиб, бу 2016 йилга нисбатан 18 фоиз зиёддир [1.2].

Инсонлар қадимдан зиёрат, тижорат, билим

олиш ёки малака ошириш, ўзга мамлакатларни ўрганиш, қариндошлардан хабар олиш каби турли мақсадларда саёҳатни амалга ошириб келадилар. Иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, транспорт ва инфор­мация коммуникацияларининг кун сайин такомиллашиб бориши нати­жасида XX асрда ушбу ҳодиса кескин оммала­шиб, XXI асрда ҳам айтилган тенденция давом этмокда. Жаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, бугун дунёдаги қарийб 50% туристик ташрифлар асосан 10 та - АҚШ, Испания, Франция, Хитой, Италия, Германия, Буюк Британия, Швецария каби нуфузли халқаро туристик ҳудудларга тўғри келиб, дунёдаги бошқа бой туристик салоҳиятга эга ҳудудлар (жумладан, Ўзбекистон ягона туристик ҳудуд сифатида) қолган 50% халқаро сайёҳлар учун ўзаро кураш олиб боришларига тўғри келади. Кучли рақобат кураши шароитида халқаро сайёҳларнинг эътибори ва оқимини мамлакатимиз томон жалб қилиш учун илмий асосланган, самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалда тадбиқ этиш талаб этилади. Айнан ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишининг 2016 йил 6 июндаги “Жойларда туризм соҳасини янада ривожлантириш ва туризм хизматлари экспор­тини ошириш таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар тўғрисида” 30-сон баёни

қарорида ҳам ўз аксини топган бўлиб, ижро этувчи давлат органлари томонидан долзарб муаммо сифатида эътироф этилган.

Бизнинг фикримизча, “саёҳатгоҳ” тушунчаси “туристик ҳудуд”га қараганда кенгрок бўлиб ҳисобланади ва уни ўзида тўлиқ қамраб олади. Таъкидлаш жоизки, “туристик ҳудуд” фақатгина муайян сайёҳнинг саёҳат мақсадига айланганидан сўнг “саёҳатгоҳ”га айланади ва у “туристик ҳудуд”да мавжуд жозибатор омиллар ва туристик фаолият олиб бориш учун барча шарт-шароитлари мавжуд географик жой сифатида истеъмолчи томонидан қабул қилинади. Шунинг учун “саёҳатгоҳ”нинг жозибаторлиги, қуйидаги иккита омилдан бевосита боғлиқ бўлади: 1) дестинациянинг туристик оқимни шакллантириш қобилияти; 2) дестинациянинг сайёҳлик эҳтиёжларни қондира билиш даражаси. Маълум диққатга сазовор жойларни тузилмалар, ташкилий ва бошқарув мажмуини шакллантириш натижасида улар муайян “саёҳатгоҳ”ларга айланадилар. Бундай диққатга сазовор жойлар хилма-хил туристик сегментларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш қобилиятига эга бўладилар. Ёдгорликларнинг тарихий-архитектуравий аҳамияти ва ҳолатини аниқлаш бўйича олиб борилган лойиҳавий, илмий-амалий изланишлар натижасида архитектура ёдгорликларидан фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш учун муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш масалаларини ечиш бўйича концепция яратилган. Мазкур концепцияда архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаган ҳолда улардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Архитектура ёдгорликларининг ҳозирги кундаги ҳолатининг таҳлили ва олиб борилган тадқиқот ишлари ҳулосаларига кўра ёдгорликларни сақлашнинг асосий усуллари: **консервация, реставрация, реконструкция ва мослаштиришни**, ташкил этилади. Бошқача қилиб айтганда, “саёҳатгоҳлар иерархияси” мавжуддирки (1-жадвалга қаранг), туристик оқимни вужудга келтирувчи бозорларга асосланган ҳолда белгиланиши керак. [1.3].

1-жадвал.

Саёҳатгоҳлар иерархияси (маданий туризм мисолида)


|                                   |                               |                   |
|-----------------------------------|-------------------------------|-------------------|
| Масканлар ҳақидаги билим даражаси | Халқаро даражаси              | Буюк Ипак йўли    |
|                                   | Миллий даража                 | Ўзбекистон        |
|                                   | Бухоро вилоят                 | ҳудуд даражаси    |
